Kimyoviy tushunchalar kimyoviy elementlarni tavsiflaydigan ko'pgina konkret materialni o'z ichiga oladi. Atom-molekulyar ta'limotni, shuningdek, kimyoviy elementlar va ularning eng muhim birikmalari to'g'risidagi ta'limotni hozirda D. I. Mendeleevning davriy qonuni va elementlar davriy jadvalisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Davriy qonun hozirgi zamon kimyosi asoslarining asosiy qismidir.

Shunday qilib, kimyo dasturida zamonaviy kimyosi asoslarini, avvalo, nazariy masalalarni: atom-molekulyar ta'limot, kimyoviy elementlar to'g'risidagi va ularning eng muhim birikmalari to'g'risidagi ta'limot, davriy qonun va davriy jadval, atomning tuzilishi va boshqalar tashkil etadi. Maktabda kimyo fanini o'rganish 5 bosqichda o'tadi:

I bosqich. Kimyoning kirish kursi ya'ni atom-molekulyar ta'limotga asoslanadi. Bu kursning nazariy qismida o'quvchilar boshlang'ich kimyoviy tushunchalar va qonunlar bilan tanishadilar, qolgan to'rt bosqichda kimyoning asosiy kursiga kiradi.

II bosqichda D. I. Mendeleevning davriy qonuni va kimyoviy elementlarning davriy jadvali o'rganiladi. Davriy qonunni o'rganish mobaynida bir qancha kimyo fanining eng muhim ma'lumotlarini o'rganadilar.

III bosqichda Elektrolitik dissotsiyanlash nazariyasi bo'limi o'rgatiladi.

IV bosqichda A. M. Butlerovning kimyoviy tuzilish nazariyasi asosida organik moddalar bo'limi o'rganiladi.

V bosqichda umumiy kimyo murakkablashtirilgan holda o'rganiladi.

Kimyo kursidagi asosiy material dastur bilan belgilanadi. Dasturda ko'rsatilgan umumdavlat bilimlar va ko'nikmalar minimumi, shuningdek, kimyodan o'tkaziladigan laboratoriya ishlari va amaliy mashg'ulotlar ro'yxati, xuddi boshqa fanlarda bo'lgani kabi, qat'iy majburiydir.

Dasturda o'qitish uslubiyotiga tavsiyalar, fanlararo bog'lab ko'rsatilgan, o'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga bo'lgan talablar hamda o'quvchilarni baholashi aniqlab berilgan.

Mavzular soat bo'yicha taxminan taqsimlangan. O'qituvchi o'quvchilarining tayyorgarlik darajasiga ko'ra ayrim qiyin mavzularda ko'prok, to'xtalishi mumkin, buning uchun har bir sinfdan 2-4 soatgacha rezerv vaqti bor.

Kimyo darslarida tushunchalar, nazariya va qonunlarni ochib berishda tarixiy yondashuvdan foydalanish kerak. Fanda bo'lgan kashfiyotlar, u vaqtda sharoitlar, fanning rivojlanishiga kimyogar olimlarning qo'shgan hissasi bilan o'quvchilarni tanishtirish lozim.

O'qitish jarayonini sifatini oshirib, o'quvchilarning fanga bulgan qiziqishini ham orttirish kerak. Bu maqsadga yetishda o'quvchilarni faolligini mustaqil ishlar orqali oshirish mumkin.

Dasturda ko'rsatilgan hamma laboratoriya tajribalari va amaliy mashg'ulotlari o'tkazilishi zarur.

O'quv jarayonida leksiya va seminar darslarni olib borish vaqtini oldindan belgilab olishi kerak. Masalan VII sinfda oksidlar, kislotalar, asoslar, tuzlarning tarkibi va xossalari takrorlash 1-2 soatli seminar darsda o'tkazish mumkin. X sinfda uglevodorodlar haqida bilimlarni umumlashtirish seminar tarzida ham o'tkaziladi.

Dasturda kimyo fanidan ixtisoslashtirilgan sinflar uchun ham mavzular va ularni o'tishga vaqti belgilab berilgan. O'quvchilarning bilimni puxtalash, chuqurlashtirish va takomillashtirish uchun fakultativ darslar va maxsus kurslarning rejaları ham dasturda belgilanadi.

Maktab kimyo o'quv fanining shakllanishi birdaniga vujudga kelmadi. Buyuk olim D.I.Mendeleyev tomonidan davriy qonunning kashf etilishi va davriy sistemaning yaratilishi kimyodan o'quv fanlarining vujudga kelishida muhim ahamiyat kasb etdi. D.I.Mendeleyev o'zi yaratgan davriy sistema asosida "Kimyo asoslari" darsligini yaratadi. Bu darslik Rossiya oliy o'quv yurtlari uchun mo'ljallangan bo'lib, uzoq vaqt davomida undan foydalanib kelingan. D.I.Mendeleyev o'rta maktab uchun katta shriftda uning soddalashtirilgan variantini yozishni ko'zda tutgan edi. Lekin davriy qonunni o'quvchilarning o'zlashtirishi qiyin, deb u ish amalga oshmadi.

Sobiq Ittifoqning dastlabki davrlarida maktab kimyosi fan dasturi va darsligini yaratish ustida Petrograd va V.N.Verxovskiy boshchiligida va Moskvada P.P.Lebedov boshchiligida ish olib borildi. V.N.Verxovskiy boshchiligida yaratilayotgan kimyo darsligida kimyoviy eksperiment bo'yicha kimyoviy bilimlarni o'qitish asos qilib olingan bo'lsa, P.P.Lebedov boshchiligidagi dastur va darslikni yaratishda kimyoning halq xo'jaligida qo'llanilishi asos qilib olingan. V.N.Verxovskiy dasturida kimyoviy simbolika, davriy qonunni o'rganishga alohida ahamiyat berilgan bo'lsa, Lebedov dasturida davriy qonunni o'rganish ko'zda tutilmagan, dars olib borish ham ko'zda tutilmagan, yozilgan darslikni ishchi kitoblari deb atalgan. Dastlab Lebedov dasturi kimyoning hayot bilan bog'lanishini ifodalagani uchun qabul qilingan, lekin dasturning aniq qurilish tizimi bo'lmagani uchun 1932 yilda V.N.Verxovskiy dasturi qabul qilindi va u asosida V.N.Verxovskiy, L.M.Smorgonskiy, Ya.L.Goldfarblar tomonidan birinchi barqaror darslik - "Anorganik kimyo" darsligi yaratildi va uzoq vaqt undan foydalanib kelindi. Sobiq ittifoq davrida O'zbekiston maktablarida rus tilidan tarjima qilingan kimyo darsliklaridan foydalanildi.

1990–yillardan boshlab 8,9,10,11-sinflar uchun G.E. Rudzits va F.G.Feldmanlarning maktab "Kimyo" darsliklari o'quv jarayoniga tadbiiq etildi.

O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng maktab uchun milliy kimyo darsliklarini yaratish kimyo ta'limining asosiy vazifasi qilib belgilandi. 1993 yildan boshlab Respublikamiz maktablarida 8-sinf uchun "Anorganik kimyo" darsligi A.Mamajonov, M.Nishonov, S.Teshaboevlar tomonidan yaratilib o'quv jarayoniga joriy qilindi. 2000 yildan S.Teshaboev, M.Nishonovlarning 9-sinf uchun "Anorganik kimyo" darsligi o'quv jarayonida foydalanila boshlandi. Birinchi yaratilgan milliy darsliklar, albatta, kamchiliklardan xoli bo'lmagan. 2004 yildan boshlab I.Asqarov, N.To'xtaboev, K.G'ofirovlar tomonidan 7,8,9-sinflar uchun "kimyo", 10-sinflar uchun "organik kimyo", 11-sinflar uchun "umumiy kimyo" darsliklari o'quv jarayoniga tadbiiq etildi.

Milliy darsliklarda Respublikaning tabiiy kimyoviy zahiralari va ulardan mahsulotlar ishlab chiqarish, qadimiy sharq mutafakkirlarining kimyoga oid qoldirgan meroslari, respublika kimyogar olimlarining kashfiyotlari o'z o'rnini topdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. *N.A.Parpiyev., X.R.Raximov., A.G.Muftaxov Anorganik kimyo "Toshkent-O'zbekiston 2000y"*
2. *Abdusamatov A.Organik kimyo Akademik litsey va kasb hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma 9-nashri "O'qituvchi" nashriyoti Toshkent-2017*
3. *A.G.Muftaxov. "Umumiy kimyo" – Toshkent: O'qituvchi, 2004.*
4. *R.Asqarov, N.X.To'xtaboyev, K.G'.G'opirov. "9 – sinf darsligi" – Toshkent: O'zbekiston, 2019.*
5. *G.A.Nuraliyeva., Sh.A.Kadirova., Y.I.Ibragimova Kimyo tarixi "Toshkent-innovatsiya ziyo 2020y"*

ПРОЕКТ «ВНЕАУДИТОРНАЯ САМОСТОЯТЕЛЬНАЯ РАБОТА ПО МАТЕМАТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА»

Нарбаева Айнур Джуракуловна

Магистрант, Методика преподавания точных и естественных наук(математика)

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

АННОТАЦИЯ

Учебные проекты по математическому анализу направлены на систематизацию знаний по дисциплине, на установление взаимосвязей между отдельными понятиями, положениями всего курса, на взаимосвязь различных содержательно-методических линий предмета, что способствует углублению знаний и обеспечивает целостное восприятие курса математического анализа. При отборе содержания учебных проектов делается упор на взаимосвязь и взаимозависимость понятий, тем, разделов курса математического анализа через аналогию, обобщение, соподчиненность различных объектов, что обеспечивает взаимосвязь между различными учебными проектами. Покажем на конкретном примере такую связь. На 1 курсе по математическому анализу изучаются следующие раздел Применение производной

Ключевые слова: Траектория , математический анализ, формирование умения проектной деятельности, вычисления производной.

Внеаудиторная самостоятельная работа - это планируемая учебная, учебно-исследовательская, творческая работа обучающихся, выполняемая во внеаудиторное время по заданию и при методическом руководстве преподавателя, но без его непосредственного участия.


Время диктует требования к личным качествам студента, умение самостоятельно пополнять и обновлять знания становятся наиболее актуальными. Повышается роль самостоятельной работы студентов над учебным материалом, усиливается ответственность преподавателя за развитие навыков самостоятельной работы, за стимулирование профессионального роста студентов, воспитание их творческой активности и инициативы.

Основная задача образования заключается в формировании творческой личности специалиста, способного к саморазвитию, самообразованию, инновационной деятельности. Решение этой задачи вряд ли возможно только путем передачи знаний в готовом виде от преподавателя к обучающемуся. Необходимо перевести обучающегося из пассивного потребителя знаний в

активного их творца, умеющего сформулировать проблему, проанализировать пути ее решения, найти оптимальный результат и доказать его правильность. Следует признать, что самостоятельная работа обучающихся является не просто важной формой образовательного процесса, а должна стать его основой.

Где пилот должен начать спуск?

Траектория захода на посадку самолета показана на рисунке и удовлетворяет следующим условиям:



(i) Крейсерская высота h когда снижение начинается на горизонтальном расстоянии l от приземления в исходной точке.

(ii) Пилот должен поддерживать постоянную горизонтальную скорость. вна протяжении всего спуска.

(iii) Абсолютное значение вертикального ускорения не должно превышать постоянной (что намного меньше, чем ускорение свободного падения)

Вопрос 1: Найдите кубический многочлен $P(x) = ax^3 + bx^2 + cx + d$ который удовлетворяет условию (i) путем наложения подходящих условий на $P(x)$ а также $P'(x)$ в начале снижения и при приземлении.

Условие (i) подразумевает

$$P(x=0)=0, P(x=l)=h \text{ и } P'(x=0) P'(x=l)=0 \text{ тоже } P(x)=ax^3 + bx^2 + cx + d$$

$$\text{Так } P(x=0)=a(0)^3 + b \cdot 0^2 + c \cdot 0 + d \Rightarrow d=0 \quad (\because P(x=0) = 0) \quad (1)$$

$$\therefore P(x) = ax^3 + bx^2 + cx$$

В дальнейшем, $P(x=l)=al^3 + bl^2 + cl$ и $P(x=l)=h$

$$\Rightarrow al^3 + bl^2 + cl = h \quad \text{или} \quad al^2 + bl + c = \frac{h}{l} \quad (2)$$

Тоже, $P'(x)=3ax^2+2bx+c$

$$\text{Так } P'(x=0)=3a \cdot 0^2 + 2b \cdot 0 + c \Rightarrow c=0 \quad (3)$$

Тогда $P(x)=ax^3 + bx^2 \Rightarrow P'(x)=3ax^2+2bx$

$$P'(x=l)=0 \Rightarrow al^3 + bl^2=0 \Rightarrow 3al+2b=0 \quad (\because l>0) \quad (4)$$

$$\text{Из (2) и (3) } al^2 + bl = \frac{h}{l} \quad (\because c=0)$$

$$\text{Или} \quad al + b = \frac{h}{l^2}$$

$$\text{и } 3al+2b=0 \quad (\text{из (4)})$$

$$\Rightarrow b = -\frac{3}{2}al$$

Подставьте b в приведенное выше уравнение, чтобы получить

$$\begin{aligned} al - \frac{3}{2}al &= \frac{h}{l^2} \\ \Rightarrow -\frac{1}{2}al &= \frac{h}{l^2} \\ a &= -\frac{2h}{l^3} \end{aligned}$$

$$\text{Так, } b = -\frac{3}{2} \cdot \left(-\frac{2h}{l^3}\right)l \Rightarrow b = \frac{3h}{l^2}$$

\therefore

$$P(x) = ax^3 + bx^2$$

$$(a = -\frac{2h}{l^3}, b = -\frac{3}{2}al, c = d = 0)$$

$$\therefore P(x) = \left(-\frac{2h}{l^3}\right)x^3 + \left(\frac{3h}{l^2}\right)l^2 \quad (5)$$

Вопрос 2. Используйте условия (ii) и (iii), чтобы показать, что $\frac{6hv^2}{l^2} \leq k$

$$\text{Условие (ii) подразумевает } \left|\frac{dx}{dt}\right| = v \quad (6)$$

$$\frac{d^2x}{dt^2} = 0 \quad (\because \text{скорость постоянна, следовательно, ускорение равно нулю}) \quad (7)$$

Вопрос 3: Предположим, что авиакомпания решает не допускать, чтобы вертикальное ускорение самолета превышало $k=860$ (миль/ h^2). Если крейсерская высота самолета 35,000 (футов), а скорость 300(миль/h), на каком расстоянии от аэропорта пилот должен начать снижение?

$$\text{Здесь } k=860\frac{\text{mi}}{h^2}, h=35000, f t = \frac{35000}{5280} \text{ mi}$$

$$\text{Так } h = \frac{875}{132} \text{ mi и } v = 300 \frac{\text{mi}}{h}$$

$$\text{Замените значения } k, v \text{ и } h \text{ в уравнении} \quad (2)$$

$$6 \cdot \frac{875}{132} \cdot (300)^2 \cdot \frac{1}{l^2} \leq 860 \Rightarrow l^2 \geq \frac{1}{860} \cdot 6 \cdot \frac{875}{132} \cdot 300^2 \Rightarrow l \geq 300 \sqrt{\frac{6 \cdot 875}{860 \cdot 132}}$$

$$l \geq 64.52$$

Таким образом, пилот должен, по крайней мере, начать снижение с 64.52 миль от аэропорта .

Отвечать:

Пилот должен начать снижаться, когда самолет 64.511(мили) от аэропорта.

Вопрос 4: Нарисуйте траекторию подхода, если выполняются условия, указанные в задаче 3.

$$\text{Замена } n = \frac{875}{132} \approx 6.63 \text{ и } l = 64.52$$

В уравнении (5) приобретаем

$$y = -\left(2 \cdot \frac{875}{132} \cdot \frac{1}{(64.52)^3}\right)x^3 + \left(3 \cdot \frac{875}{132} \cdot \frac{1}{(64.52)^2}\right)x^2$$

$$y = -0.2x^3 + 0.0048x^2$$

Построим желаемый график, используя приведенное выше уравнение

И условие (iii) подразумеваем

$$\left|\frac{d^2y}{dt^2}\right| \leq R \quad (8)$$

От (5) $y = P(x)$

$$y = \left(-\frac{2h}{l^3}\right)x^3 + \left(\frac{3h}{l^2}\right)x^2$$

Возьмем производную по времени с обеих сторон, чтобы получить

$$\frac{dy}{dt} = -\frac{2h}{l^3} \cdot 3x^2 \frac{dx}{dt} + \frac{3h}{l^2} \cdot \frac{dx}{dt} = \left(-\frac{6h}{l^3}x^2 + \frac{6h}{l^2}x\right) \frac{dx}{dt}$$

В дальнейшем,

$$\frac{d^2y}{dt^2} = \left(-\frac{6h}{l^3} \cdot 2x \cdot \frac{dx}{dt} + \frac{6h}{l^2} \cdot \frac{dx}{dt}\right) \frac{dx}{dt} + \left(-\frac{6h}{l^3}x^2 + \frac{6h}{l^2}x\right) \cdot \frac{d^2x}{dt^2}$$

$$\Rightarrow \frac{d^2y}{dt^2} = \frac{6h}{l^2} \left(-\frac{2}{l}x + 1\right) \left(\frac{dx}{dt}\right)^2 + \frac{6h}{l^2} (-x^2 + x) \frac{d^2x}{dt^2}$$

$$\text{От } \frac{d^2y}{dt^2} = \frac{6h}{l^2} \cdot \left(-\frac{2}{l}x + 1\right) \left(\frac{dx}{dt}\right)^2 \quad (\because \frac{d^2x}{dt^2} = 0)$$

Также из уравнение (6),

$$\left|\frac{dx}{dt}\right| = v \text{ так } \left(\frac{dx}{dt}\right)^2 = v^2$$

Следовательно

$$\frac{d^2y}{dt^2} = \frac{6h}{l^2} \left(-\frac{2}{l}x + 1\right) v^2 = \frac{6hv^2}{l^2} \left(1 - \frac{2}{l}x\right)$$

Когда $x \in [0; l]$

$$\frac{d^2y}{dt^2} \text{ является максимальным при } x = 0$$


$$\left.\frac{d^2y}{dt^2}\right|_{x=0} = \frac{6hv^2}{l^2}$$

Из условия (iii) уравнение (8) $\left|\frac{d^2y}{dt^2}\right| \leq R$ для всех x

Так

$$\left| \frac{d^2y}{dt^2} \right|_{x=0} \leq R \quad \left| \frac{6hv^2}{l^2} \right| \leq R \Rightarrow \frac{6hv^2}{l^2} \leq R \quad (9)$$

$$f(x) = 35000 \cdot \left(3 \cdot \left(\frac{x}{64.52} \right)^2 - 2 \left(\frac{x}{64.52} \right)^3 \right)$$



СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Архипов Г.И., Садовничий В.А., Чубариков В.Н. Лекции по математическому анализу: Учеб. для вузов / Под ред. В.А. Садовничего. 4-е изд., испр. М.: Др офа, 2004. 640 с.
2. Кудрявцев Л.Д. Курс математического анализа. Т. 1. М.: Высшая школа, 1981. 687 с.
3. Зорич В.А. Математический анализ. Ч. 1. 2-е изд., испр. и доп. М.: ФАЗИС, 1997. 554 с.
4. JEMES STEWART "Calculus" Single Variable calculus Early Transcendental eighth edition.

AUTIZM SINDROMLI BOLALAR JAMIYATDAGI O‘RNI HAMDA ULARDAGI NUQSONLARNI OLDINI OLIH VA KORREKSIYALASH

Ortiqova Mohinur Burhon qizi

Nizomiy nomidagi TDPU maxsus pedagogika va inklyuziv ta’lim fakulteti oligofrenopedagogika yo‘nalishi 301-guruh talabasi

E-mail: mohinurortiqova8@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada autizm sindromli bolalar, ulardagi eng mashhur stereotiplari, psixologik jihatdan taraqqiy etishi hamda ularni maxsus terapiyalar yordamida kamchiliklarini bartaraf etish borasida keltirib o‘tiladi. Autizmning asosiy belgisi reallikni qabul qilishning buzilishi. Autizmga chalingan bola tashqi olam bilan aloqani uzadi. Va uni hayotga qaytarish esa psixolog, psixiatr, defektolog kabi mutaxassislarning vazifasidir.

***Kalit so‘zlar:** Autizm, stereotip, sindrom, kasallik, yolg‘izlik, exolaliya, psixolog, defektolog metod, terapiya, korreksiya,*

Vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro‘-e‘tibori avvalambor farzandlarimizning unib-o‘sib, ulg‘ayib, qanday inson bo‘lib hayotga kirib borishiga bog‘liqdir. Biz bunday o‘tkir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz kerak.¹

Atrofimizda real voqeylik bilan bog‘liq bo‘lmagan, yonidagilar bilan muloqot qilishni istamaydigan, yolg‘izlikni yoqtiradigan, fikrlashi boshqalarga o‘xshamaydigan insonlarga ko‘zimiz tushgan. Biz bunday insonlarga nisbatan “sal g‘alatiroq” degan iborani qo‘llaganmiz. Aslida esa bunday bolalarga tibbiyotdan qaraganda “autizm” deb nom berilgan.

Autizm (grekcha “autos” – “o‘zim” degan so‘z) bu ruhiyatning o‘ziga xos holatlari bo‘lib, bemor tashqi olam, atrofdagilar bilan muloqot qilishni istamaydi. Ular yolg‘izlikni yoqtiradilar. Ularda exolaliya (ya’ni bir xil xatti harakatlar va so‘zlarni takrorlashi) kuzatiladi. Autizm termini birinchi bo‘lib 1912-yilda E.Bleyer tomonida fanga kiritilgan. Ularning xatti-harakatlari real voqeylik bilan bog‘liq emas. Bemorlarning harakatlarida hissiy kechinmalar asosiy o‘rin tutadi. Bu sindrom qiz

¹ I.A.Karimov. “Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch”

bolalarga nisbatan o'g'il bolalarda ko'proq uchraydi. Kasallikning ilk belgilari 3 yoshgacha kuzatiladi. Ba'zan klinik belgilari barvaqt aniqlanishi mumkin.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, qariyb 10 yil ichida autizmdan qiynalayotgan bolalar soni 10 barovariga ko'paygan. Achinarlisi bunday holat kelgusida ham davom etishi mumkin. Autizm sindormi kelib chiqishi sabablar haligacha aniqlanmagan. Faqatgina ona qornida noto'g'ri rivojlanib qolgan degan fiklar mavjud.

Psixiatrlar bolada autizm borligini darrov aniqlay olmaydilar. Bunga sabab, autizm alomatlari normal rivojlanayotgan bolada ham kuzatilishi sabab bo'ladi. Shu bois, tashxis ko'pincha kechikib qo'yiladi.

Amaliyotda rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalarga, ayniqsa autizm bilan kasallangan bolalar uchun mo'ljallangan korreksion metodikalar ko'p emas. "Alohida yordamga muhtoj" bolaga nisbatan birlamchi tibbiy va psixologik yondashuvdan, shuningdek, pedagogik uslublardan farqlanuvchi asosiy metodikaa va texnologiyalar mavjud. Bular – TEACCH, ABA, Son-Rise, Predmetoterapiya, Sensor integrtsiya, Peks terapiya, Flour time terapiya, Ot terapiya, Delfin terapiya kabi metod va texnologiyalar mavjud.

Autistik bolani hissiy tarbiyalashning tuzatish ishlari quyidagicha amalga oshiriladi.

- Turli xil o'yinlar;
- Ijobiy hissiy fonga ega bo'lgan illustratsion materialdan foydalanish;
- Oilaviy albom fotosuratlarini ko'rish;
- Bolalar uchun maxsus television dasturlarini birgalikda ko'rish;
- Har xil hissiyotlarning yozuvlarini (audio) tinglash;
- Oyna oldida shaxsiy yuz ifodalarini tekshirish;
- Har xil intonatsiyali hayvonlarga taqlid qilish qobiliyati.

Bu metodikalar albatta bolani hayotga jalb qilish uchun qo'llaniladi. Autizm bola asosan oila a'zolaridan onasiga yaqin bo'lgani uchun mutaxassis yonida ona va bola birga bo'lsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Autizmga chalingan har bir bolani qanday bo'lsa, shunday qabul qilish kerak. Ba'zi autist bolalar umuman suhbatlasha olmaydi yoki ularning nutq boyligi chegaralangan bo'ladi. Lekin ular ham, odatda, boshqa odamlarning gaplarini tushunishadi. Bunday insonlar boshqalarga imo-ishora nutqi yordamida fikrlarini bildirishi mumkin. Autizm bolalar asosan piktogramma metodi orqali muloqot qilishadi. O'yin tarzida olib borilgan muloqot albatta foydali va bolani jalb qila oladi.

Autizm bolalarning stereotiplari haqida so'z ochadigan bo'lsam, avval stereotip nimaligini bilib olishimiz kerak. *Stereotip* – autizmga chalingan insonlarning eng mashhur belgilari (odatlari) desam mubolag'a bo'lmaydi. Autist insonlarning eng mashhur stereotiplari bu bir qo'lini yarim bukib, tepa - pastga o'ynatishi. Quloqlarini

qo'llari yordamida berkitib olishi. Odatda bolalar shovqindan quloqlarini berkitishadi. Lekin autistlar esa uxlayotganlarida ham bu odatlarini tashlamasliklari mumkin. *Stereotip* sog'lom insonlarda ham kuzatilishi mumkin. Sog'lom insonlardagi eng mashhur stereotiplari bu – barmoqlari yordamida sochlarini o'ynashi yoki partada o'tirganda oyoqlarini o'ynatishini misol keltirish mumkin. Biz odatda stereotiplarini yo'qota olmaymiz, shunchaki bu odatdani kamaytirishimiz mumkin. Lekin bir narsani bilib qo'yishimiz kerak. Bir stereotipni yo'q qilamiz deb boshqa stereotipni orttirib olishimiz mumkin.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlab o'tmoqchimanki, autizm buzilishlari atrof-muhit bilan bo'lgan munosabat kamligidan yuzaga keladi. Bolaning yaqin odamlar bilan shuningdek, uning atrof-muhit g'oyalarini cheklash, undagi mavjud bilim va ko'nikmalarni erkin qo'llashiga to'sqinlik qiladi. Autizmga chalingan har qanday bolani ta'limga jalb qilish kerak. Ba'zida ota-onalar farzandlarining nosog'lom ekanidan uyaladilar. Farzandlarini ommaga, jamoatga olib chiqmasligi natijasida qoloq bo'lib qoladi. Bunday bolalar maxsus muassasalarda ta'lim oladilar. Bolalar bilan birgalikda jamoaga qo'shilsa albatta foydali. Psixologik jihatdan to'g'ri rivojlanishiga yordam beradi. Agar ta'lim va tarbiya to'g'ri olib borilsa autist bolalardan yetuk shaxslar yetishib chiqadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. I.A. Karimov "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" – 2008-y.
2. Nurmatova D.G. "Autist bolalarni ijtimoiy-psixologik moslashtirish tizimini takomillashtirishning metodologik asoslari". – 2020. – B. 46-52.
3. Axrorova S. 2020. "Autizmlı bolalarga tashxis qo'yish usullari" arxiv https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6487
4. Axrorova S. 2020. "Hozirgi zamon autizmlı bolalarning ta'lim tarbiya muammosi" Arxiv https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6487

O‘ZBEKISTONDAGI YANGI – INKLYUZIV TA’LIM

Ortiqova Mohinur Burhon qizi

Nizomiy nomidagi TDPU maxsus pedagogika va inklyuziv ta’lim fakulteti oligofrenopedagogika yo‘nalishi 301-guruh talabasi

E-mail: mohinurortiqova8@gmail.com

ANOTATSIYA

Ushbu maqola bugungi kun yangiliklariga binoan tashkil etilayotgan ta’lim tizimidagi o‘zgarishlardan biri bo‘lgan Inklyuziv ta’limning joriy etilishi to‘g‘risida. Inklyuziv ta’limning O‘zbekistonga qanday qilib kirib kelayotgani, uni joriy etilishidagi muvaffaqiyatlari haqida so‘z boradi. Inklyuziv ta’limga boshqa sog‘lom insonlarning qanday munosabat bildirishi, va nosog‘lom insonlardagi kuzatilayotgan o‘zgarishlari haqida.

***kalit so‘zlar:** Inklyuziv ta’lim, oligofrenopedagogika, korreksiya, YUNESKO, Xalq ta’limi vazirligi, sog‘lom, jamoa, pedagoglar, nogiron, intellektual kamchilik, muvaffaqiyat, defektolog, psixolog, sinfdoshlar, oila, mahalla va h.k.*

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgan kundan boshlab, ta’lim sohasiga jahon standartlari talablarini joriy etish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Hayot davom etib borar ekan, har kimning ham hayoti bir tekislikda ketmaydi. Kunning – tuni, Yerning – osmoni, Kechaning- kunduzi, Achchiqning – shirini bo‘lgani kabi, insonlar orasida ham sog‘lom hamda nosog‘lom insonlarni ham uchratib turamiz. Bunday shaxslar nogironligi bor yoki intellektida kamchiligi bo‘lgan shaxslar deb ataladi. Hozirgi kunda qator ekologik ijtimoiy va boshqa sabablarga kora, shuningdek homiladorlikdan keyingi patalogik asoratlarni natijasida bola rivojlanishi va uning ongi pasayishini ko‘ramiz. Ta’lim jihatdan bunday shaxslarni *oligofrenopedagogika* fani o‘rganib boradi.

Oligofrenopedagogika – aqlida nuqsoni mavjud bo‘lgan bolalarni, o‘qitish, ta’lim tarbiya berish, bilish jarayonlarini o‘rganish haqidagi ta’limot hisoblanadi.

Shu o‘rinda biz O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 41-moddasini elatib o‘tamiz: „Har kim bilim olish huquqiga ega. Bepul ta’lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi. Maktab ishlari davlat nazoratidadir.“

Nogironligi mavjud bo‘lgan yoki intellektida kamchiligi bor bolalar ixtisoslashtirilgan maxsus yordamchi maktablarda ta’lim tarbiya olishardi. Lekin bugungi kun yangiliklariga binoan, yurtimizga yangi Inklyuziv Talim tizimi kirib keldi.

INKLYUZIV TA'LIM – nima degani? Bu Maktabgacha, O'rta va Oliy ta'limni tizimini o'zgartirish jarayoni bo'lib, barcha nogironligi bo'lgan bolalar va shaxslar undan foydalanishini ko'zda tutadi. Ya'ni bunda nogironligi bo'lgan yoki alohida yordamga muhtoj bolalarning umumta'lim maktablarida sog'lom tengdoshlari qatorida birdek ta'lim olishi tushuniladi. Bunday holda ta'lim olish jarayoni bir- biriga o'xshamaydigan intellektual, jismoniy va aqliy xususiyatlarga ega bo'lgan odamlar maxsus bilimga muhtoj bo'lmagan tengdoshlari bilan birgalikda zarur bilim va ko'nikmalarni oladigan tarzda tashkil etiladi.

Inklyuziva ta'lim joriy etilmasdan avval, alohida ehtiyojga ega bo'lgan shaxslar o'rtasida muloqotlar bo'lmagan. Turli xil kishilarning ijtimoiy muloqotlari ularning oila a'zolari yoki yaqin qarindoshlari bo'lib qolgandi. Bundan tashqari boshqa bolalar bilan teng ravishda jamiyatga qo'shilish qobiliyati ham bo'lmagan. Hozirgi kunga kelib, nogironligi bor bolalar uchun ham, davlatimiz tomonidan keng imkoniyatlar yaratilmoqda.

Nogironlarni umumta'lim tizimida o'qitish masalalariga e'tibor berish Respublikamizda 1996-yilda O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi Vazirligi, Respublika ta'lim markazi, va YUNESKO tashliloti bilan hamkorlikda respublika seminari o'tkazilishi bilan islohotlar amalga oshirila boshladi. Hozirgi kunda O'zbekistonda 250000 ga yaqin turli ko'rinishdagi nogiron bolalar ta'lim olish ehtiyojiga ega edi. Shu davrdan boshlab olimlar, maxsus ta'lim tizimidagi rahbar xodimlari, pedagoglar, umumta'lim muassasalarining rahbarlari va nodavlat jamoa tashkilotlarining nogironlar ta'limi ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan munosabatlari o'zgarib boshladi.

Ushbu ta'limning maqsadi va vazifalari: ta'lim muassasasida imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlarning ta'lim olishlari uchun zaruriy psixologik – pedagogik, korreksion (oldini olish) sharoitlarni yaratish, ularning imkoniyati yo'naltirilgan umumta'lim dasturlari va korreksion ishlarni amalga oshirish orqali ruhiy rivojlanishi, ijtimoiy moslashtirishni amalga oshirish, o'quvchilar ta'limidagi tenglik huquqini kafolatlash, jamiyatning va oilaning faol ishtirokida nogiron va sog'lom bolalarning ehtiyojlarini qondirish, ijtimoiy hayotga erta moslashtirish, imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlarni oiladan ajralmagan holda yashash huquqini ro'yobga chiqarish, jamiyatda imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlarga nisbatan do'stona va mehr-muhabbatli munosabatlarni shakllantirish kabilardir. Bu bola qanday imkoniyatga ega bo'lishidan qat'iy nazar har doim kattalar yordamiga muhtoj farzanddir. Inklyuziv ta'limda birgalikda (oilalar, mahalla, Sog'liqni saqlash tizimi, Xalq ta'limi, sinfdoshlar, maktab jamoasi defktolog, pedagog va psixologlar) jamoada ish olib boriladi va shundagina samarali natijalarga erishish mumkin.

Inkluziv ta'lim imkoniyati cheklangan bolalarga nima berdi? O'z imkoniyatini o'zi uchun kashf etish imkonini berdi, mustaqil harakatlanish, birgalikda ishlash imkonini berdi, dunyoqarashi kengaydi, hayotiy tajribasi oshdi. O'qishga bo'lgan ehtiyoji va qiziqishlari ortdi, o'zini barcha bilan bir xil his qila boshladi, ilgari sezilmagan imkoniyatlari ochildi. Yotsirash, yakkalanish kabi xususiyatlari yo'qolib boradi.

Inklyuziv ta'lim sog'lom bolalar hayotiga qanday ta'sir ko'rsatdi? O'zlariga o'xshamagan tengdoshlarini va ularning hayoti, ehtiyojlarini his qildilar, tengdoshlariga g'amxo'rlik hissi uyg'ondi; ularni qo'llab-quvvatlash, yordam berishga intilish, insonparvarlik hissi uyg'ondi; o'quvchilarda atrofdagi insonlarga, imkoniyati cheklanganlarga pozitiv munosabat, o'zaro hurmat tarbiyalandi, yordamga muhtoj insonlarga e'tiborsizlik qilmaydigan shaxsga aylandilar.

Xulosa qilib aytganda, Inklyuziv ta'limning o'ziga xos muhim jihati shundaki, bolalar va o'qituvchi bir-birlaridan o'rganishadi hamda muamollarini birgalikda hal etishadi. Bu ta'lim bir tomonlama bo'lmasligi kerak. Imkoniyati cheklangan bolada o'ziga bo'lgan ishonchni oshirish, ko'nikma va qobiliyatni rivojlantirish, yoshligidan o'rganishni rag'batlantirishda oila ishtiroki muhim. Inklyuziv ta'lim jarayonida otalar bilan ishlash ham muhim. Bugungi kunda nogironligi bo'lgan shaxslarning huquq va manfaatlarini himoya qilish katta va ko'plab omillarga bog'liqdir. Nogiron bolalarga ularga nogiron deb faqatgina nuqson jihatdan yondashish emas, balki bu bolalarga har tomonlama yondashish lozim. Bundan tashqari Inklyuziv ta'limda nogiron boladagi mavjud nuqsonlarni bartaraf etish, korreksiyalash, kompensatsiya qilish bilan bir qatorda bilim ko'nikmalarga ega qilish, kasb hunargao'rgatish ishlarini parallel ravishda olib borish talab etiladi. Maxsus ehtiyojli bolalar ta'limi boshlang'ich va o'rta maxsus ta'limni olishlari bilan yakunlanmasligi kerak. Nogiron bolalarda kasb-hunar ta'limi va Oliy ta'limi ham olib borilishi kerak. Chunki Inklyuziv ta'lim tizimining vazifasi maxsus ehtiyojli bolalarni har tomonlama rivojlantirish, ulaning barcha huquqlarini ta'minlashdan iborat.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. *I.Karimov „O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” T – 2012*
2. *Ta'lim to'g'risidagi qonun, „Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” T – 1997*
3. *L.R. Mo'minova „Nogiron bolalarni oilada tarbiyasi” T – 1996*
4. *P.M. Po'latova „Maxsus pedagogika” (oligofrenopedagogika) – 2015*
5. *Internet sahifalari*

SHUKUR QURBON SHE'RIYATIDA VATAN MAVZUSI

Nasiba Djumaniyozova

UrDU dotsent

Ra'no Qurolova

UrDU talabasi

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada shoir Shukur Qurbonning Vatan haqidagi she'rlari tahlil qilingan. Vatan mavzusi orqali shoir she'rlarining o'ziga xos xususiyatlari tadqiq qilingan.

Kalit so'zlar. She'riyat, mavzu, Vatan, misra, ma'naviy-ma'rifiy yo'nalish, inson ruhiyati, g'oya.

She'riyat inson tuyg'ularining rangin jilolarini akslantiruvchi sirli hodisa. Unga kiritib borar ekansan, bu olamning naqadar nafis va diltortar ohanglariga qayta-qayta cho'milaverasan. Yaxshi she'r-inson ruhiga teran ozuqa bera oladigan va uni yuksalishiga muayyan ta'sir ko'rsata oladigan jarayondir, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Ana shunday she'riyat olamining yetuk vakillaridan biri bu Shukur Qurbondir. Shukur Qurbon o'zining sodda va samimiy so'zi o'zigagina yarashadigan she'riyati bilan kitobxonlar qalbidan joy olgan. Shoirning "Oqqushlar ko'li", "Sog'inch darvozasi", "Nafas", "Tohir Malik saboqlari", "Sharq marvaridi" kabi she'rlar, badialardan iborat kitoblari chop etilgan. U o'z she'rlarida Vatan, sevgi, tabiat, inson ruhiyati va uning ichki kechinmalari kabi bir qator mavzularda qalam tebratgan xalqimizning suyukli shoiridir.

Shukur Qurbon 1989-yilda ma'naviy-ma'rifiy yo'nalishdagi asarlari uchun Movaraunnahr musulmonlari diniy boshqarmasining mukofoti bilan taqdirlangan. Erkin Vohidov shoirning saylanma kitobiga yozgan so'zboshida unga shunday ta'rif bergan: "Yetmishinchi yillarga kelib yangi bir to'lqin, yangi bir iste'dodli avlod safimizga qo'shildi. O'zbek nazmi va nasriga yangi bir ruh kirib keldi. Bu avlod safida peshqadamlardan biri Shukur Qurbon edi. Uning hayajon to'la yuragi, aytgan so'zi, yozgan she'ri, har bir xatti-harakatida ayon bo'lib turadi".

Chindan ham shoir o'zining dunyoqarashi, olamni ruhan his qilib, u bilan uyg'unlashgan holda she'rlarini yorqin bo'yoqlarda aks ettira olishi, har bir so'zdan o'z o'rnida foydalana olganligi bilan ham boshqa shoirlardan ajralib turadi.

Adabiyotda har doim inson ruhiyatini o'rganish, uning qirralarini kashf qilish muhim va dolzarb masala bo'lib kelgan. Shukur Qurbon ham o'z she'rlarida ana shunday insonlar ruhiyatini ochish orqali olam va odamni kashf etishga intiladi. Bulardan "Adabiyotda nima uchun insonni o'rganish muhim va dolzarb masala?" degan savol paydo bo'lishi mumkin. Buning sababi shuki, hozirgi kunga qadar hech kim inson va uning ichki olamini, ruhiyatini chuqur anglay olmagan. Shunday ekan, inson ruhiyatini so'zlarda aks ettirish, uni tasvirlay olish juda ham murakkab masala. Shoir qaysi mavzuda qalam tebratmasin, halol va pokiza qalb egasi ekanligini, hayotga, haqiqatga hamnafasligi, she'rlarining har bir satridagi ravonlik sezilib turadi. Xususan, uning Vatan haqida yozgan she'rlarini olib qaraydigan bo'lsak, unda xalqimizga xos bag'rikenglik, mehr-oqibat, ajdodlarimizning ko'rsatgan jasoratlari tarannum qilinganligini ko'rishimiz mumkin.

Shoirning quyidagi "Vatan" she'rida ham mana shunday g'oyalar aks ettirilganligini kuzatamiz.

Vatan, sensiz netardim men?

Devonaday ketardim men.

Gulzoridan ayro bulbul

Kabi faryod etardim men

Onam, dedim, bolang bo'ldim.

Ko'ksingda oh, nolang bo'ldim.

Muhabbating tuyib jondan

Bu dunyoda odam bo'ldim.

Shoir bu misralar orqali Vatan faqatgina o'zi uchun emas, balki butun insoniyat uchun zarur bo'lgan jannatmakon diyor ekanligini, vatanidan olisdagi kishilar go'yo gulzoridan ayrilgan bulbul singari oh-u nola chekib, g'am-qayg'uda bo'lishini uqtiradi. Buni xalqimizdagi: "Uyidan ayrilgan yetti yil yig'lar, elidan ayrilgan umrbod yig'lar" maqoli ham tasdiqlaydi.

Shoir she'rida nimaga aynan Vatanni "onam" deb ataydi va o'g'liga aylanganligini, uning muhabbatini jondan tuyib odam bo'lganligini yozadi? Umuman, Vatan va onaning bir-biriga qanday o'xshash tomonlari bor?

Ular shu jihatlari bilan yaqinki, hech bir inson o'ziga ona tanlay olmaydi, uning yagona ekanligini biladi, uning bag'rida har doim mehrni his qilib yashaydi. Vatan ham xuddi shunday insonning o'zi tanlab olmaydigan, yagona va muqaddas diyor, uning bag'rida umrimizning eng beg'ubor damlari bolalikni, eng qadrli damlarini o'tkazamiz. Har doim uning mehrini his qilib yashaymiz. Demak, Vatan va Ona bir-biriga o'xshash va bir-biriga uzviy bog'liq. Bundan tashqari shoirning "Chorlash" she'rida endigina harf taniyotgan bolakayga quyidagicha yozadi:

*Egri-bugri, qing'ir-qiyshiq harflar ila
Sen ilk bora yozding, o'g'lim, "Vatan" so'zini
Qo'lingdagi qalam ochdi ilk bor ko'zini
Qog'oz ochdi...sen ham, yetar, ko'zlaringni och.
Yuragingga ko'chir uni rostlab, avaylab
Yurakdagi Vatan so'zi- umriy ehtiyoj.*

Vatan tarannumi shoirlar ijodining eng yorqin manzaralarini aks ettiruvchi mavzulardan hisoblanadi. Shoirning insoniy mehr-u muhabbati avvalo, o'z ona yurtiga bo'lgan sadoqati va ehtiromi bilan namoyon bo'ladi. Bu misralar orqali Vatan so'zini yozgandan keyingina qalam ko'zini ochsa, inson "Vatan" so'zini anglagan, uni avaylab yuragida saqlaganidagina ko'zini ochishi mumkinligini va she'rning oxiridagi umrlik ehtiyoj bo'lgan Vatanni asrash zarur va shart ekanligini tushinib olishimiz mumkin. Demak, shoir Vatan haqidagi she'rlarida Allohning O'zbekistonni bizga Vatan qilib bergan behisob inoyatiga shukur qilishga, buyuk ajdodlarimizga munosib farzand bo'lishga, Vatan oldidagi farzandlik burchimizni ado qilishga da'vat ko'rinib turadi va mana shu tomonlari bilan boshqa shoirlar ijodidan ajralib turadi.

Shukur Qurbon o'zining betakror sh'rlari bilan o'zbek adabiyotida alohida o'rniga ega bo'lgan shoirdir. Vatan mavzusi shoir nazdida o'ziga xos tarzda yoritilgan.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. *Yo'ldoshov Q. Yoniq so'z. - Toshkent, 2006. - 778b.*
2. *Hamdamov U. Yangilanish ehtiyoji. Toshkent: Fan, 2007. - 196 b.*
3. *Shukur Qurbon.*

TA'LIM JARAYONIDA TAJRIBALARDAN SAMARALI FOYDALANISH

Odiljonova Muzifabonu Abbosxon qizi

QDPI talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'qituvchilar foydalanishlari uchun kimyoga oid qiziqarli tajribalar berilgan va bunday tajribalar o'quvchilarni kimyoga bo'lgan qiziqishlarini orttirish

Kalit so'zlar: *suv hammomi, filtr, mis sim, "sehrli yozuvlar", "kimyoviy jarrohlik", atseton, stakan, spirt, sapfir, kahrabo, kraxmal, yod, mis kuporosi, fenolftalein.*

ABSTRACT

In this article, interesting experiments related to chemistry are given for teachers to use, and such experiments can increase students' interest in chemistry.

Key words: *water bath, filter, copper wire, "magic notes", "chemical surgery", acetone, glass, alcohol, sapphire, amber, starch, iodine, copper sulfate, phenolphthalein.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье для учителей даны интересные эксперименты, связанные с химией, и такие эксперименты могут повысить интерес учащихся к химии.


Ключевые слова: *водяная баня, фильтр, медная проволока, «волшебные ноты», «химическая хирургия», ацетон, стекло, спирт, сапфир, янтарь, крахмал, йод, медный купорос, фенолфталеин.*

Hozirgi kunda ta'lim sohasida juda katta ijobiy o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni va «Kadrlar tayyorlashning milliy dasturi» talablaridan kelib chiqqan holda uzluksiz ta'lim tizimi bosqichma-bosqich va maqsadli isloh qilinmoqda. Kimyo ta'limining sifati va samaradorligini oshirishda maktablarda o'tkaziladigan har bir laboratoriya ishlarning o'rni muhim ahamiyatga egadir. Ayniqsa, kimyoviy kechalar, mushoiralar, turli xil musobaqalar va qiziqarli savol-javoblar o'tkazish o'qituvchilarning turli mavzular bo'yicha ilmiy-ommabop hamda ilmiy-uslubiy adabiyotlar bilan ishlashni talab etadi. Bu borada qiziqarli tajribalar, kimyoviy kechalar, turli o'yinlar, topishmoqlar va boshqa tadbirlar juda qo'l keladi. Ularni tayyorlash va o'tkazish jarayonida

o'quvchilarning bilim doirasini kengaytirish, dunyoqarashini mukamallashtirish va kimyo faniga bo'lgan muhabbatini orttirish, umuman, sirli olamning g'aroyib sinoatidan ko'proq xabardor bo'lishini ta'minlashga yangi imkoniyatlar yaratiladi. Bunday tajribalardan kelib chiqqan holda ayrim tajribalarni misol qilib ko'rsatishimiz mumkin. Quyida ular bilan tanishasiz:

Stakandagi "chaqmoq"

Bir stakan suvda "yashin" va "chaqmoq" bo'lishi mumkinmi? Ajabki, shunaqasi ham bo'larkan! Dastlab 5-6 g kaliy bromat ($KBrO_3$) va 5-6 g bariy xlorid digidratini ($BaCl_2 \cdot 2H_2O$) oling va bu rangsiz kristall moddalarni 100 g distillangan suvni asta qizdirish asnosida alohida-alohida eriting, keyin olingan eritmalarini aralashtiring. Aralashma soviyotganida sovuqda kam eriydigan bariy bromat – $Ba(BrO_3)_2$ cho'kindisi cho'kadi:



Cho'kkan rangsiz cho'kindi - $Ba(BrO_3)_2$ kristallarini filtrlang va uni oz miqdordagi (5-10 ml) sovuq suvda 2-3 marta yuving. Keyin yuvilgan cho'kindini havoda quriting. Bundan so'ng olingan 2 g $Ba(BrO_3)_2$ ni 50 ml qaynoq suvda eriting va hali issiq eritmani yana bir bor filtrdan o'tkazing. Filtrdan o'tkazilgan suyuqlik solingan stakanni 40-45°C gacha soviting. Buni xuddi shu haroratdagi suv solingan kattaroq idishga eritmali stakanni solib (ya'ni "suv hammomi"da) amalga oshirgan ma'qul. Katta idishdagi suv haroratini termometr orqali tekshiring, agar harorat tushib ketsa, elektr plita yordamida uni yana zarur darajagacha isiting. Deraza pardalarini yoping yoki xona chiroqlarini o'chiring. Shunda stakanda kristallar paydo bo'lishi bilan hali bir joyda, hali boshqasida uchqunlar ("chaqmoq") paydo bo'lishini va momaqaldiroq kabi paqillagan ovozlari eshutilishini kuzatasiz. Mana sizga stakandagi "chaqmoq"! Buni shunday izohlash mumkin: yorug'lik kristallanish jarayonida ajralib chiqqan energiya natijasi bo'lsa, shovqin kristallarning paydo bo'lishidan edi.

Atseton va mis sim

Ilk qarashda moddaning sirli yo'qolishi sehrgarlikdek tuyiladi. Ammo uni oddiygina tajribada amalga oshirsa bo'ladi. Qalinligi 0,8-1,0 mm bo'lgan mis sim tayyorlanadi, u qumqog'oz bilan tozalanadi va 3-4 cm diametrlilik halqa yasaladi. Simning bir uchi tutqich sifatida foydalanish uchun 10-15 cm uzunlikda qayriladi, uni siqqanda qo'l kuymasligi uchun esa uchiga avvaldan ichidegi starjeni sug'urib olingan qalam kiydiriladi. Keyin stakanga 10-15 ml atseton – $(CH_3)_2CO$ quyiladi (unutmang, atsetondan tez yong'in chiqishi mumkin!). Atseton solingan stakandan uzoqda mis simdan qilingan halqa tutqichdan ushlab turgan holda qizdiriladi, keyin u tezlik bilan atsetonli stakanga solinadi. Bunda halqa suyuqlik yuzasiga chiqib turmasligi va undan 5-10 mm chuqurroqda joylashishi kerak. Sim cho'g' bo'lib qiziydi va atsetonning hammasi tamom bo'lmagunicha nur taratib turaveradi. Ammo na alanga, na tutun

ko‘rinadi! Tajriba yanada yorqin ko‘rinishi uchun xonada chiroq o‘chgan bo‘lishi kerak.


Katalizator bo‘lib xizmat qilgan va reaksiyani tezlashtirgan misning yuzasida atseton bug‘ining sirka kislotasi (CH_3COOH) va sirka aldegidigacha (CH_3CHO) oksidlanishi ro‘y beradi:



Bunda katta miqdordagi issiqlik ajralib chiqadi, shuning uchun sim cho‘g‘day qizib qizaradi. Mazkur mahsulotlarning bug‘i rangsiz bo‘lib, ularni faqat hididan bilish mumkin.

Spirt qayoqqa yo‘qoldi?


Agar ixtiyoringizda platina sim bo‘lagi (masalan, eski platinali termoparadan qolgan) bo‘lsa, quyidagi tajribani o‘tkazish mumkin. Spirt lampa piligi uzunligi 8-10 cm va yo‘g‘onligi 0,5-1,0 mm bo‘lgan platina sim bo‘lagi bilan o‘raladi, keyin esa o‘t yoqiladi. 5-10 soniyadan so‘ng spirt lampasi o‘chiriladi. Ammo sim yal-yal yonishda davom etadi. Chiroqni o‘chirganda buni yaqqol ko‘rish mumkin. Bu hol spirt butunlay tamom bo‘lgunicha davom etadi. Etil spirti ($\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$) havo kislorodi va katalizator – platina ishtirokida oksidlanadi; bunda shunchalik ko‘p energiya ajraladiki, sim qip-qizil cho‘g‘ga aylanadi. Oksidlanish mahsulotlari – uglerod dioksidi (CO_2) va suv:




Ko‘zboylog‘ichning nayrang

Bir ko‘zboylog‘ich tomoshabinlarni hayratlantirish uchun binafsharang achchiqtosh kristallarini topaz, kahrabo, yoqut, zumradga aylantirishga va‘da berdi.

Haqiqiy qimmatbaho toshlar achchiqtoshdan olinadimi? Albatta, bu mumkin emas. Ammo zumrad, yoqut, kahrabo va topaz ranglarini yuzaga keltiruvchi eritmalarni hosil qilish mumkin. Buning uchun ko‘zboylog‘ich kimyoviy reaktivlardan anchagina g‘amlab olishi kerak. U xrom kaliyli achchiqtoshni [kaliy-xrom sulfat kristallogidрати – $\text{KCr}(\text{SO}_4)_2 \cdot 12\text{H}_2\text{O}$] suvda eritib binafsharang eritma olinadi. Bu eritmaga katta miqdordagi kaliy gidroksid (KOH) yoki natriy gidroksid (NaOH) bilan ishlov berish zumrad rangli eritma hosil bolishiga olib keladi:



Yashil rang kaliy geksagidroksixromat - $\text{K}_3[\text{Cr}(\text{OH})_6]$ ishtirokida ta‘minlanadi. Agar u eritmaga vodorod peroksid (H_2O_2) qo‘shilsa, yashil rang sariqqa – topaz rangiga o‘zgaradi:



Eritmaning bunday rang olishiga kaliy xromat (K_2CrO_4) sabab bo‘ladi. Sariq eritmaning sulfat kislota (H_2SO_4) bilan oksidlanishi esa olovrang, ya‘ni kahrabo rangini yuzaga keltiradi:




Kaliy dixromatning ($K_2Cr_2O_7$) suvdagi eritmasi apelsin rangiga ega. Nihoyat, bunday eritmaga vodorod peroksidi va dietil efir – $(C_2H_5)_2O$ qo'shilsa, murakkab periksli birikma – $CrO(O_2)_2 \cdot (C_2H_5)_2O$ hosil bo'ladi, bunda efir qatlami yorqin ko'k, ya'ni "saffir" rangiga bo'yaladi.

Sehrli yozuvlar


Kimyoviy reaksiyalar asosida ko'rinmas xatlarni ochiltirish, ularni o'zgartirish yoki yozuvni "o'chirib" yuborish mumkin. Buning uchun tegishli tarkibga ega bo'lgan "siyohlar" va ochiltiruvchilarni tanlab olish va ishlata bilish kifoya.

1. "Oq qog'ozda ko'k yozuv". Oq qog'ozga temir (III)-sulfatning suyultirilgan eritmasi bilan "Kimyo – mo'jizalar maskani", deb yoziladi va quritiladi. Unga purkagich yordamida sariq qon tuzi (kaliy geksasiano (II) ferrat)ning kuchsiz eritmasi sepilsa, qog'oz yuzasida yorqin ko'k rangli yozuv paydo bo'ladi:




Bunda "Berlin zangorisi" deb ataladigan ko'k bo'yoq hosil bo'lishi evaziga yashirin yozuv "ochiladi".

2. "Ko'rinmas salom". Oq qog'ozga temir (II)-sulfatning suyultirilgan eritmasi bilan "Assalomu alaykum!", deb yoziladi va quritiladi. Unga purkagich yordamida qizil qon tuzi (kaliy geksasiano (III) ferrat)ning kuchsiz eritmasi sepilsa, qog'oz yuzasida och ko'k rangli yozuv paydo bo'ladi:



Bunda "Turnbul ko'ki" deb ataladigan bo'yoq hosil bo'ladi va qog'ozdagi yozuv ko'rinadi. Berlin zangorisi - $Fe_4[Fe(CN)_6]_3$ ikki valentli, turnbul ko'ki - $Fe_3[Fe(CN)_6]_2$ esa uch valentli temir ionlari hosil qiladigan kompleks tuzlardir.

3. "Suv sepib, xat yozish". Oq qog'ozga ishqorning suyultirilgan eritmasi (yoki soda eritmasi) bilan "ishqor + fenolftalein = rangli birikma" degan so'zlar yoziladi va quritiladi. So'ngra unga fenolftaleinning suv va spirt aralashmasidagi 1%li eritmasidan purkagich yordamida sepiladi. Yozuv qizil rangli bo'lib ko'rinadi. Fenolftalein indikatoriy neytral, kislotali va kuchli ishqoriy muhitlarda rangsiz bo'lib, faqat kuchsiz ishqoriy muhitda ($pH=8,2-10$) qizil rangga bo'yaladi. U suvda erimaydi, shuning uchun uni odatda spirtida eritib ishlatiladi. Lekin ushbu tajribada quritilgan yozuv yuzasidagi ishqor molekulalarining dissotsilanish yoki soda molekulalarining gidrolizini ta'minlash maqsadida indikatorning spirtidagi eritmasiga suv qo'shib foydalaniladi. Soda (natriy karbonat) kuchli asos va kuchsiz kislotaldan hosil bo'lgan tuz bo'lgani uchun oson gidrolizlanadi va uning eritmasi ishqoriy muhit kasb etadi.







Hosil bo'ladigan ishqoriy muhit esa fenolftaleinning rangsiz eritmasini qizartirish uchun yetarlidir.

4. “Sariq suv yordamida ko‘k rangli yozuv”. Oq qog‘ozga kraxmal kleysteri bilan “Kraxmal – yod ta’sirida ko‘karadi”, degan yozuv bitiladi va quritiladi. Unga yodning kaliy yodididagi sariq eritmasi purkagich yordamida sepiladi. Kraxmalning yod bilan hosil qiladigan molekular kompleksiga xos ko‘k rang paydo bo‘ladi (yozuv “ochiladi”). Qog‘ozni spirt lampasi yoki gaz gorelkasi alangasida biroz qizdirilsa (qog‘oz yonib ketmasin!), ko‘k rang yo‘qolib, yozuv och sariq rangli bo‘lib qoladi (yodning rangi). Sovutilgan yozuv yana qayta ko‘karadi. Yodning polisaxaridlar bilan hosil qiladigan molekulyar komplekslari qizdirilganda oson parchalanishi rang o‘zgarishiga sabab bo‘ladi.

5. “Qizdirib ko‘kartirish”. Rang bilinmasligi uchun pushti rangli qog‘ozga kobalt xloridning suyultirilgan pushti rangli eritmasi bilan “CoCl₂*6H₂O – pushti rangli, CoCl₂ – ko‘k rangli”, deb yozish va kristallgidrat suvsizlanib ko‘k rangga kiradi (yozuv ko‘karadi). Qog‘ozni qaynayotgan suvli idishning og‘ziga tutilsa yoki og‘iz bilan uning ustiga puflansa yozuv yana “o‘chib” ketadi (suv bug‘lari yordamida kobalt xlorid kristallgidrat shakliga o‘tadi).

6. “Bir zumda bahor”. Oq qog‘ozga ikki va uch valentli temirning sulfat tuzlari, mis kuporosi va vismut nitrat tuzlarining suyultirilgan eritmalari bilan rasm (gullar, o‘t-olanlar, qushlar va hkz.) chizib quritiladi. So‘ngra bu rasmning yuzasiga sariq qon tuzining eritmasi shimdirilgan paxta yoki latta bilan ho‘llanadi. Ajib bir manzara – rangli peyzaj (manzara) hosil boladi. Buning boisi yuqorida keltirilgan tuzlarning har biri sariq qon tuzi bilan rangli kompleks birikmalar hosil qilishidir. Uch valentli temir – ko‘k, ikki valentli temir – yashil, uch valentli vismut – sariq, ikki valentli mis esa to‘q jigarrangli kompleks tuzlarga aylanib, chizilgan rasmga jilo beradi:



7. “Yashiruvchi yashil qog‘oz”. Yashil rangli qog‘ozga nikel kuporosining suvdagi eritmasi bilan “NiSO₄*7H₂O – yashil rangli, NiSO₄ – sariq rangli” deb yoziladi va xona haroratida quritiladi. Yashil fonda yozuv deyarli bilinmaydi. Qog‘ozning yozuv bor joylari alangada qizdirilsa, sariq rangdagi xat ko‘rinadi. Birozdan so‘ng havodagi namni tortib olish evaziga yozuv yana ko‘rinmay qoladi. Bu o‘zgarishlar nikel tuzlarining suvli va suvsiz shaklda turli rangga ega bo‘lishiga asoslangandir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Tyurikov.V.,Shogulomov.R Ozbekiston Respublikasi “100 savolga 100 javob”, T-
."Oqituvchi" 2001y
2. Abduqodirov I.R, .Pardoev.A.A “Ta’limda innovatsion texnologiyalar” T-
.iste’dod 20085. Asqarov I.R, Toxtaboev N.X, Gopirov K “Kimyo” 8-sinf uchun darslik
– T, “Yangi yol poligraf servis” 2006 yil 208 bet.
- 3.Yo’ldashev J. G, Usmonov S .A. "Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni
amaliyotga joriy kilish." T., “Fan va texnologiya”. 2008 – 132 b.

SHUHRAT MATKARIMOVNING “INDAMAS” QISSASIDAGI DIALEKTIZMLAR

Mashhura Qodirova

Urganch davlat universiteti Filologiya fakulteti talabasi

ANNOTATSIYA

Dialektizmning adabiy til, badiiy asar va lingvopoetikada tutgan o‘rni ushbu maqolada asosiy o‘rganish obyektiga olindi. Xorazm adabiy muhitidagi badiiy asarlar tilida qo‘llanilgan dialektizmlar tahlil qilindi. “Indamas” qissasi tilshunoslik nuqtayi nazaridan til fragmentlariga asoslanib, tahlil qilindi.

Kalit so‘zlar: *dialektizm, lingvopoetika, fonetik lingvopoetika, leksik lingvopoetika.*

ANNOTATION

The role of dialecticism in literary language, artistic works and linguopoetics is the main object of study in this article. Dialectisms used in the language of artistic works in Khorezm literary environment were analyzed. The story "Indamas" was analyzed from the point of view of linguistics, based on language fragments.

Key words: *dialectism, linguopoetics, phonetic linguopoetics, lexical linguopoetics.*

АННОТАЦИЯ

Роль диалектики в литературном языке, художественных произведениях и лингвопоэтике является основным объектом исследования в данной статье. Проанализированы диалектизмы, употребляемые в языке художественных произведений в литературной среде Хорезма. Рассказ «Индамас» проанализирован с точки зрения лингвистики на основе языковых фрагментов.

Ключевые слова: *диалектизм, лингвопоэтика, фонетическая лингвопоэтика, лексическая лингвопоэтика.*

Shevalarni to‘plash va tavsiflash til tarixi, hozirgi adabiy til, shuningdek, boshqa masalalarga ham tegishli bo‘lgan xalq tarixi, etnografiyasi muammolarini o‘rganish uchun boy materialdir. Til tarixini o‘rganishda shevalar yozma yodgorliklar kabi muhim o‘rin tutadi. Ba’zan shevalarda yozma yodgorliklarda ham kuzatilmaydigan arxaik-lingvistik xususiyatlar saqlanib qolgan.

Dialektizmlar – adabiy tildagi dialektlarning o‘ziga xos hududiy unsurlari sanaladi va tilshunoslikning barcha sohalari (fonetika, leksikologiya, morfologiya, sintaksis va boshqalar)ga taalluqlidir. Badiiy ijodda dialektizmlardan narsa, voqea va hodisaga mahalliy urg‘u berish maqsadida qo‘llaniladi, bundan tashqari personaj nutqini individuallashtirish uchun foydalaniladi. [O‘zME. Birinchi jild. Toshkent 2000.] Lahjalar nafaqat adabiy tilni, balki badiiy tilni ham boyitishga hissa qo‘shadi. Badiiy tilga shevalardan tortib turli lingvistik elementlarning kirib kelishi badiiy tilning lug‘at boyligini boyitadi. Dialektizmlarni o‘rganishga hali hamon ehtiyoj mavjud. Bu borada Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning: “...o‘zbek tilining o‘ziga xos xususiyatlari, shevalari, tarixiy taraqqiyoti, uning istiqboli bilan bog‘liq ilmiy tadqiqotlar samarasini oshirish zarur” [Mirziyoyev.Sh.M. Milliy o‘zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli. “O‘zbekiston ovozi”, 2019.] ligi haqidagi fikrlari e‘tiborlidir.

Atoqli o‘zbek adabiyotshunosi O.Sharafiddinov o‘zining “Adabiyot tildan boshlanadi” nomli maqolasida shunday yozadi: “Rangsiz tasviriy san‘at, ohangsiz musiqa bo‘lmaganidek, tilsiz adabiyot ham bo‘lmaydi. Adabiyotni insonshunoslik deydilar.” [Sharafiddinov O., Adabiyot tildan boshlanadi // O‘zbekiston adabiyoti va san‘ati, 1986.] Darhaqiqat, badiiy tilda qo‘llanilgan dialektal elementlar – dialektizmlar badiiy tilni boyitish bilan birga turli uslubiy vazifalarni ham bajarishga xizmat qiladi. Yozuvchilar va shoirlar shevalarni so‘zlashuv nutqidan badiiy nutqqa o‘tkazishda vositachi bo‘ladilar. Dialektizmlar barcha adabiy janrlarda yozilgan asarlarda uchraydi. Nasriy asarlarda biz ularni ko‘proq uchratamiz. Shuhrat Matkarimov asarlari ham shu turkumdan. Shuhrat Matkarimovning badiiy asarlari faqat sheva materiallari bilan yuklangan emas, balki bu asarlarda yo‘l-yo‘lakay, turli uslubiy lahzalarda dialektizmlarga murojaat qilgan. U “Indamas” qissasida badiiy fikrini ifodalash uchun lahjalardan mohirona foydalangan. Quyidagi misollar orqali buni ko‘rishimiz mumkin: Ammo ishonsa, ishonmasa bu voqea sodir bo‘lgan edi: pismiq va qiltiriq bir odam, polvon va boy-badavlat bir odamni chalib tashlagan. Chalganda ham bungacha mingtasini bo‘g‘izlaganday ishini orqayin bajargan. O‘ta orqayin. Qassob jonivorni qanday maydalasa, u ham odamni shunday machalagan.

Bu yerda “qiltiriq” dialektizmi ishlatilgan bo‘lib, u adabiy tildagi ozg‘in so‘ziga nisbatan qo‘llanilgan. Sheva shaklini qo‘llash ma‘noni kuchaytitishga xizmat qilgan. “Chalib tashlamoq” iborasi bahsda yengmoq ma‘nosiga to‘g‘ri keladi. Yozuvchi qishloq hayotini tasvirlab, vohada keng tarqalgan xalq shevasining birikmalaridan mohirona foydalangan. “Orqayin” so‘zi Xorazm vohasiga xos dialektizm bo‘lib bamaylixotir, bemalol degan ma‘nolarni bildiradi. Parchada bamaylixotir ma‘nosida qo‘llangan. “Machalamoq” fe‘li tanni a‘zolarga bo‘laklamoq ma‘nosida ishlatilib tasviriylikni yana-da bo‘rttirib ifodalash maqsadida qo‘llangan.

Ma'lumki, badiiy adabiyotda xalq hayoti, nutqi, turmush tarzi, urf-odat va an'analari o'z aksini topadi. Shuning uchun ham xalq hayotini aks ettiruvchi voqealarni tasvirlashda tilning tabiiyligi, jonliligi uchun shu mintaqa, hudud dialektizmlaridan foydalanish zarur. Ijodkorlar yaratgan personajlarning nutqiy tavsifi uchun ular ko'pincha dialektizmlardan foydalanadilar. Yozuvchi o'z davrining adabiy tili me'yorlari asosida qanchalik asarlarini yozmasin, baribir uning asarlarida mahalliy shevaga moyillik, mahalliy shevaning o'ziga xos xususiyatlari namoyon bo'ladi. Masalan,

Undan o'n to'rt metr narida yigirma-yigirma ikki yoshlardagi qiz dir-dir titrab turardi. Bir qarashdayoq bu qizning "bozor ko'rgan gachchi" ekanligini anglab olish qiyin emas edi.

"Gachchi"-echki. Xorazmda "bozor ko'rgan gachchi" frazemasini mavjud bo'lib, ko'proq erkaklar nutqida, asosan, salbiy ma'noda ishlatiladi. U hayoti davomida ko'plab qing'ir ishlar qilganlarga nisbatan qo'llaniladi. Vohada "bozor ko'rmagan gachchi" iborasi ham mavjud. U tajribasiz kishilarga nisbatan ishlatiladi. Dialekt so'zlar va iboralar muallif tomonidan, eng avvalo, personaj nutqini tavsiflash uchun kiritiladi. Ular ma'ruzachining ijtimoiy mavqeni va uning ma'lum bir hududdan kelib chiqishini ko'rsatadi.[Reshetov V., Shoabdurahmonov Sh., O'zbek dialektologiyasi, T., 1962.]

Bu ishonadigan gap emas edi. Ochig'ini aytganda, otini eshitgandanoq bolalar yig'idan to'xtab, kattalarning badaniga bir tiskinish tushadigan Poqqi mapiyga bu shaharda nafaqat qo'l ko'tarish, balki bu haqda o'ylash ham mumkin emas edi.

Yuqoridagi parchada "tiskinish" shevasi qo'llanilgan. U cho'chimoq, cho'chib tushmoq, qo'rqib qaltirash kabi ma'nolarni anglatadi. Qissada qo'rqib qaltirash ma'nosida ishlatilgan. Ijodkor asarlaridagi o'z g'oyalarini kitobxon ongiga to'la singdirishda va unga estetik zavq in'om etishda tilimiz xazinasida mavjud bo'lgan barcha leksik va grammatik vositalardan har tomonlama san'atkorona foydalangan. Shuning uchun badiiy asar tilini dialektizmlarsiz tasavvur qilish qiyin. Yozuvchi tomonidan qo'llanilgan dialektizmlar o'quvchiga tasvirlanayotgan personaj xarakter-xususiyatini, uning qanday muhitda yashayotganligi, turmush tarzi, atrofdagilarga munosabati, nutqidagi o'ziga xos xususiyatlari, adabiy til qoidalarini bilish darajasi to'g'risida aniq tasavvur qilish imkonini beradi.

"Hoy bola! Unday qil, munday qil!" U bo'lsa yugurib ketaverar ekan bo'ynidagi ipini tebratib. To'xtovsiz chullik o'ynar ekan. Yuz yildan beri shunday ekan. Ming yildan beri shunday ekan.

Bolalar o'yinlarini bildiruvchi etnografizmlar ham o'zbek shevalari leksikasida salmoqli miqdorni tashkil qiladi. Ular avloddan avlodga o'tib bizgacha yetib kelgan. Chullik-uzun tayoq bilan ikki tomoni yo'nilgan cho'plarni sakratib o'ynash. Shunga

o'xshash ko'pgina o'yin nomlarini ifodalovchi etnografizmlar juft so'z shaklida shakllangan bo'lib, bolalarda qarindosh-urug'chilik va mehr-muhabbat tuyg'ularini uyg'unlashtiradi.[Alimova Sh., Xorazm (qipchoq) shevasining leksik-grammatik xususiyatlari, U., 2015.]

Aytganlarimizdan xulosa qilish mumkinki, Shuhrat Matkarimov shevalarimizdan, asosan, quyidagi maqsadlarda foydalangan:

1. Haqiqiy hayotning badiiy rasmini yaratish.
2. Milliy kolorit yaratish.
3. Hududiy mansublikni ko'rsatish.
4. Individuallashtirish, tip terish.
5. Etnografik tasvir.
6. Ifodaning realligini ta'minlash.
7. Stilistik xilma-xillikni yaratish.
8. Milliy narsa va tushunchalarni ifodalash va boshqalar.

Shuhrat Matkarimov qipchoq sheva va qo'shimchalariga murojaat qilishi, jonli xalq tili unsurlariga alohida o'rin ajratilganligi, asarlarining til nuqtai nazaridan jonliligi badiiy fikrini ifodalashda dialektizmlarnikeng qo'llanganidan dalolat beradi. Bu bilan asar ta'sirchanligini oshiribgina qolmay, balki badiiy tilni boyitishga ham hissa qo'shgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent 2000.
2. Alimova Sh., Xorazm (qipchoq) shevasining leksik-grammatik xususiyatlari, U., 2015.
3. Reshetov V., Shoabdurahmonov Sh., O'zbek dialektologiyasi, T., 1962.
4. Mirziyoyev. Sh.M. Milliy o'zligimiz va mustaqil davlatchiligimiz timsoli. "O'zbekiston ovozi", 2019.
5. Sharafiddinov O., Adabiyot tildan boshlanadi // O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 1986.

RUX KEKINI OLEUM KISLOTASI BILAN QAYTA ISHLASHNING TEXNOLOGIK SXEMASI

Abduraxmonov S.A

Toshkent davlat texnika universiteti Olmaliq filiali professori, DSc, doctor

Jo'raqulov Ulug'bek Aktam o'g'li

Toshkent davlat texnika universiteti Olmaliq filiali magistranti

Abdunazarov Farrux Umidjon o'g'li

Toshkent davlat texnika universiteti Olmaliq filiali bakalavriyati

ANATATSIYA

Bu tezisda rux kekini oleum kislotasida eritib, rux kekni qayta ishlashning texnologik sxemasi yordamida gidrometallurgik qayta ishlash.

***Kalit so'zlar:** Rux keki, oleum, gidrometallurgik, texnogen xomashyo, kompleks qayta ishlash.*

Ma'lumki O'zbekistonda metallurgiya sanoati so'nggi besh yilda ancha rivojlantirildi. Ko'p sohalar qatorida metallurgiya sanoatiga ham alohida e'tibor berilmoqda. Xususan, metallurgiya sanoati mamlakatimiz YaIM ning 7,6 % hamda eksport hajmining 8,2 % ini tashkil etadi. Avvallari birlamchi metallurgiyada rudadan bevosita metall ajratib olingan bo'lsa, hozirga kelib kompleks qayta ishlash hamda mavjud yarim tayyor mahsulot va chiqindilardan qimmatbaho komponentlarni ajratib olishga urg'u berilmoqda. Hozirgi kunda butun dunyoda metallurgiya sanoati rivojlanib bormoqda.

O'zbekistonda ham metallurgiya sanoati so'ngi yillarda ancha rivojlandi. Shulardan biri Olmaliq kon metallurgiya konbinatini misol qiladigan bo'lsak, so'nggi paytlarda konbinatning ishlab chiqarish hajmi kengaytirilib, yangi texnologiyalar qo'llanilmoqda. Shu konbinatga qarashli rux ishlab chiqarish zavodiga e'tibor beradigan bo'lsak, yilliga 100-120 ming tonna rux metali ishlab chiqilmoqda.

Rux ishlab chiqarish bo'yicha "Olmaliq KMK" AJ tarkibidagi Rux ishlab chiqarish zavodi O'zbekistonda yagona zavod bo'lib, yiliga ushbu zavodda 100-120 ming tonna rux metali ishlab chiqarilmoqda. Rux boyitmasi dastlab qaynar qatlam pechida kuydirilganda kuyindi (ogarak) olinadi va u sulfat kislotasining eritmasi bilan

tanlab eritilganda tanlab eritish maromi: 100-120 g/l H_2SO_4 ; $t=60-70^\circ C$, tanlab eritish davomiyligi 2 soat. Eritmaga 35-90% rux, qisman kadmiy, temir, mishyak va boshqa elementlar o'tadi. Erimay qolgan qoldiq (kek)ning miqdori kuyindi miqdorining 20-25% ini tashkil qilib, tarkibida, (%): 18-23 Zn, 4,8-11,7 Pb, 0,25-1,28 Cu, 0,08-0,2 Cd, 23-32 Fe, 4,7-10 S va 170-425 g/t Ag; 1,0-2,0 g/t Au bo'lishi mumkin. Rux keki qo'shimcha rux, mis, kadmiy, oltin, kumush va boshqa metallarni olish uchun texnogen xomashyo hisoblanadi. Ruxni eritmaga to'liq o'tmasligini sababi rux kuyindisida Zn boyitmasini kuydirish jarayonida xosil bo'lgan rux ferriti ($ZnO \cdot Fe_2O_3$) rux silikati ($2ZnOSiO_2$) va kuymay qolgan Zn sulfide (ZnS) larining mavjudligidir. . Hozirgi kunda jahon amaliyotida rux keklarini qayta ishlashning pirometallurgik va gidrometallurgik usullari qo'llanilmoqda. Rux kekini gidrometallurgik qayta ishlash hozirgi paytda keng tarqalayotgan jarayondir. Ko'p ixtiro qilingan usullardan faqat getit va yarozit jarayonlar qo'llanayotir. Rux keklarini gidrometallurgik usulda qayta ishlash. Rux kekini gidrometallurgik usuli bilan qayta ishlash rux ferritni sulfat kislotasida eritishga asoslangan. Bunda rux va temir eriydigan sulfat holatiga o'tkaziladi. Rux keklarini gidrometallurgik qayta ishlash so'nggi yillarda keng tarqalayotgan jarayondir. Bu usullardan asosan getit va yarozit jarayonlar qo'llaniladi. Getit jarayoni hozirgi kunda Belgiyaning Balen shahridagi rux ishlab chiqarish zavodida qo'llaniladi. Bunda dastlab rux keki qayta ishlangan elektrolit bilan 6-8 soat davomida, 95 0 C haroratda tanlab eritiladi. Jarayon sulfat kislotasining qoldiq miqdori 50 g/l bo'lguncha davom ettiriladi. Olingan qo'rg'shin kumush keki tarkibida 25% Pb va 3-4% Zn bo'ladi. Shundan so'ng kek qo'rg'shin ishlab chiqarishga yuboriladi. Yarozit jarayoni hozirgi kunda Norvegiyaning Oddo shahridagi rux ishlab chiqarish zavodida qo'llaniladi. Bu yerda rux keki 150-200 g/l sulfat kislotada eritmasida 80-90 0 C da 4-6 soat davomida qayta ishlanadi. Qoldiq tarkibida asosan qo'rg'shin sulfat, kremniy oksidi temir oksidlari va oltin, kumush bo'lib, eritmadan ajratib olinadi va qo'rg'oshin zavodiga yuboriladi. Jarayonning kamchiligi: eritmani qizdirish va sovitish uchun qo'shimcha jihozlar ishlatilishi, yarozitning cho'ktirsh vaqtining ko'pligi [16-20]. Gematit jarayoni Yaponiyaning "Akita zink" firmasining "Induzima" zavodi sharoitida rux keki qayta ishlanadi. Gematit jarayonida rux keklari avtoklavda qayta ishlanadi. Bunda harorat 110-180 0 C ni tashkil etib, 150-180g/l konsentratsiyali sulfat kislotasida tanlab eritiladi. Sulfat kislotasi konsentratsiyasi 40-50g/l bo'lguncha tanlab eritiladi. Bu jarayon sanoatda asosan ikkita korxonada ishlatiladi: Yaponiyaning "Akita Zink" firmasining induzima zavodida va Germaniyaning "Datelh" zavodida qo'llaniladi. Keklarni gematit usulida qayta ishlaganimizda cho'kmaga ko'p miqdorda temir o'tadi. Gematit jarayoni boshqa jarayonlardan avzalligi shundaki ko'p miqdordagi temirni ajratish bilan birga yuqori temir tarkibli mahsulot olinadi va po'lat eritish zavodiga yuboriladi. Jarayonning kamchiligi shundan iboratki jarayonning


murakkabligi va yuqori qiymatli dastgoh avtoklavning ishlatilishidir. Gematit jarayonining kimyoviy tarkibi quydagicha: Zn 0,8%; Fe 63,5%; S 1,5%; Pb 0,02%; As 0,03% [18-21]. Yuqorida biz rux keklarini gidrometallurgik qayta ishlashning bir nechta usullarini ko'rib chiqdik. BBunda ko'rinib turibdiki rux keklarini gematit usulida qayta ishlash samaraliroqdir.

Rux kekini mineralogik tarkibi quydagicha ZnO, (ZnO Fe₂O₃), (2ZnOSiO₂), (ZnS) bu minerallarni xammasi bilan oleum ta'sirlashadi. Bu ta'sirlashishlar quydagi reaksiyalar bo'yicha amalga oshadi. Shu gidrometallurgiya usulini hisobga olib rux kekini oleum bn olib borishni ko'rib chiqdim, shu usul ancha samara beradi. Bu usulda 100gr rux keki uchun 125ml oleum (H₂SO₄*SO₃)4soat davomida 200-250°C da olib boriladi.

Rux keklarini oleum bilan sulfatlash, so'ngra sulfat kislota eritmasi bilan yuvish yo'li bilan qayta ishlash bo'yicha tadqiqotlar, shuningdek, qo'rg'oshin sulfatini o'rta bo'laklardan yuvish bo'yicha adabiyot manbalarni tahlil qilish, rux keklarini qayta ishlashning texnologik sxemasi taklif qilinmoqda.

1. $ZnO + H_2SO_4 * SO_3 = ZnSO_4 + H_2SO_4$
2. $ZnS + H_2SO_4 * SO_3 = ZnSO_4 + H_2S + SO_2 + 0.5O_2$
3. $2ZnO * Fe_2O_3 + 4H_2SO_4 * SO_3 = 2ZnSO_4 + 2Fe_2(SO_4)_3 + 4H_2O$
4. $ZnO * SiO_2 + H_2SO_4 * SO_3 = ZnSO_4 + H_2SiO_3 + SO_2$

Oleum kislata konsentratsiyasi 65%li eritmasi rux keki bilan aralashmasi 2-bosqichli 20-250 °C sulfidsizlantirish jarayonlaridan o'tqaziladi. So'ngra sovitilib maydalanadi, (NaCl-10mg/ml) eritmasi sulfat kislatasi (H₂SO₄) qo'shib tanlab eritiladi. Aralashmali eritmalar filtrlashdan o'tqaziladi, keyin filtrning pastki mahsulot eritmasini tarkibida Zn,Fe,Cu eritmaları aralashmasi xosil buladi. Eritmadagi Fe yarozi jarayonida cho'ktiriladi. Filtrni ustki qismida qolgan kekda nodir metallar qolgan bo'ladi. Kek NaCl eritmasi bilan tanlab eritiladi, nodir metallar (Au,Ag)lar cho'kadi. Eritma tarkibida qolgan qo'rg'oshinni NaCl eritmasi bilan Ca(OH)₂ aralashatirilib qo'rg'oshin (Pb) konsentratsiyasi olinadi. Shu usullar bilan rux keki tarkibidagi metallarni ajratib olinadi.



Принципиальная технологическая схема переработки цинковых кеков

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

[1]. Романтеев Ю.П. Быстров В.П. *Металлургия тяжелых цветных металлов МИСиС 2010.* [2]. Казанбаев Л.А. *Разработка усовершенствованной технологии переработки кеков цинкового производства с извлечением индия.* Москва. 2000 [3]. Санакулов К.С. *Научно-технические основы переработки отходов горно-металлургического производства.* Ташкент. Фан. 2009 г. -404 с [4]. Болатбаев К.Н., Набойченко С.С., Садыков С.Б. *Флотационно-металлургическая переработка труднообогатимого сырья.* Петропавловск: СКГУ, 2004. 401 с. [5]. Марченко Н. В., Вершинина Е. П., Гильдебрандт Э. М. *Металлургия тяжелых цветных металлов.* - Красноярск : ИПК СФУ, 2009.- 394 с [6]. Абдурахмонов С., Тошкодирова Р.Э. *Технология переработки клинкера цинкового производства // Монография. – Навои: А.Навоий, 2020.* [7]. Абдурахмонов С., Тошкодирова Р.Э. *Исследования по переработке клинкера - отхода цинкового производства // Вестник науки и образования. №10 (88) часть 1. май 2020* [8]. Тошкодирова Р.Э., Абдурахмонов С. *Переработка клинкера – техногенного отхода цинкового производства // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2020. 11(80).* [9]. Холикулов Д.Б., Якубов М.М., Масидиков Э.М., Екубов О.М. *Термодинамические исследования при извлечении ценных компонентов из кека цинкового производства нетрадиционным методом. Kompozitsion materiallar. Ilmiy-texnikaviy va amaliy jurnali, 2018, № 1, с. 6-8.* [10]. Холикулов Д.Б., Якубов М.М., Расулова С.Н., Гуро В.П. *Эффективный способ переработки цинкового кека. Узбекский химический журнал. - 2018. -№4. -С.25-30.* [11]. Kholiqulov D.B., Samadov A.U., Boltaev O.N., Akhtamov F.E. *The results of laboratory research processing of zinc cake zinc plant JSC "Almalyk MMC". European science review, Premier Publishing s.r.o. Vienna. 2018. № 11-12, Vol. 6, - Pp. 96-99.* [12]. Холикулов Д.Б., Якубов М.М., Масидиков Э.М., Мухаметджанова Ш. *Термодинамические исследования при извлечении ценных компонентов из кека цинкового производства нетрадиционным методом. Композиционные материалы. Ilmiy-texnikaviy va amaliy jurnali, 2018, №4, с. 37-40.* [13]. Kholikulov D.B., Yakubov M.M., Abdulkadirov A., Matatkulov N., Khaydaraliev K., Pulatov G., Muxametdjanova Sh. *The Study of the Characteristics of Zinc Cake and the Main Direction of Processing. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6, Issue 10, October 2019. Pp. 11416-11421. ISSN: 2350- 0328.*

BOSHLANG‘ICH SINFLARDA SO‘Z BIRIKMALARI USTIDA ISHLASH

Nuriyeva Feruza Shohsuvarovna

Termiz davlat pedagogika instituti

Boshlang‘ich ta‘lim yo‘nalishi

2-bosqich talabasi.

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada ona tili haqidagi bilimlar boshlang‘ich ta‘limda berilishi haqida so‘z yuritiladi. Gapda so‘zlarning o‘zaro bog‘lanishi, so‘z birikmasi ustida ishlashning samarali usullari yoritilgan.

Kalit so‘zi: *savodxonlik, leksik-grammatik birlik gapda so‘zlarning o‘zaro bog‘lanishi bosh va ergash so‘zlar.*

Barchamizga ayonki, boshlang‘ich ta‘lim inson hayoti davomida to‘plagan ta‘lim-tarbiyaning poydevori bo‘lib xizmat qiladi. Mukammal boshlang‘ich ta‘lim olgan o‘quvchilar yuqori sinflarda, ta‘limning keyingi bosqichida, shuningdek hayoti davomida ham hech qanday qiyinchilikka duch kelmay, yuksak natijalarga erisha oladi desam mubolag‘a bo‘lmaydi. Bu uchun eng avvalo, barcha ma‘suliyat boshlang‘ich sinf o‘qituvchisiga yuklatiladi. Boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi o‘quvchilar savodini chiqarishda ularga mustahkam bilim berish va ularda zaruriy ko‘nikma va malakalarni shakllatirishda barcha imkoniyatlarni ishga solishi, ta‘lim -tarbiya jarayonini sifatli olib borishi lozimdir. Bugungi kunda o‘quvchi yoshlarning mafkurasini oshirish uchun turli mantiqiy fikrlashga turtki bo‘luvchi kitoblar ham muhim ahamiyatga ega. Bu har bit o‘quvchida erkin fikrlashga undaydi. Dekart aytganidek, "men fikrlayapmanmi demak, men mavjudman." Hozirgi kunda dolzarb vazifalardan biri bo‘lgan o‘quvchining savodxonlik darajasini oshirishda ona tili ta‘lim muhim ahamiyatga ega. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida tilshunoslik bo‘limlarining elementlari bosqichma bosqich o‘rgatib boriladi. Kichik maktab yoshidagi o‘quvchilar gap tuzishda so‘zlarni o‘z o‘rnida qo‘llay olishga qiynaladi. So‘z birikmasi leksik-grammatik birlik bo‘lib, tugallangan fikr ifodalagan uchun gapdan farq qiladi. Nutqda so‘z birikmalaridan gap ichida foydalaniladi. So‘z birikmasi haqidagi kengroq tushunchalar 8-sinf ona tili darsliklarida keltiriladi. Boshlang‘ich sinflar kesimda esa bu tushunchalar aynan shunday nom bilan kelmagan bo‘lsada, mavzuga oid bilimlar 1-2-sinf ona tili va o‘qish savodxonligi va 3-4-sinf ona tili darsliklarida mashqlar orqali amaliy tarzda berib boriladi. 1-2-sinf ona tili va o‘qish savodxonligi darsliklarida mavzuga doir qoidalar berilmay faqat bir nechta mashqlar bajartirish

orqali bilimlar bilan tanishish nazarda tutilgan xolos. Biz bu maqolada soʻz yasalihi, soʻz birikmalarini tuzish, soʻz turkumlari hamda gapda soʻzlarning bogʻlanishi mavzulari qoidalar bilan biroz kengroq yoritib berilgani uchun 3- sinf ona tili darsligidagi mashqlarga eʼtibor qaratamiz. Boshlangʻich sinflarda soʻz birikmasi ustida ishlashda quyidagi mashq turlaridan foydalaniladi.

1. Bosh soʻzdan ergash soʻzga soʻroq berish, soʻzlarning oʻzaro bogʻlanishini aniqlash. Masalan, Sovuq shamol esdi.

Nima esdi? – shamol esdi,

Qanday shamol? – sovuq shamol.

Ushbu topshiriq orqali oʻquvchilar gapda soʻzlarning bogʻlanishini soʻroqlar yordamida topish mumkinligini bilib oladilar. Natijada ularda soʻzlarning oʻzaro bogʻlanishini tushunishlarida soʻroq berish malakasi amaliy tarzda shakllana boshlaydi. Gapda soʻzlarning oʻzaro bogʻlanishini chizmada koʻrsatish. Masalan, Qanday? Nimani? Jangovar qoʻshiq safimizni mustahkamlaydi. Ushbu mashqni bajarish uchun namuna berilgan boʻlib, oʻqituvchi yordamida birga amaliy koʻrsatiladi. Chizma yordamida mazmunan bir-biriga bogʻlangan soʻzlari soʻroq berib topish Oʻquvchi uchun yanada osonlashadi. Bu oʻquvchilarni asta-sekin murakkab qurilmalarni tuzishga ham oʻrgatadi. Matnda uchragan soʻz birikmalarini maʼnosini tushunish. Masalan, quyidagicha topshiriq berilgan mashqqa qaraylik: Soʻroqlarga mos soʻzlar qoʻyib, gaplarni toʻldiring.

2. Oʻquvchilar (kimlarga?) sovgʻa tayyorlashdi. Qizlar qiyqimdan (qanaqa?) qoʻgʻirchoqlar tikdilar. Oʻgʻil bolalar (nimadan?) uychalar yasadilar. Foydalanish uchun soʻzlar: chiroyli qogʻozdan kichkintoylarga. Oʻquvchilar ushbu topshiriqni bajarish davomida har bir soʻzni kerakli oʻrinlarga soʻroq berish Orqali maʼnosiga mos keluvchi soʻzni topib qoʻyib, talaffuz qilib koʻrishlari mumkin. Bu topshiriq orqali oʻquvchilarda sintaksis boʻlimiga doir soʻzlarning bogʻlanishi yuzasidan amaliy bilim va koʻnikmalar hosil qilinishiga erishish mumkin.

3. Matnda yoki faoliyat jarayonida uchragan yangi soʻz bilan soʻz birikmasi tuzish. “Berilgan soʻzlardan birikma tuzing” deb topshiriq berilgan. Bular “Shoʻx , olma, uzmoq, olma, ertakni, qoʻshiq , qovun, bola, tinglamoq, mehnatsevar, termoq.”

Yuqoridagi soʻzlardan birikma tuzamiz. Shoʻx qoʻshiq, olma termoq, ertakni tinglamoq, qovun uzmoq, mehnatsevar bola. Bu topshiriqni bajarish jarayonida oʻquvchilar oʻzlari oʻqigan har qanday soʻzlarning maʼnosini chaqa olishmaydi. Soʻroq berish orqali mazmunan bir-biriga mos kelmaydigan birikmalar tuzishlari ham

mumkin. Masalan, sho‘x bola, olma uzmoq, qovun termoq. Bunda so‘roq to‘g‘ri berilgan bo‘lsa ham mazmun jihatdan so‘z birikmasi biroz to‘g‘ri kelmagan vaziyat bo‘lishi ehtimoldan holi emas, albatta. Shuning uchun ham o‘quvchilarga tuzayotgan birikmalarning mazmun jihatdan katta ahamiyat kasb etishini tushuntirib borish kerak. mashqning bu turi so‘zning ma‘nosini chuqur tushunishga va undan o‘z nutqida chiroyli qo‘llashga yordam beradi.

4. So‘z turkumlarini o‘rganish bilan bog‘liq holda so‘z birikmasi tuzdirish. Bu turdagi mashqlar so‘z turkimlarini har birini alohida o‘rganish davomida bajarib boriladi. 3-sinf ona tili darsida asosan ot, sifat, son, fe‘l so‘z turkumlari bilan tanishtiriladi. Ko‘pincha har bir so‘z turkumi bilan tanishtirilganda matndan so‘roq berish orqali shu so‘z turkumini ajratish va unga bog‘langan so‘z bilan birga yozish topshirig‘i beriladi.

Ot bilan ot – maktab bog‘i
Sifat bilan ot – yoqimli kuy
Son bilan ot – yettinchi avtobus
Olmosh va fe‘l - unga berdi
Ot bilan fe‘l – kinoga bordi.

Yuqoridagi mashqlar o‘quvchilarda so‘z birikmasi va gap tuzishda xatoga yo‘l qo‘ymaslik, sintaksis-uslubiy xato qilishning oldini olish uchun xizmat qiladi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari gap tuzishda so‘z birikmalarini noto‘g‘ri qo‘llash xolatlari ko‘p uchrashi mumkin. Bunday xatolar asosan kelishiklarni o‘z o‘rnida qo‘llay olmasliklaridan kelib chiqadi. Masalan,

<i>O‘quvchi nutqida uchraydi</i>	<i>To‘g‘ri birikma</i>
<i>Maktabni bog‘i</i>	<i>maktabning bog‘i</i>
<i>Ukamda berdim</i>	<i>ukamga berdim</i>
<i>Sayohatda chiqdik</i>	<i>sayohatga chiqdik</i>
<i>Mashinaga keldim</i>	<i>mashinada keldim</i>

Bolalar ko‘proq xatoga yo‘l qo‘yadigan so‘z birikmalarini yig‘ib borish xatoni oldini olishga qaratilgan mashqlar tuzishga imkon yaratadi. So‘z birikmasi ustida ishlash grammatik imloviy va boshqa mashqlarni to‘g‘ri bajarishga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, yuqoridagilardan so‘z birikmasiga oid sintaktik bilimlar anchagina murakkab ekanligi uchun o‘quvchilarda o‘rganishni ertaroq boshlash va mashqlar natijasida ko‘proq takrorlash zarurligi kelib chiqadi. Shundagina ularning

sintaktik bilimlari oshishi, nutqiy xatoliklarning bartaraf etilishi va savodxonlik darajasi oshishiga hissa qo'shgan bo'lamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Atadjanov, J. M. (2018). *Developing Professional Pedagogical Mastery of Future Initial Classes Teachers. Eastern European Scientific Journal*, (2).

2. Gazieva, D. (2019). *MEDIATEXT IN THE FUNCTIONAL-PRAGMATIC ASPECT. Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(9), 153-158.

3. Han-Woo, C., Khan, V. S., Yilmaz, E., Omelicheva, M., Hyo-Joung, K., Chai-Mun, L., & Chung-Rok, P. (1999). *International Journal of Central Asian Studies. Institute of Asian Culture and development*.

4. Inomzoda, A. A. (2021). "Improving The Teaching Of" Education" On the Basis of Multimedia Technologies" (On the Example of Primary Classes). *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 88-90.

5. INTER, FIBER LENGTH IN. "An International Multidisciplinary Research Journal." *An International Multidisciplinary Research Journal* 41.43 (2017).

6. Kakharov, K. (2022). *Characteristics of Father's Speech in Uzbek and German Families. International Journal of Culture and Modernity*, 14, 43-47.

7. Kakharov, K., & Ergasheva, S. (2022). *Main Features and Functions of Uzbek and English Advertising. International Journal of Culture and Modernity*, 14, 56-60.

8. Kholikova, D. (2020). *INTELLECTUAL ACTIVITY OF CREATIVE THINKING VERBAL TEST "UNUSUAL USE". PEDAGOGICAL SCIENCES*, 22

9. Kholikova, D. M. (2021). *DEVELOPMENT OF INNOVATIVE THINKING SKILLS IN*

CHIQUINDI ELEKTRON QURILMALAR TARKIBIDAN QIMMATLI KOMPONENTLARNI AJRATIB OLIISH TEXNOLOGIYALARINI TAHLIL QILISH

Samadov Alisher Usmonovich

professor, DSc, doctor

Toshkent Davlat Texnika Universiteti Olmaliq filiali

Ermatov Tursunali Murod o'g'li

Toshkent Davlat Texnika Universiteti Olmaliq filiali magistranti

ANNOTATSIYA

Dunyo miqyosida chiqindilar muammosi eng dolzarb ekologik masalalardan biriga aylanib bormoqda. Tahlillarga ko'ra, so'nggi yillarda maishiy va sanoat chiqindilarining yildan-yilga ortayotgani yer yuzidagi ekologik barqarorlikka salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bugungi kunda texnika texnologiyani asosini elektron qurilmalar tashkil etadi. Bu elektron qurilmalarni tarkibida qimmatbaho nodir va kamyob elementlar mavjud. Qurilmalarni eskirishi va ulardan foydalanmaslik chiqindilar sifatida yig'ilib borishiga sabab bo'lmoqda. Ulardan nodir va kamyob elementlarni ajratib olish chiqindidan oqilona foydalanish va iqtisodiy samaradorlikka olib keladi.

Tayanch iboralar:

Chiqindi elektron qurilmalar, utilizatsiya, qayta ishlash, maishiy chiqindilarni to'plash, gidrometallurgik qayta ishlash, nodir va kamyob elementlarni ajratib olish, elektr va elektron jihozlar (elektron chiqindilar), Radioelektron qurilmalar

Maqolada [1] elektr va elektron jihozlar (elektron chiqindilar) chiqindilarining dolzarbligi va utilizatsiyasi muhokama qilinadi. Elektron chiqindilarni boshqarish sohasidagi qonunchilik va me'yoriy hujjatlar to'g'risida ma'lumotlar to'planadi, turli mamlakatlarning elektron chiqindilar sohasidagi tajribasi tahlil qilinadi. Elektron chiqindilar bilan to'g'ri muomala qilishning dolzarbligi dunyoda elektron chiqindilar miqdori ortib borayotgani, bu inson salomatligi va atrof-muhitga salbiy ta'sir ko'rsatayotganligi bilan bog'liqligi o'rganiladi. Evropa Ittifoqi, MDH, mamlakatlarida elektron chiqindilarni boshqarish sohasidagi amaldagi me'yoriy-huquqiy hujjatlarning tahlili o'tkazildi, bu bugungi kunda elektron chiqindilarni boshqarish tizimi dastlabki bosqichda ekanligini ko'rsatdi. Bu soha davlatdan ko'proq e'tibor talab qiladi.

Bu maqolada [2] ko'p yuz minglab tonna metallolomlarning to'planishi bozor iqtisodiyotiga o'tish minglab norentabel tarmoqlarning yopilishiga va tugatilishiga olib

kelishi yoritiladi. 70 mln.gacha elektron va elektr maishiy texnika chiqindilarini qayta ishlash zarurati aniq: bunga hayot uchun xavfli bo'lgan chiqindilar kiradi. Komponentlar va qimmatbaho materiallarning katta yo'qotishlari va natijada tuproq va yer osti suvlarining ifloslanishi chiqindilarni poligonlarda saqlash kabilardir. Rossiyada ikkilamchi resurslarni qayta ishlash va ulardan foydalanish bo'yicha keng ko'lamli ishlab chiqarishni rivojlantirish, yangi korxonalarni yaratish uchun zarur shart-sharoitlari yaratildi. Maqolada Rossiya Federatsiyasi hududida elektron jihozlarining chiqindilarini kompleks qayta ishlash va yo'q qilish holatlari tahlil qilinadi.

Rivojlangan davlatlarda ikkilamchi metallurgiya korxonasi qayta ishlash holatini yaxshilash maqsadida ko'p komponentli elektron qoldiqlardan asil va rangli metallarni kompleks differensial ajratib olishning texnologik sxemasi taklif etilmoqda. [3] Bu yangi texnologiyani afzalliklari va qazib olish natijalari keltirilgan. Texnologiyani joriy etish natijasida olingan foyda ko'rsatkichlari asosiy mahsulot sifatida oltin tannarxini boshqa qimmatli tarkibiy qismlarni olish bilan bog'liq holda kamaytirishni hisobga olgan holda keltirilgan. Rangli va qimmatbaho metallarni kompleks qazib olish samaradorligi koeffitsienti quyidagi formula bo'yicha hisoblab chiqilgan: $K = \text{Daromad} / \text{Xarajatlar}$. Xarid narxlarining oshishi foydaga ta'siri tahlil qilinadi. Rossiya Federatsiyasi Markaziy bankining kursi bo'yicha qimmatbaho metallar miqdori uchun sotib olish narxining 100% gacha ko'tarilishi bilan 1 tonna hurda uchun foydaning pasayishi 0,01 dan 0,05% gacha bo'lganligi aniqlandi. Shu sababli, muvozanatli bozor narxlariga nisbatan xom ashyoni sotib olish narxining sezilarli darajada oshishi ehtimoli mavjud. Elektron chiqindilardan qimmatbaho butlovchi qismlarni kompleks ajratib olishning taklif etilayotgan texnologik sxemasini amalga oshirish va zarur resurslarni olish va ularni taqsimlashning aniq strategiyasi sifatida xomashyo xarid narxlarini oshirish strategiyasidan foydalanish iqtisodiy faoliyatning iqtisodiy samaradorligini oshiradi. Daromadning o'sishi kompaniyaga qisqa muddatli va uzoq muddatli maqsadlarga erishish uchun uning iqtisodiy holatini yaxshilash va raqobat muhitida bozor o'rnini mustahkamlash uchun foydalanish imkonini beradi.

Maqolada [4] qimmatbaho metallarning ikkilamchi metallurgiya bozorida ustunlik qilmaydigan korxonasi uchun elektron chiqindilardan qimmatbaho komponentlarni kompleks tabaqalashtirilgan ajratib olishning texnologik sxemasini joriy etish asosida narx strategiyasi taklif etiladi. Sxemaning iqtisodiy samaradorligini baholash berilgan. Xarid narxlarining oshishi va parchalarning ayrim kompozitsiyalarini qayta ishlash hajmining oshishi bilan korxonaning iqtisodiy ko'rsatkichlarining o'zgarishi tendentsiyalari tahlil qilinadi. Taklif etilayotgan texnologiyani joriy etish va zarur resurslarni olishning o'ziga xos strategiyasi sifatida

xom ashyoni sotib olish narxlarini oshirish strategiyasidan foydalanish qo‘shimcha etkazib beruvchilarni jalb qilish imkonini berishi aniqlandi.

Mamlakatlarda elektron chiqindilarni qayta ishlash sanoatini shakllantirish yo‘lidagi asosiy muammolardan biri chiqindilarni yig‘ish darajasining pastligidir. Bugungi kunga kelib, elektron chiqindilar bilan nazorat qilish tizimi Evropa Ittifoqi mamlakatlarida keng rivojlangan. Maqolada [5] elektron chiqindilarni boshqarishning xorijiy tajribasi qisqacha tahlil qilinadi. Hozirgi bosqichda Qozog‘iston Respublikasida elektron chiqindilarni utilizatsiya qilishni tartibga solish bo‘yicha ba‘zi ma‘lumotlar keltirilgan. Respublikada elektron chiqindilarni samarali qayta ishlash yo‘lidagi yutuqlar va muammolar.

Ushbu maqolada [6] “Dalprodukt” mas’uliyati cheklangan jamiyatining chiqindilarni qayta ishlash bo‘yicha sanoat faoliyati ko‘rib chiqiladi. Radioelektron qurilmalarni utilizatsiya qilish bilan bog‘liq asosiy muammolar aniqlandi. Zamonaviy ishlanmalarni tahlil qilish asosida elektron chiqindilarni utilizatsiya qilishning texnologik jarayonini takomillashtirish chora-tadbirlari taklif etildi.

Bu maqolada [7] Perm shahrida elektron chiqindilarni yig‘ish va yo‘q qilishni tashkil qilish sxemalari tavsiya etiladi, katod nurlari trubkasi (CRT) bilan kompyuter monitorining komponentlari misolida elektron chiqindilarni qayta ishlashning texnologik sxemasi taklif etiladi.

Hozirgi vaqtda Rossiyada ishlab chiqarilgan elektron chiqindilarning umumiy massasi yiliga 1,5 million tonnaga yaqinlashmoqda, shundan taxminan 5-7% qayta ishlanadi. Bu metallurgiya sanoatining yangi tarmog‘ini yaratish uchun Rossiyada ikkilamchi metallarning keng ko‘lamli ishlab chiqarishini yaratish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. [8] Magistrlik dissertatsiyasining maqsadi - elektron chiqindilar va chiqindilarni qayta ishlash samaradorligini baholash va tendentsiyalarni aniqlashning nazariy va uslubiy asoslarini ishlab chiqishdir. Manba sifatida o‘quv, uslubiy va ilmiy-tadqiqot adabiyotlari, muallifning empirik tadqiqotlari natijalari, korxonalar ma‘lumotlari ishlatilgan. Magistrlik dissertatsiyasida tendentsiyalar bilan bog‘liq holda elektron chiqindilar va chiqindilarni qayta ishlash yo‘nalishini tanlash uchun uslubiy yondashuv ishlab chiqilgan.

Elektron va elektr chiqindilarini ishlab chiqarish muammosi bugungi kunda eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Elektron soni va elektr jihozlari bozorda katta sur‘atlarda o‘sib bormoqda, ammo texnik taraqqiyot tufayli, ular tezda eskiradi. Natijada, butun dunyo bo‘ylab to‘planadi utilizatsiya qilinishi va qayta ishlanishi kerak

bo'lgan katta hajmdagi uskunalar ortadi. Hozirda [9] elektron va elektr jihozlarining tarkibi bir qator moddalarni o'z ichiga olishi atrof-muhitga va inson salomatligiga zarar etkazishi aniqlandi. Elektron va elektr chiqindilarni qayta ishlash texnologiyalari uchun innovatsion mezonlar bo'lishi mumkinligi iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy ta'sirlar nuqtai nazaridan baholandi. Elektronlarni utilizatsiya qilishni tartibga solish bo'yicha ba'zi ma'lumotlar hozirgi bosqichda Qozog'iston Respublikasida elektron chiqindilarni qayta ishlash yo'lidagi samarali yutuqlari o'rganildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Elektr texnika va elektron uskunalar chiqindilarini boshqarish sohasidagi qonuniy va me'yoriy huquqlarning tahlili.

Salnikova Anastasiya, Raslambekova Natalya [Kuban davlat universiteti, Krasnodar, Rossiya]

<http://econbull-icsras.ru/index.php/Test/article/view/79>

2. Rossiyada elektron lomlarni qayta ishlab chiqish holati tahlili.

M.A. Максимова

[file:///C:/Users/User/Downloads/analiz-sostoyaniya-pererabotki-elektronnogo-loma-v-rossii%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/analiz-sostoyaniya-pererabotki-elektronnogo-loma-v-rossii%20(1).pdf)

3. Elektron qurilmalardan rangli va qimmatbaho metallarni ajratib olish: Iqtisodiy ko'rsatkichlar.

L. S. Strijko, Yu. Yu. Kostyuxin, G. V. Krujkova, E. A. Ivanova .

<https://cvmet.misis.ru/jour/article/view/48>

4. Qimmatbaho metallar ikkilamchi metallurgiya korxonasida elektron brikalarga narx tashlash tizimini takomillashtirish..

G. V. Krujkova

<https://ecoprom.misis.ru/jour/article/view/66>

5. Elektron chiqindilarni ishlab chiqarish va foydalanishning zamonaviylik muammosi.

Jussupova D. Sailaubekova P.

<file:///C:/Users/User/Downloads/obrazovanie-i-utilizatsii-elektronnyh-othodov-kak-ekologicheskaya-problema-sovremennosti.pdf>

6. Elektron uskunalar chiqindilarini ajratib olish. (DALPRODUKT MCHJ misolida)

Kurgannikova N.V. , G. A. VOLOSNIKOVA

<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35023374>

7. Perm hududida maishiy elektron chiqindilarni boshqarish sxemasini ishlab chiqish.

KULIKOVA YULIA VLADIMIROVNA 1, BALABENKO NATALIA ALEKSANDROVNA 1

<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=15534215>

8. Elektron chiqindilar va chiqindilarni qayta ishlash samaradorligi va tendentsiyalarini baholash

Girfanov, R. D.

<https://elar.urfu.ru/handle/10995/97945>

9. Atrof-muhitni samarali ximoya yo‘li electron chiqindilarni qayta ishlab chiqishning hozirgi tendensiyalari.

Jusupova D.B.1, Sailaubekova P.N.2

https://elibrary.kaznu.kz/wp-content/uploads/2021/06/vestnik-kaznu.-seriya-ekologicheskaya_2018-55-2.pdf#page=4

XITOIY TILI QUYOSH ENERGIYASI TERMINLARINING TARJIMADA BERILISHI

Karimova X.A

ToshDJTU xitoy tili va nazariyasi kafedrası o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada muqobil energiya sohalaridan biri gelioenergetika terminlarining tarjimada berilishini ko'rib chiqamiz. Ma'lumki, muqobil energiya manbalaridan keng foydalanish har bir mamlakatning ustuvor maqsadlari hamda energetika havfsizligi vazifalariga muvofiq keladi va energetika sohasining jadal rivojlanayotgan yo'nalishlaridan hisoblanadi.

Kalit so'zlar: terminlar, terminlar tarjimasi, muqobil energiya terminlari, quyosh energiyasi terminlari.

TRANSLATION OF CHINESE SOLAR ENERGY TERMS

ABSTRACT

In this article, we will consider the translation of the terms of one of the alternative energy fields, solar energy. It is known that the widespread use of alternative energy sources is in accordance with the priority goals and tasks of energy security of each country and is one of the rapidly developing areas of the energy sector.

Key words: terms, translation of terms, alternative energy terms, solar energy terms.

Termin grekcha terminus so'zidan olingan bo'lib, chek-chegara degan ma'noni bildiradi. U fan-texnika, qishloq xo'jaligi, san'at va madaniyat sohasiga xos so'z hisoblanadi. Terminologiya - terminlar haqidagi ta'limot va terminlar majmui degan ma'nolarni anglatadi.[5]

Terminologiya deganda, umumadabiy tilning mustaqil funksional turi, ya'ni an'anaviy fan tili (fan, ilm yoki texnika tili) nazarda tutiladi. Fan tili umumadabiy tilning funksional sistemalaridan biri sifatida jonli so'zlashuv tili va badiiy adabiyot tili tushunchalari bilan bir qatorda turadi. [1]

Termin so'zi o'rnida ba'zan atama, istiloh so'zlarini ishlatish hollari uchray turadi. Ammo bu to'g'ri emas. Atama termin so'ziga nisbatan tor tashunchani ifodalaydi. Istiloh so'zi esa arabchadir. Uni xalq tushunmaydi va meyorga aylangan emas. Terminologiya masalalari hamisha tilshunoslikning dolzarb masalalaridan biri

bo‘lib kelgan. Chunki terminlarning sohalar lug‘aviy qatlamlaridagi o‘rni va vazifasini belgilash, tushunchaning mazmun-mohiyatini to‘g‘ri anglash imkonini beradi.

Terminalogiyaning o‘ziga xos xususiyatlari mavjud. Masalan, umumadabiy tilda sinonimiya, omonimiya va kup ma’nodlilik tilning boyligi bo‘lsa, Terminalogiyada bular salbiy hodisa hisoblanadi. Masalan, birgina tushunchani ifodalash uchun o‘zbek tilida yarimo‘tkazgich — chalo‘tkazgich — nimo‘tkazgich terminlari qo‘llanmoqda. Bu, o‘z navbatida, o‘qisho‘qitish va axborot almashish jarayonini qiyinlashtiradi. Shu sababli ham terminalogiyasi ma’lum darajada barqarorlashgan barcha tillarda terminlar doimiy tartibga solib turiladi. Tartibga solish ma’lum terminologik me‘yorlar asosida amalga oshiriladi. Terminalogiyaning rivojida fan sohalariga oid maxsus lug‘atlarni nashr qilib turish ham muhim ahamiyatga ega. [5]

Ushbu maqolada muqobil energiya sohalaridan biri gelioenergetika terminlarining tarjimada berilishini ko‘rib chiqamiz. Ma’lumki, muqobil energiya manbalaridan keng foydalanish har bir mamlakatning ustuvor maqsadlari hamda energetika havfsizligi vazifalariga muvofiq keladi va energetika sohasining jadal rivojlanayotgan yo‘nalishlaridan hisoblanadi.

Muqobil energiya manbalari bu gidroenergetika, shamol energiyasi, quyosh energiyasi, geotermal energiya, biomassa va suv oqimi energiyasidan foydalanish orqali olinadigan qayta tiklanadigan energiyadir.

Muqobil energiya manbalarining turlari:

1. Quyosh energiyasi 太阳能 tàiyángnéng
2. Shamol energiyasi 风能 fēngnéng
3. Suv energiyasi 水能 shuǐ néng
4. Geotermal energiya 地热能 dì rènéng
5. Bioenergiya 生物燃料 shēngwù ránliào
6. Oqim energiyasi 海流能 hǎiliú néng
7. Okean energiyasi 海洋能 hǎiyáng néng (to‘lqin energiyasi 潮汐能 cháoxī néng, harorat farqi energiyasi 温差能 wēnchā néng, tuzlar farqi energiyasi 盐差能 yán chà néng)

8. Biogaz resurslari 沼气资源 zhǎoqì zīyuán

Quyosh Yerdagi asosiy energiya manbayi hisoblanadi, chunki har yili sayyoramizga taxminan 173 PVt (yoki 173 million GVt) quyosh energiyasi tushadi, bu esa global energiyaga bo‘lgan ehtiyojdan 10 ming baravar ko‘proqdir. Uyingizda yoki ochiq joylarda fotovoltaiik modullar quyosh nurini kremniy yordamida elektr energiyasiga aylantiradi. Quyosh kollektorlari isitish va issiq suv ishlab chiqarish

uchun ham foydalaniladi. Quyosh panellari bulutli havoda va hatto qor yog‘ishida ham energiya ishlab chiqarishi mumkin. Eng katta samaradorlik uchun ular ma’lum bir burchak ostida o‘rnatilishi kerak – ekvatoridan qanchalik uzoqroq va panellarni o‘rnatish burchagi qanchalik katta ekani ahamiyatga ega. Xitoy o‘n yil ichida qayta tiklanadigan energiya uskunalari bo‘yicha yetakchi ishlab chiqaruvchiga aylandi. Avvalo, biz quyosh panellari haqida gapiramiz. Dunyodagi eng yaxshi 10 ta quyosh batareyasi ishlab chiqaruvchisidan yettitasi Xitoy kompaniyalaridir. Umuman olganda, texnologiyalarning rivojlanishi qayta tiklanadigan energiya manbalarining yangi ob‘yektlarini qurish xarajatlarini pasaytirdi. [2]

Quyida gelioenergetika terminlarining o‘zbek tilida tarjimada berilishini ko‘rib chiqamiz:

1. 标准太阳能电池 Biāozhǔn tàiyáng diànchí - standart quyosh batareyasi. U nurlanishni o‘lchash yoki standart quyosh spektrining nurlanishiga asoslangan quyosh simulyatori nurlanishining fotovoltaik qurilmasini sozlash uchun ishlatiladi.

2. 入射角 Rùshè jiǎo - tushish burchagi. Tushish burchagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri tushayotgan nur va qabul qiluvchi yuzaning orasidagi burchakdir.

3. 光伏反应 Guāngfú fǎnyìng - fotovoltaik reaksiya. Fotovoltaik reaksiya nurlanish energiyasini to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektr energiyasiga aylantiradi.

4. 转换效率 Zhuǎnhuàn xiàolǜ - konversiya samaradorligi. Konversiya samaradorligi - bu ishlab chiqarilgan maksimal elektr quvvatining belgilangan sinov sharoitida o‘lchangan nurlanish mahsulotiga va generatorning maydoniga nisbati.

5. 光谱响应 Guāngpǔ xiǎngyìng - spektral reaksiya. Spektral reaksiya - muayyan to‘lqin uzunligida birlik nurlanishi natijasida hosil bo‘lgan qisqa tutashuvli oqim zichligi to‘lqin uzunligi funksiyasi sifatida ifodalanadi.

6. 辐照度 Fú zhào dù – radioaktivlik. Nurlanish - birlik yuzasiga tushadigan nurlanish kuchi (Vt/sm^2)

7. 组件 (太阳能电池组件) Zǔjiàn (tàiyáng diànchí zǔjiàn) - Modullar (Quyosh batareyasi modullari). Quyosh batareyasi moduli faqat to‘g‘ridan-to‘g‘ri oqim chiqishini ta’minlaydigan qadoqlash va ichki ulanishga ega bo‘lgan eng kichik bo‘linmaydigan quyosh batareyasi kombinatsiyasi qurilmasiga ishora qiladi.

8. 辐射 Fúshè – radiatsiya. Bu energiyani elektromagnit to‘lqinlar yoki zarrachalar (fotonlar) shaklida tarqatish jarayoni.

9. 辐射光谱 Fúshè guāngpǔ - radiatsiya spektri. Bu nurlanish energiyasining monoxromatik komponentlarga parchalanishida energiya taqsimoti.

10. 直流/交流电压变换器 (逆变器) Zhíliú/jiāoliú diànyā biànhuàn qì (nì biàn qì) - DC/AC kuchlanish konvertori (inverter). DC / AC konvertori (inverter) to'g'ridan-to'g'ri oqimni o'zgaruvchan tokga aylantiradigan qurilmaga ishora qiladi.

11. 大气质量 Dàqì zhí liàng - havo massasi. Bu quyosh nurlari orqali o'tadigan havo massasidir.

12. 暗电流 Àn diànliú - qorong'u oqim. Yorug'lik intensivligi sharoitida qorong'u oqim akkumulyator ichidagi fototokning yo'nalishiga qarama-qarshi bo'lgan musbat ulanish oqimidan hosil bo'ladi.

13. 光 生 电 流 (光 电 流) Guāngshēng diànliú (guāng diànliú) - Fotogeneratsiyalangan oqim (fototok). Bu quyosh xujayrasi yoritilganda foto-hosil qilingan tashuvchilarning harakati natijasida hosil bo'lgan oqim.

14. 光生电压 Guāngshēng – Fotovoltaik. Fotovoltaik quyosh hujayrasi yorug'lik energiyasini o'zlashtirgandan so'ng, mos ravishda hujayraning o'rnatilgan elektr maydonining har ikki tomonida teshiklar va elektronlar to'planishi natijasida hosil bo'lgan kuchlanish.

15. 太阳能电池的伏安特性曲线 Tàiyáng diànchí de fú ān tèxìng qǔ xiàn - Quyosh batareyasining volt-amper xarakterli egri chizig'i. Quyosh batareyasining volt-amper xarakterli egri chizig'i - bu yorug'lik intensivligiga duchor bo'lgan quyosh batareyasi uchun ma'lum bir nurlanish va harorat va turli xil tashqi kontaktlarning zanglashiga olib keladigan yuklari ostida yukga tushadigan I oqim va batareyaning har ikki uchidagi kuchlanish V o'rtasidagi bog'liqlik. [3]

Tadqiqot davomida rus tilida quyosh energiyasiga oid 48ta termin topildi [6]. Xitoy tilida esa quyosh energiyasiga oid 53 ta termin ko'rib chiqildi [4].

Terminlarning yildan yilga o'zgarishi va yangi terminlarning paydo bo'lishi fan va texnika taraqqiyoti bilan uzviy bog'liqdir. Tabiiy holda fan-texnika taraqqiyoti keng miqyosda yoyilayotganligi bois turli soha mutaxassislarining shu soha yutuqlaridan keng foydalanishi sababli terminlarga bo'lgan e'tibor ortmoqda va yangi terminlar paydo bo'lmoqda. Terminalogik nuqtai nazardan qaraydigan bo'lsak ham boshqa sohalarga nisbatan fan-texnikaga doir terminlar ko'p va keng miqyosda foydalaniladi. [2]

Boshqa xorijiy tillardagi turli sohalarga doir ilmiy matnlarni ya'ni terminlari mavjud bo'lgan matnlarni o'zbek tiliga tarjima qilish jarayonida yoki aksincha bo'lganda turli xil muommolar paydo bo'ladi. Ilk muommo va ayni paytda katta masalalardan biri qaysi tildan tarjima qilayotgan bo'lsangiz o'sha matndagi terminning ma'nosiga mos termini narigi tildan tarjima qilishda topib bo'lmay qoladi. Bu katta

qiyinchilik tugʻdiradi. Bundan avval kichik bir masalaga toʻxtalib oʻtsam, oʻzbek tiliga boshqa tillardan (mn:ingliz tili) ilmiy ishlar tarjima qilinayotganda duch kelinayotgan terminlarni tarjima qilish uchun oʻzbek tilida yaratilgan sohaviy terminlarga oid qoʻllanmalar mavjud emas, boʻlsa ham toʻliq emas, bu esa tarjimon va til oʻrganuvchilari uchun terminlarni tarjima qilishda katta muommolarga sabab boʻladi. Oʻylashimcha, yuqoridagi masalalar orqali bu uchinchi muommo paydo boʻlmoqda, bu muommo shuki, oʻzga tildan termin tarjima qilinayotganda bizning tilimizda oʻsha soʻzga mosi topilmagandan soʻng oʻsha chet soʻzni oʻz holicha (kalka) qabul qilishmoqda va oʻsha soʻzni tarjimasi orqali bizni tilda koʻradigan boʻlsak notoʻgʻri maʼno bermoqda. Bu ham katta xato deb aytolamiz. Hozircha terminlarga oid bu masalalar yechilganicha yoʻq ammo, shunday muommolar mavjud ekan izlanish, oʻrganish va bu masalalarni hal qilishga harakat qilish lozim.

Xulosa oʻrnida aytish mumkinki, fan-texnika va barcha sohalar rivojlanar ekan terminlar ham koʻpayadi va yangi terminlar vujudga keladi. Bu albatta yaxshi, ammo terminlarni vaqti - vaqti bilan saralab, tartiblab borish lozim. Shu bilan birga biz terminlar tarjimasi jarayonida vujudga kelayotgan muommolarni bartaraf etish uchun doimo oʻrganish va harakatda boʻlishimiz lozim. Shundagina terminologiya rivojiga oz boʻlsa ham, oʻz xissamizni qoʻshgan boʻlamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI

1. Даниленко В.П. Лексико-семантические и грамматические особенности слов-терминов. Исследования по русской терминологии. М.1977.– С.8-12
2. Geldiyeva X. Abjalova M.//Terminlarni tarjima qilish masalalari// “KOMPYUTER LINGVISTIKASI: MUAMMOLAR, YECHIM, ISTIQBOLLAR” Respublika I ilmiy-texnikaviy konferensiya// №. 01 (2021)
3. <https://xabardor.uz/uz/post/muqobil-energiya-manbalari-nima-va-ularning-kelajagi-bormi>
4. https://solar.ofweek.com/2013-08/ART-260008-11001-28716340_2.html
5. <https://fayllar.org/mavzu-terminlarning-yasalishi-va-terminologik-lugatlar.html?page=4>
6. <http://www.solbat.su/enciklopediya/glossary/>

ANDIJON VILOYATIDA QISHLOQ XO‘JALIGI SALOHIYATI HAMDA AGROTURIZM IMKONIYATLARI TAHLILI

Nurmatova Inobatxon Avazbek qizi
Andijon Davlat Universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada Andijon viloyatida qishloq xo‘jaligini rivojlantirish bo‘yicha olib borilayotgan ishlar tahlil qilingan, hamda, agroturizm salohiyati va imkoniyatlari yoritilgan. Mamlakatimizda ishlab chiqilgan qonun - vaqarorlarga asosan kamchiliklar ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: *Qishloq xo‘jaligi, agroturizm, klaster, intensiv bog‘, infratuzilma.*

АБСТРАКТ

В данной статье проанализирована работа, проводимая по развитию сельского хозяйства Андижанской области, выделены потенциал и возможности агротуризма. Закон, разработанный в нашей стране, рассмотрен с учетом его недостатков.

Ключевые слова: *Сельское хозяйство, агротуризм, кластер, интенсивный сад, инфраструктура.*

ABSTRACT

In this article, the work carried out on the development of agriculture in Andijan region is analyzed, and the potensial and opportunities of agrotourism are highlighted. Based on the laws and regulations developed in our country, shortcomings were considered.

Key words: *Agriculture, agrotourism, cluster, intensive garden, infrastructure.*

KIRISH

O‘zbekiston dehqonchilikning eng qadimiy o‘choqlaridan biridir Bundan bir necha ming yil avval g‘alla ekinlari, qovun, tok va boshqa mevalar hamda o‘simliklar yetishtirilgan Ular hozirgi kungacha dunyo bozorlarida mazasi va sifati bilan ajralib turadi. Qishloq xo‘jaligi rekreatsiya imkoniyatlarini turli xil yo‘nalishdagi yangi qirralarni tadbiiq etish hamda tashkil qilish sayyohlarni yil davomida qabul qilish imkonini beradi. Qishloq xo‘jaligi sohalarining mavjud boy imkoniyatlaridan to‘liq foydalanish, ayniqsa uni agroturizm orqali rivojlantirish va qishloq aholisining farovonligini oshirish bizning asosiy maqsadlarimizdanb biri hisoblanadi.

Tadqiqot metodologiyasi.

solutions. Further, smart home devices often run small operating systems such as INTEGRITY, Contiki, FreeRTOS, and VxWorks, whose security solutions are not as robust as those of Windows or Linux-based systems. Most commonly available devices, once deployed, cannot be upgraded to update the security capability against the evolving cyber-attacks.

Common smart home device attacks

Attacks on smart home devices are performed in a range of methods depending on the device and communication protocol. Common attacks methods include:

- **Data Breach and Identity theft:**

Insecure IoT devices generate data and provide cyber attackers with ample space to target personal information. This could potentially end up in identity theft and fraudulent transactions.

- **Device hijacking and Spoofing:**

The smart devices can be hijacked, rendering the control to attackers' hands. The attackers manipulate the device, spoof the communication between two ends, and can assume control over the other devices, even the whole network.

- **Distributed Denial of Service (DDoS):** The device or network resource goes unavailable to its intended users by temporarily or indefinitely disrupting the services.

- **Plashing:** Such attacks brutally damage the device to the extent that it needs replacement.

Securing smart homes devices after purchase

While some devices have embedded security properties, for smart home devices to be resilient to attack, their owners must abide by some basic protection measures.

- **Strong passwords:** Ensure routers and all devices have strong passwords. Retained default passwords are a common access point for hacks.

- **Guest Networks:** Use the guest network to set up smart home devices when possible. This can help separate the devices from the valuable information stored on laptops or phones. Even if cyber-criminals hack one of the IoT devices, they will not be able to penetrate the main network and compromise the computers and smartphones connected to it.^[3]

- **Two-factor authentication:** Enabling two-factor authentication, where a device requires an additional verification via a mobile or authenticator app, significantly reduces the ability of hackers to manipulate devices.

- **Update Firmware:** While many devices will provide automatic updates, manually checking and updating the firmware of routers and IoT devices ensures the latest security protocols are active.
- **Avoid Cloud, use local storage:** Use local storage instead of the cloud to minimize the risk of the data being attacked while being fetched to the cloud.
- **Highest Level Encryption:** Use the highest-level encryption (WPA3) on the router to ensure secure communication.
- **Firewalls:** Using firewalls is one of the famous ways to secure smart home devices. A firewall enables the user to see potential attacks and manage the security level of individual connected devices. Firewalls send notifications to the host when any abnormality in the network or devices is detected.

Role of IoT device developers:

The responsibility of IoT devices' security lies mostly on the IoT device developers. They must take the necessary measures to make devices safe. Some potential measures could be:

- **Incorporating Edge Computing:** Process the data collected from the devices at the edges close to the data sources. The data does not travel through the weak networks to the remote servers, so the risk of breaching is reduced.
- **Designing Over-The-Air Update Capabilities:** Manufacture the devices with efficient Over-The-Air (OTA) update capabilities. Many consumers have their devices in remote locations and so update them irregularly. The developers must incorporate a robust OTA update strategy that can execute efficiently and regularly.

Conclusion

Devices connected to the internet are inherently vulnerable to attack. As smart home devices increase in functionality and are more widely installed in homes, understanding personal data security risks and how to mitigate them is critical. IoT engineers must also take responsibility for ensuring smart homes of the future have security built-in as a core feature and not an add-on.

REFERENCES

1. [Online]. Available from: <https://www.statista.com/forecasts/887613/number-of-smart-homes-in-the-smart-home-market-in-the-world>.
2. Laughlin A. *which.co.uk*. [Online].; 2021. Available from: <https://www.which.co.uk/news/2021/07/how-the-smart-home-could-be-at-risk-from-hackers/>.
3. Qodirov, F. E., O. D. Doniyorov, and H. Shokirov Sh. "Basic concepts of information security in information systems. Wide threats and their consequences." *концепции устойчивого развития науки в современных условиях* (2021): 153-155.
4. Qodirov F. E., Akbarova D. A., Shokirov S. H. *Software for working with computer graphics and their tasks. Application of digital image processing fields //Инновации в технологиях и образовании: сб. ст. участников XIV Меж. – С. 57.*
5. Шокиров, Ш. Х., and Ш. Т. Турамурадов. "преимущества и эффективность использования искусственного интеллекта в социально-экономической сфере." *international conferences. Vol. 1. No. 5. 2022.*
6. Shokirov, Sh H., Sh B. Nusratova, and Y. Q. Shoniyofova. "advantages of neural networks." *концепции и модели устойчивого инновационного развития* (2020): 56.
7. Рустамов М. А., Шокиров Ш. Х., Шониёзова Ю. Қ. *Развитие компьютерных языков и программистов //теоретические и практические основы научного прогресса в современном обществе. – 2020. – С. 14-18.*

КУМУШКОН СЕРПЕНТИНИНИНГ КАТТА ҚУЁШ ПЕЧИГА АСОСЛАНГАН ТАДҚИҚОТЛАРИ

А.И.Мустафоев, М.О.Мустафоева, * Б.Г. Кодиров, * М.У.Джалилов
Джизакский филиал Национального университета Узбекистана имени Мирзо
Улугбека. *Самаркандский государственный медицинский университет.
mustafoyevakmal@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о свойствах плавящихся на большой солнечной печи материалов на основе керамического серпентина месторождения, Кумушкан Ташкентской области. А именно происхождение серпентина, области применения, химический состав, микроструктура. Приведены также несколько примеров оптимизации процесса производства импортозамещающей керамики на основе местного сырья. Описаны процессы изготовления керамических плит для использования в производстве ювелирных камней и фарфоровых изделий. Показаны особенности серпентиновых ювелирных камней и их отличительные от других черты. Показаны возможности повышения температуры плавления, понижения теплопроводности и огнеупорности серпентина. Приведены примеры конкретного использования плавящихся на большой солнечной печи керамического серпентина в качестве сырья для изготовления ювелирных камней. Обоснованы технико-экономические показатели организации производства изделий на основе плавящегося на большой солнечной печи серпентина.

Ключевые слова: Серпентин, редкий металл, керамический плита, большой солнечный печ.

ANNOTATSIIYA

Ушбу мақолада Тошкент вилояти Кумушкон тоғларидан топилган керамик серпентинни катта қуёш печида эритилган материалларининг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Яъни, серпентиннинг келиб чиқиши, миқёси, кимёвий таркиби, микро тuzилиши келтирилган. Маҳаллий хом-ашё асосида импорт ўрнини босадиган керамикаларни ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришга бир нечта мисоллар келтирилган. Заргарлик тошлари ва чинни буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун керамик плиталарни тайёрлаш жараёнлари тасвирланган. Серпентин заргарлик тошларининг

хусусиятлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Эриш хароратини ошириш, серпентиннинг иссиқлик ўтказувчанлигини пасайтириш ва оловга чидамлилигини ошириш имкониятлари кўрсатилган. Заргарлик тошларини ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида катта қуёш печида эритилган керамика серпентиндан ўзига хос фойдаланиш мисоллари келтирилган. Катта қуёш печида эритилган серпентин асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташиқил этишининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосли.

Калит сўзлар: Серпентин, нодир металл, керамик плита, катта қуёш печи.

ANNOTATION

This article provides information on the properties of materials fused on a large solar furnace based on ceramic serpentine deposits, Kumushkan, Tashkent region. Namely, the origin of the serpentine, the scope, chemical composition, microstructure. Several examples of optimization of the production process of import-substituting ceramics based on local raw materials are also given. The processes of manufacturing ceramic plates for use in the manufacture of jewelry stones and porcelain are described. The features of serpentine jewelry stones and their distinctive features are shown. The possibilities of increasing the melting temperature, lowering the thermal conductivity and fire resistance of serpentine are shown. Examples of the specific use of ceramic serpentine melted on a large solar furnace as a raw material for the manufacture of jewelry stones are given. The technical and economic indicators of the organization of production of products based on fused serpentine on a large solar furnace are substantiated.

Key words: Serpentine, rare metal, ceramic plate, large sunflower.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан керамик плиталарнинг гетеро тузилмаларда кечадиган турли жараёнларни ва спекрал характеристикаларини бошқариш имкониятларини аниқлаш амалиётга тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш алоҳида эътиборга сазовор. Бу борада ҳар хил спекрал диапазонга мўлжалланган гетеротузилмали керамик тошларнинг функционал характеристикаларини оптималлаштириш орқали уларнинг самандорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Радиация ва ультра товуш таъсири

орқали сирқиш ташқи таъсир жараёнида керамик тошларнинг ички қисмидаги таъсирни камайтириш усуллари ишлаб чиқилди. Шу жихатдан серпентин асосидаги гетеро тузилмали керамик плиталарнинг спектрал характеристикалари шаклланишини, динамик ва статик характеристикаларини изоҳлайдиган жараёнларни аниқлаш, техник параметрларининг самарадорлигини ошириш ҳамда уларни яратишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожланиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-№2772-сонли “2017-2021 йилларда электроника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-№2789-сонли “Фанлар академиясининг фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва уни аккумуляциялаш масалаларига Республикамиз олимларидан Абдурахманов А., Авезов Р.Р., Авезова Н.Р., Аллаев К.Р., Гловацкий О.Я., Захидов Р.А., Клычев Ш.И., Мўминов Р.А., Мухаммадиев М.М., Таджиев У.А., Турсунов М.Н., чет эл олимларидан Телесов М.С., Ветров А.В., Джаспер С., Галанин С.И., Трошина О.А., Самойлова М.С., Пастор Ж.А., Ахметшин Э.А., Чередниченко А.Г., Власов И.И., Гутов Л.А., Кондаков Е.Н., Лифшиц В.Б., Никитин М.К., Обухова И.Б., Селиванкин С.А. ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган. Юқорида келтирилган олимлар ишларида қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланиш ҳамда уни аккумуляциялашнинг техник ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, таҳлили, жумладан заргарлик тошларини тайёрлашдаги энергетик тизимдаги вазифаси, уларнинг қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар билан ишлашини асослаш масалалари кўриб чиқилган. Керамик плиталарни табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари, иссиқликка чидамли керамик плиталарни тайёрлаш иш режимида энергетик сарфларни камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга мўлжалланган техник, технологик ва функционал схемаларини ишлаб чиқиш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг табиий ресурслар билан интеграцияси жараёнида унинг параметрларини аниқлаш ва асослаш услубларини такомиллаштириш масалалари ҳам ўрганилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Маҳаллий хом-ашёларга асосланган иссиқликка чидамли керамик плиталарни тайёрлаш тизимларида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш ва уни а иш режими параметрларини аниқлашнинг аналитик усуллари, тизимларнинг иш режимларини оптималлаштириш ва жараёни бошқариш усуллари; тажрибаларни ўтказиш ва уларнинг натижалари устида ишлаш, лойиҳани молиявий – иқтисодий баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чинни буюм тайёрлаш плитаситошларини импорт йўли билан келтирилган ҳолати билан катта Қуёш қурилмасида маҳаллий хом-ашёларга асосланиб тайёрланган керамик плиталарни таннархи сифат даражасини ҳисобга олиш тартиби билан фарқ қиладиган ва қуёш электр станцияларининг параметрларини ҳисоблаш ва асослаш услуги такомиллаштирилган;

Қайта тикланадиган энергия ресурсларидан оқилона эҳтиёжга кўра фойдаланишни таъминлайдиган иссиқликка чидамли керамик плиталарни ишлаб чиқариш технологик жараёнини бошқаришнинг янги тизими ишлаб чиқилган;

Маҳаллий хом-ашёларга асосланган керамик плиталарни катта қуёш қурилмасида тайёрлашнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган ва мазкур конструкциянинг тажрибавий тадқиқотлари асосида чинни буюм тайёрлаш плитаси тайёрланишидаги иш режимида электр энергияси сарфини камайтириш имконияти асосланган;



Илк бор серпентин керамик материалдан катта қуёш қурилмаси асосида чинни буюм тайёрлаш плитаси тайёрланиши аниқланган;

Қуёш қурилмаларида керамик плиталарни тайёрлашда жараёнида харажатлар сарфи камайтирилиш параметрларини оптималлаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

Кичик қувватли қуёш қурилмаларининг энергиясидан самарали фойдаланиб керамик плиталарга ишлов бериш имконини берадиган янги техник ечимлар ишлаб чиқилган;

Кумушкон серпентинидан катта қуёш печига асосланиб қуйдаги юқори ҳароратга чидамли оловбардош керамик плита ишлаб чиқилди.

Серпентин ва унинг таркибидаги материалларни характерловчи ҳолатлар.

№	Материалнинг номи	Материалнинг таркиби	Материалнинг эриш температураси °C	Материалнинг термал айланишлар сони №	Материалнинг таннарихи 1кг (сўм)	Материалнинг тайёрлашда энергия сарфи (кВт)
1	2	3	4	5	6	7
1	Серпентин	$3\text{MgO} \cdot 2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	650	350	1000	2,5
2	Серпентин +60% MgO	$3\text{MgO}_2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O} + 3\text{MgO}_2\text{SiO}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O} + \text{MgO}$	2000	400	1500	3
						
Табий Кумушкон серпентинидан тайёрланган плита			Катта қуёш қурилмасига асосланиб киришмалар киритиш ҳолатидан кейинги тайёрланган плита			

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Kamanov BM M. M. A. Mustafоеv AI localization of imported ceramic tiles //Journal of Irrigation and melioration. – 2020. – T. 3. – C. 28-32. -

2. Мустафоев А. И. и др. Влияние нагрева на фазовые превращения в геомодификаторе трения на основе слоистого серпентина //AGRO ILM» журналы. – T. 4. – C. 97-99.

3. Каримов А. А., Мустафоев А. И. Технология керамики для материалов электронной промышленности: монография //Тошкент: Типография ТИИИМСХ. – 2020.

4. Каманов Б. М., Маматкосимов М. А., Мустафоев А. И. Юқори хароратга чидамли оловбардош плитани ишлаб чиқариши //Irrigatsiya va melioratsiya" jumali. – 2019. – T. 4. – C. 18.

5. Sapaev J. et al. Development of automated water detection device //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – T. 2432. – №. 1. – C. 020018.

6. Suvanov L. et al. Study of the technological possibilities of the large sole furnace in localization of imported electric heaters //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – T. 2432. – №. 1. – C. 020017.

7. Мустафоев А. Юқори иссиқликка чидамли керамик плиталар учун оловбардош материаллар //Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 380-382.

8. Мустафоев А. Маҳаллий хом-ашёларга асосланган юқори иссиқликка чидамли керамик плиталар //Zamonaviy innovatsion tadqiqotlarning dolzarb muammolari va rivojlanish tendensiyalari: yechimlar va istiqbollar. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 378-380.

9. Isaqulovich M. A. *QUYOSH QURILMASIDA QAYTA ISHLANGAN MAHALLIY XOM-ASHYOLAR ASOSIDA TAYYORLANGAN KERAMIK PLITANING TEXNIK-IQTISODIY KO'RSATKICHLARI* //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 404-406.

10. Isaqulovich M. A. *RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA 17000C HARORATDA ISHLAYDIGAN TERMOSTATLANGAN ELEKTR PECHINI ISHLAB CHIQRISH* //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 389-391.

11. Mustafоеv A. *MANUFACTURE OF HIGH-TEMPERATURE ELECTRIC HEATERS BASED ON THE SOLAR ENERGY* //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2022. – Т. 6. – №. 6. – С. 269-286.

12. Мустафоев А. И. и др. *ИЗГОТОВЛЕНИЕ ЭЛЕКТРОНАГРЕВАТЕЛЕЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ БОЛЬШОЙ СОЛНЕЧНОЙ ПЕЧИ* //SCHOLAR. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 167-171.

13. Abduganiyev A., Mustafoyeva M. *Educational resources based on virtual reality* //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 2035-2042.

14. Мустафоева М. *Talabalarni individual ta 'lim trayektoriyasi orqali oqitishning samaradorligi* //Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 88-90.

15. Мустафоева М. *Individual ta 'lim trayektoriyasi-talabaning ta 'lim sohasidagi shaxsiy imkoniyatlarini amalga oshirishning individual yonalishi* //Современные инновационные исследования актуальные проблемы и развитие тенденции: решения и перспективы. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 87-88.

16. Oltinbekovna M. M. *PSYCHOLOGICAL APPROACH TO TEACHING A FUTURE PHYSICS TEACHER* //Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 86-92.

17. Sapaev J. et al. *Development of automated water detection device* //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 020018.

18. Suvanova L. S. et al. *Studying the technological possibilities of the large sun face in the localization of imported jewelry stones* //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2022. – Т. 2432. – №. 1. – С. 020016.

19. Муратов И. М. и др. *СУПЕРОКСИДНЫЙ КАТАЛИЗ МЕТАЛЛОКОМПЛЕКСАМИ ПОРФИРИНОВ И ФТАЛОЦИАНИНОВ* //Universum: химия и биология. – 2022. – №. 6-2 (96). – С. 41-44.

20. Мукумов И. У. и др. *Распространение рода Шренкия во флоре Узбекистана* //Вестник современных исследований. – 2019. – №. 5.2. – С. 25-27.

YER OSTIDAN O'TGAN PO'LAT GAZ QUVURLARIGA TUPROQ MUHITINING TA'SIRI

Sattarkulov Lazizbek Abror o'g'li

Toshkent davlat texnika universiteti 3-bosqich talabasi

Egamberdiyev Elmurod Abduqodirovich

Toshkent davlat texnika universiteti Texnika fanlari falsafa doktori PhD

Karimov Shavkat Abduvositovich

Toshkent davlat texnika universiteti Texnika fanlari falsafa doktori PhD

Jumanazarov Oybek Xurram o'g'li

Toshkent davlat texnika universiteti 3-bosqich talabasi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada tuproq muhitida po'lat quvurlari korroziyaga ta'siri o'rganiladi. Maqolada gaz quvurlari korroziyasi elektrokimyoviy usullar bilan o'rganiladi. Quvur namunalari ma'lum vaqt davomida tuproq elektrolitida sinovdan o'tkaziladi. Korroziyasiz va korroziyali quvur sirtlari taqqoslanadi. Korroziya qatlami bo'lgan namunaning yemirilish darajasi korroziya qatlamisiz namunaga nisbatan pastroq qiymatni aks etadi.

Kalit so'zlar: korroziya, po'lat quvurlar, elektrokimyoviy jarayonlar, potensial va potntiodinamik qarshilik.


ANNOTATION

This article investigates the effect of corrosion of steel pipes in the soil environment. The article investigates the corrosion of gas pipelines by electrochemical methods. Samples of pipes are tested in soil electrolyte for a certain period of time. Non-aggressive and corrosive-active pipe surfaces are compared. The decay rate of a sample with a corrosion layer shows a lower value compared to a sample without a corrosion layer.

Key words: corrosion, steel pipes, electrochemical processes, potential and potentiodynamic resistance.

Gaz va neft quvurlar chunon yer osti metall konstruktsiyalari tabiiy gaz va xom neftni dunyo bo'ylab uzoq masofalarga tashiydigan yuqori darajada

integratsiyalashgan tarqatish tarmog'ini ifodalaydi. Gaz sanoatida eng ko'p ishlatiladigan material arzonligi, mexanik xususiyatlari va qulayligi tufayli karbonli po'lat keng miqiyosda foydalaniladi. Ushbu quvurlar korroziya hujumiga olib kelishi mumkin bo'lgan turli xil ekologik agressiv sharoitlarda (tuproq, yer osti suvlari, dengiz suvlari) ham ishlatiladi. Korroziya - bu mikro yoki makro miqiyosda elektr toklari oqimini o'z ichiga olgan elektrokimyoviy jarayon. Po'latni korroziya qilish uchun anodik va katod reaksiyalari elektrokimyoviy zarra hosil qiladi. Anod tenglamasi (1) va katod elektrokimyoviy reaksiya tenglamasi (2) bilan bir vaqtning o'zida sodir bo'lishi kerak. Korroziya jarayoni (3) va (4) tenglamalarga muvofiq neytral muhitda sodir bo'ladi, (5) tenglamaga muvofiq kislorod konsentratsiyasi yuqori bo'lgan muhitda va (6) tenglamaga muvofiq kislorod konsentratsiyasi pastroq bo'lgan muhitda ushbu jarayon kechadi [1].



Quvurlarning korroziyasi gaz sanoatining eng muhim muammolaridan biri bo'lib, ular bir qator omillarga bog'liq: tuproq turlari, tuproqdagi namlik, tuproqning qarshiligi, aeratsiya darajasi, oksidlanish-qaytarilish potentsiali, bakterial faollik va xloridlar, sulfatlar, HCO_3^- va kislorod konsentratsiyasi va boshqalar. Tuproqda sulfatlar va xloridlarning mavjudligi po'lat quvurlari uchun korroziyaviy muhit hisoblanadi. Tuproqdagi xlorid va sulfat konsentratsiyasi mos ravishda 100 mg.L^{-1} va 200 mg.L^{-1} dan past bo'lsa, tuproq muhiti biroz agressiv deb baholanadi. Boshqa tomondan, sulfat konsentratsiyasi 200 mg.L^{-1} dan yuqori bo'lsa, tabiiy gaz quvurlari uchun katta korroziya xavfi mavjud bo'ladi. Quvurlarning mikrobiologik korroziyasi tuproq muhitida ham keng tarqalgan. Bir xil turdagi bakterial shtammlar quvurning tashqi va ichki yuzasiga zarar etkazishi va cho'kindi sifatida kuzatilishi mumkin bo'lgan korroziya mahsulotlarini hosil qilishi mumkin. Quvurlarning korroziyaga qarshi degradatsiyasi uchun mas'ul bo'lgan mikroorganizmlarning eng katta guruhi sulfat kamaytiruvchi bakteriyalardir. Po'lat quvurlarning korroziyaga chidamliligini to'rt sinfga bo'lish mumkin [2]. Bular jadvalda ko'rsatilgan (1-jadval).

Korroziya darajasi (mm/yil)	Korroziyaga qarshilik
< 0,05	Juda yaxshi
0,05 – 0,1	Yaxshi
0,1 – 0,5	O'rtacha
> 0,5	Yomon

(1-jadval)

Quvurlarning tashqi yuzasi korroziyasi quvurlarida korroziyaning 80 foizdan ko'prog'iga sabab bo'ladi. Shuning uchun tashqi quvur liniyasi sirtini himoya qilish zarurati mavjud. Korroziyani nazorat qilish tabiiy gaz quvurlari ishining iqtisodiyoti, xavfsizligi va atrof-muhit muhofazasiga katta ta'sir ko'rsatishi mumkin. Passiv himoya - bu tashqi sirt korroziyasiga qarshi profilaktik o'lchovlar to'plami. Passiv himoyaning maqsadi metall konstruksiyasini elektrokimyoviy korroziyadan himoya qilish va faol himoyani qo'llab-quvvatlashdir. 3 qatlamli polietilen, termoyadroviy bog'langan epoksi, poliuretan va bitum qoplamalari quvurlarning eng ko'p ishlatiladigan passiv himoya tizimidir. Biroq, passiv himoya ko'pincha faol himoya bilan birgalikda qo'llaniladi [3].

Po'lat quvurining kimyoviy tarkibi jadvalda keltirilgan (2-jadval). Po'latning EN 10028/2-92 markali va ma'lum o'lchamdagi eksperimental namunalar uchun korroziya muhitini taqdim etgan tuproq elektrolitida ta'sirlantirildi. Korroziya sinovlaridan so'ng namunalar yuzasini makroskopik tahlil qilish makroskop yordamida amalga oshirildi. Silliqlashdan keyin sirt namunalari (korroziya mahsulotlari bo'lmagan sirt) va korroziya qatlami bo'lgan sirt namunalari sinovdan o'tkazildi.

Material	C	Mn	Si	P	S	Fe
Po'lat	0,18	1,05	0,26	0,02	0,02	98,47

(2-jadval)

Korroziya potentsiali namunalar tuproq elektrolitiga ta'sir qilish paytida to'yingan kalomel elektrodiga nisbatan o'rnatildi, maxsus voltmetrdan foydalangan holda. Korroziya sinovlari uchun tuproq muhitining xususiyatlari ko'rsatildi [4].

(3-jadval)

Po'lat	pH	T(°C)	EC (µS)
Protektor himoyasiz	8,5	21,7	136
Korroziya qatlami bilan	8,4	22,1	234

(3-jadval)

O'lchov davomida namunalar asta-sekin tashqi manbadan to'g'ridan-to'g'ri oqim bilan - 900 dan + 900 mV gacha bo'lgan oraliqda 5 mV.s⁻¹ potentsial tezlik o'zgarishida polarizatsiya qilinadi. Chiziqli polarizatsiya Voltalab yordamida

o'lanadi. O'lchash davomida sinovdan o'tgan namunadan iborat uchta elektrodli moslama, mos yozuvlar to'yingan kalomel elektrodi va yordamchi P_t elektrodidan foydalanildi. Korroziya potentsialining natijalari, oqim zichligi polarizatsiya qarshiligi o'lchovi maxsus dasturlar yordamida baholanadi. Korroziya tezligi polarizatsiya egri chizig'idan ekstrapolyatsiya orqali baholanadi. Qarshiligi R_p korroziya potentsiali 20 mV sohasida o'lchandi. Korroziya sinovlari po'lat namunalari tayyorlangan korroziya elektrolitiga xona haroratida ma'lum vaqt davomida botirish orqali amalga oshirildi. Eksperimental elektrolitga botirilgan po'lat namunalarning korroziya tezligi quyidagi tenglama bo'yicha aniqlandi (7) [5]:

$$KT = ((j_{kor} \times M) / (\rho_{Fe} \times Z)) \times 3270 \quad (7)$$

bu yerda:

KT (mm.yil⁻¹) – korroziya tezligi

j_{kor} (A/sm²) – korroziya oqimining zichligi

M (g/mol) – metal atom og'irligi

ρ_{Fe} (g/sm³) – metal zichligi

Z – eriydigan metalning elektronlar soni.

Xulosa qilib aytganda tuproqdagi quvurlarning korroziyali degradatsiyasi elektrokimyoviy xususiyatga ega edi. Shuning uchun korroziya jarayonlarining shartlarini simulyatsiya qilish va korroziya qatlamlari bo'lgan va bo'lmagan po'lat materiallarning harakatini aniqlash muhimdir. Maxsus o'lchovlarining korroziya sinovlari, shuningdek, E_{kor} , i_{kor} va R_p korroziyaning asosiy xususiyatlariga asoslanib, shunday xulosaga kelish mumkin:

- qisqa ta'sir qilish vaqtidan keyin himoyasiz namunalarda sezilarli o'zgarishlar kuzatildi; korroziya mahsulotlari bo'lgan namunalarda ko'rinadigan o'zgarishlar kuzatilmagan,
- korroziya potentsiali po'lat yuzasida korroziya qatlamining shakllanishiga mos keladigan qiymatlarda barqarorlashdi; potentsial qiymatlari – 698 mV qiymatiga yetdi. Korroziyali qatlamli namunalarning korroziya potentsiali +26 mV qiymatiga yetdi
- natijalarga ko'ra, korroziya qatlami korroziyaga qarshi yetarli to'siqni ta'minlaganligini tasdiqladi. Korroziyali qatlamli va korroziyasiz namunaning polarizatsiya qarshiligi R_p mos ravishda kerakli o'lchamlarga yetdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. *A. Рустанди, М. Адьютатама, Э. Фадли, Н. Субекти: Технологический журнал Макара, Vol. 16, 2012, № 1, с. 57-62;*
2. *Г. Мартинес, Р. О. Круз, Р. М. Флорес, Х. Г. Ллонгерас, Х. К. Куэвас: Форум по материаловедению, Том. 793, 2014, с. 67-76, DOI: 10.4028/www.scientific.net/MSF.793.67;*
3. *M.N. Norhazilan, Y. Nordin, K.S. Lim, R.O. Siti, A.R.A. Safuan, M.H. Norhamimi: Журнал исследований прикладных наук, Vol. 8, 2012, №3, с. 1739-1747;*
4. *Дж. Червова, М. Хагарова: Коррозионные характеристики транзитного трубопровода API 5L X60, Ключевые инженерные материалы, Том. 635, 2015, с. 186-189;*
5. *Z. N. Safarov: Materialshunoslik, Toshkent “Tafakkur avlodi”, Vol. 2020, 223-225 betlar.*

XORAZM SHEVALARIDA TO‘Y MAROSIMINI IFODALOVCHI ETNOGRAFIK ZAMOLAR

Ruzmetova Ilmira Kenjaboy qizi,
*Urganch davlat universiteti Lingvistika
(o‘zbek tili) mutaxassisligi magistranti*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Xorazm shevalariga xos bo‘lgan to‘y marosim ma’nosini anglatuvchi etnografik zamol xususida so‘z boradi. Mavzu asosida misollar keltirilib ularning izohi, qay jarayonda qo‘llanilishi, so‘zning kelib chiqish tarixi haqida fikrlar ochib beriladi. Keltirib o‘tilgan har bir fikr o‘z misoli bilan izohlanadi.

Kalit so‘zlar: korpa imma, un elar, qatlama pishar, sunnat toyi, kelin toyi, lachak toyi, payg‘ambar yashi to‘yi, beshik to‘yi, yubiley, patxa toyi.

Etnografizm – muayyan xalqning milliy madaniyati, an‘analari, urf-odatlarini, diniy qarashlari bilan bog‘liq bo‘lgan tushunchalarning nomlari. Bunday lug‘aviy birliklar ma’lum bir etnosning boshqalardan farqlanib turuvchi asosiy xususiyatlarini aks ettiradi va tildagi boshqa lug‘aviy vositalardan milliylikni ifodalashi jihatidan ajralib turadi. Har bir xalqning o‘ziga xos milliylikni ifodalovchi lug‘aviy birliklarning bir qismini dialektal leksika tashkil qiladi. Dialektal leksika ma’lum hududga xosligi, mahalliy hayotni aks ettirishi bilan etnografik zamolga o‘xshash bo‘lsa-da, dialektal leksikaning ma’lum bir qismigina etnografizm bo‘la oladi. Xalqning o‘tmishi, buguni, hayot tarzi, madaniyati, ijtimoiy munosabatlari aynan dialektal leksikada o‘z ifodasini topadi. Ma’lum bir hududda yashovchilar nutqida mavjud bo‘lib, inson faoliyatining mahsuli bo‘lgan tushunchalarning mahalliy nomlari dialektal leksikani tashkil etadi. Adabiy tildan farqli ravishda, dialektizmlarning aksariyat qismi sinonimlarga ega emas. Ular adabiy tildan fonetik, leksik, grammatik jihatdan farqlanadi.

Xorazm etnografik leksikasi, umuman, o‘zbek tilining etnografik leksikasi hududiy jihatdan to‘la tadqiq qilinmagan. Bu sohani to‘la tadqiq qilish xalq tarixining hamda til tarixining noaniq va mavhum tomonlarini ochishga yordam beradi. Xorazmda ham turli millat vakillari yashaganligi bois ularning tillarida ham o‘ziga xos nomushtarak tomonlar mavjud. Bu holat ularning etnografik leksikasida ham ko‘zga tashlanadi.

Biz ushbu maqolamizda Xorazm shevalaridagi etnografik zamolarning mavzuiy guruhlari, xususan, to‘y marosimini ifodalovchi etnografik zamol haqida to‘xtalamiz.

Etnografiya, asosan, maishiy hayot, oilaviy turmush jarayoni bilan chambarchas bog‘liqdir. Etnografik leksika inson hayotining barcha bosqichlarini, turmush tarzini, nima bilan shug‘ullanishini, qanday hayot kechirishini, umuman insonga xos bo‘lgan barcha odatlarni, ular bilan bog‘liq bo‘lgan va ularga ta’sir qiluvchi faktorlarni o‘z ichiga oladi. Etnografik atamalar leksik birlik sifatida nimanidir ataydi, ko‘rsatadi. Etnografik atamalar – etnografizmlar xalq hayoti bilan chambarchas bog‘liqligi uchun inson shug‘ullanuvchi barcha sohalarda uchraydi va shu sababli tilshunoslik fanining deyarli barcha sohalari bilan bog‘liqdir. Shunga ko‘ra Xorazm shevalaridagi etnografizmlarni turli xil ko‘rinishga ega bo‘lganligi va turlicha leksik ma’no ifodalanishiga qarab bir necha mavzuiy guruhlariga ajratib o‘rganishni lozim topdik:

1. Inson tug‘ilishi va bola tarbiyasi bilan bog‘liq etnografizmlar.
2. To‘y marosimi bilan bog‘liq etnografizmlar.
3. Inson vafoti bilan bog‘liq etnografizmlar.
4. Kundalik ro‘zg‘or asboblari nomlarini ifodalovchi etnografizmlar.
5. Milliy kiyim-kechaklar va taqinchoqlar nomlarini bildiruvchi etnografizmlar.
6. Milliy taom nomlarini ifodalovchi etnografizmlar.
7. Bolalar kasalligi nomlarini ifodalovchi etnografizmlar.
8. Yigit-qizlar va milliy sport o‘yinlari nomlari.
9. Yer-suv va kasb-hunarga oid etnografizmlar.
 10. Irim - sirimlarni ifodalovchi etnografizmlar.
 11. Diniy urf-odatlarini bildiruvchi etnografizmlar.
 12. Turli xil bayram va sayillarni ifodalovchi etnografizmlar.
 13. Kishi ismlari bilan bog‘liq etnografizmlar.

Mana shu mavzuiy guruhlar ichida to‘y marosimini ifodalovchi etnografizmlar alohida o‘rinni tashkil qiladi.

Kuzatishlarimiz shuni ko‘rsatadiki, Xorazm viloyati o‘zbek shevalari, xususan, o‘g‘uz shevalarida uchraydigan ko‘pgina etnografizmlar o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, ularning ekvivalenti yoki boshqacha shaklda ko‘rinishi boshqa sheva vakillari nutqida uchramaydi. Ijtimoiy hayotga kirib kelgan har bir yangi hodisa ma’lum bir so‘z-atama va istiloh bilan ifodalanadi.

Xalq urf-odatlarini, jumladan, Xorazm xalqi urf-odatlarini juda qadimiy bo‘lib, uzoq o‘tmishdan darak beradi.

Rus tilshunosi I.V.Stebleva va S.E.Malovlarning e’tirof etishicha, O‘rxun-Enasoy yozma yodgorliklariga mansub bitiktoshlarning birida shunday yozuv bo‘lgan: «Boy erdim, a’yonim, yilqim sonsiz edi. Inim yetti, o‘glim - uch, qizim-uch erdi. O‘g‘limni uylatdim, qizlarimni qalinsiz bartim». Bu manbadan ko‘rinadiki,

o'zbek xalqi urf-odatlarining shakllanishi uzoq tarixiy-tadrijiy jarayonni o'z ichiga oladi.

Xorazm sheva vakillari nutqida uchraydigan so'z-atamalar ham bundan mustasno emas. Misol uchun, *korpa imma* – ko'rpa-to'shak qavish marosimi; *un elar* - to'y boshlanganidan darak beruvchi marosim; *qatlama pishar* - qozon boshida pul tashlab qatlama olish odati.

Shunga o'xshash etnografik dialektizmlar borki, ularning kelib chiqishi xalq tarixi bilan uzviy bog'liqdir. O'zbek xalqi o'z hayotida bo'ladigan har bir quvonchli voqeani o'z nomi bilan atab, marosim sifatida nishonlagan. Jumladan, *sunnat toyi*, *kelin toyi*, *lachak toyi*, *payg'ambar yashi to'yi*, *beshtik to'y*, *yubiley*, *pata://patxa toyi* kabilardir. To'y marosimlarini ifodalovchi etnografizmlar o'g'uz shevalarida anchagina bo'lib, shevalar leksikasida alohida qatlamni tashkil etadi.

Umuman, Xorazm to'ylari boshqa hududlarda yashovchi o'zbeklarning to'ylaridan ko'pgina rasm-rusumlarni o'tkazish tartibi bilan farq qiladi. Hatto ayrim tuman va qishloqdar aholisining to'y marosimi leksikasida ko'zga ko'rinarli farqlar mavjud. Misol uchun *eshik achar*, *dapalashma*, *ot aylantirish* kabi urf-odatlar o'g'uz shevalariga xos bo'lsa, *burundiq ena*, *tuxumbash//tappay* kabi urf-odat nomlari qipchoq shevalariga xosdir. Xorazm shevalarida shunday etnografik birliklar borki, ular shu yerda yashovchi o'g'uz-qipchoq sheva vakillari uchun mushtarakdir. Masalan: *qulliq aytirish* - yanga belbog'ni yecha olmasa qulluq aytish odati; *duvaq achish//tuvaq achish* - qozon qopqog'ini ochish uchun sovg'a berish odati. Keltirilgan misollar asosan, Xorazmda o'g'uz shevalarida gapiruvchi aholi shevalariga xosdir. Bundan tashqari urf-odatlarni ifodalovchi etnografizmlar qipchoq sheva guruhidan farq qiladi yoki boshqacha ko'rinishga ega bo'ladi:

o'g'uz	qipchoq	adabiy orfografik
jin qashti	Chopchima, shortak	To'y boshlanmasdan oldin qozon boshida oshpazlarning uyushtiradigan ziyofati
gi:t	juzna	quda tarafga bosh-oyoq sarpo qilish
gali:n	kelin	kelin
yenga	yanga	yanga
biqcha	bo'xcha	bo'xcha
Belvag'	belbau	belbog'
giyav	kuyav	kuyov
gengash	kengash	maslahat oshi
toyliq	to'yana	to'yona
gali:n rommal	hashiya romal	tevaragiga chiziq tortilgan ro'mol
manglaycha	peshanaban	durracha, peshonaga bog'lanadigan ro'mol
qi:z yenglar	qiz jinar	qiz bazmi

Etnotrafizmlarning ko'pchiligi adabiy tilda ham shu shaklda, ba'zan ayrim fonetik farqlarga uchragan holda uchraydi. Masalan: *savchi* - sovchi, *kelin* - kelin, *kuyavjora* — kuyovjo'ra, *patya toy* - fotiha to'yi, *kelin salam* -kelin salomi, *yanga* — yanga kabi.

Xorazm shevalarida yana shunday etnografizmlar borki, ular faqat yerli aholi uchungina tushunarlidir: *taq jinar*, *kelin borak* kabi.

Bundan tashqari Hazoraspning Sharlovuq pristanida, Urganch tumanining Cholish va Bekobod qishloqlarida, Boshqirshix qishlog'ining ko'1 qismida, Gurlan tumanining Chinobod posyolkalarida qisman qozoqlar ham istiqomat qiladi. Yuqoridagi millat vakillarining aralash holda yashashlari ularning yashashlarida sezilarli holatlarni yuzaga keltirgan. Bu holatlarning ko'pchiligi, asosan, ularning tillarida ozmi-ko'pmi mushtarakliklarni yuzaga keltirgan.

Bu mushtarakliklar ularning tillarida aks etib, bu xalqdar qadimdan madaniy, iqtisodiy, siyosiy aloqada bo'lganidan dalolat beradi.

Xorazm etnografik leksikasida yana shunday o'ziga xos terminlar borki, ular faqat shu yerda yashovchi aholi tiliga xos bo'lib, keng ma'noda qo'llanadi. Masalan, *popak//popak puli* - bolani xatna qilganda sartarosh kesilgan qismni uy egasiga berishdan oldin pul oladi; *gashir tuvrashma* - bu ham o'ziga xos marosim bo'lib, to'ydan bir kun oldin faqat qo'shnilariga aytib o'tkaziladi. Bundan tashqari *tanga sachuv*, *so'zilish*, *ong ayag' bilan kirish* kabi urf-odatlar borki, ularni mazkur sheva vakillari tilida bir so'z yoki so'z birikmasi bilan ataladigan maxsus leksemasi yo'q. Shuning uchun bunday tushuncha ifodalaydigan birikmalarni gap shaklidagi etnografizmlar deyish mumkin.

Umuman olganda, Xorazm shevalaridagi etnografizmlar turli mavzuiy guruhlariga mansub bo'lib, ular orasida to'y marosimlarini ifodalovchi etnografizmlar alohida o'rinni tashkil qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. *Мадраҳимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг қисқача қиёсий лугати. –Урганч, 1999.*
2. *Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли лугати. –Т.: Фан, 1991.*
3. *Мирзаев Н. Ўзбек шеваларининг этнографик лексикаси. НД. –Т., 1971.*
4. *Носиров Ш. Шевалар лексикасининг соҳалар бўйича группалари // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1991.*
5. *Саримсоқов Б. Оилавий маиший маросимлар фольклори. // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990.*

O‘ZBEK XALQ MAQOLLARIDA VATAN KONSEPTI

Ko‘klanova Muxlisa Muzaffar qizi,
UrDU Filologiya fakulteti Lingvistika
(O‘zbek tili) yo‘nalishi magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada xalq og‘zaki ijodiga mansub bo‘lgan o‘zbek xalq maqollarida Vatan konsepti ochiqqlangan maqollar tahlil qilinadi. Shuningdek, mehnat, ilm-hunar, mardlik singari insonga xos bo‘lgan odamiylik xislatlari izohlangan maqollar ham keltirib o‘tilib izohlanibketiladi. Maqola ayrim o‘zbek xalqining o‘ziga xos maqollaridan tarkib topgan.

Kalit so‘zlar: “Vatan”, “mehnat”, “xalq”, “ilm-hunar”, “mardlik”, “mehmon”, “tadbirkorlik”, “muhabbat va vafo”, “yaxshi so‘z”.

Lingvokulturologiyaga oid tadqiqotlar hali o‘zbek tilshunosligi tarixida o‘zining yangiligini saqlab turibdi, shuningdek, konsept borasidagi tadqiqotlar bu fanning asosini tashkil qilmoqda. Konseptlar milliy madaniyatning tilda aniq va keng aks ettira oladigan birlik sifatida tahlilga tortilayotgani esa tilshunoslik uchun yaxshi natijalar bermoqda. Mavzu doirasidan kelib chiqqan holda maqollardagi konseptual xilma-xillikni ham e‘tibordan chetda qoldirmaslik lozim. Maqollar, xususan, o‘zbek xalq maqollari o‘z qatida turli-tuman konseptlarni mujassamlashtirgan. Ayniqsa, ”Vatan” konsepti o‘zbek xalq maqollarida yetakchilikni tashkil qiladi. Bu bejizga emas. Barcha xalqlarda Vatan azaldan muqaddas, ulug` dargoh sanalib kelingan. Shu sababdan ham “Vatan” konsepti aks etgan maqollar xalq og‘zaki ijodida ko‘plab uchraydi va uni lisoniy jihatdan tahlil qilish muhim ahamiyatga ega. “Vatan” konsepti juda ko‘p ochilmagan qirralari bilan hali-hamon tilshunoslarni o‘ziga jalb qilib kelmoqda.

Maqol xalqning ijtimoiy-tarixiy, hayotiy-maishiy tajribasi umumlashgan badiiy, obrazli mulohazalardan iborat hikmatli so‘z hamdir. Maqollar – bu xalqning donoligini, millatning ruhini, uning madaniyatini ko‘rsatadigan xalq og‘zaki ijodining gavharlaridir. Maqol mustaqil folklor janri sifatida qator o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, bu xususiyatlar uni boshqa aforistik janrlardan keskin farqlab turadi.

Maqollarni tasnif qilishda mazmun yetakchi hisoblanadi. Unga ko‘ra Vatan, mehnat, xalq, ilm-hunar, mardlik, mehmon, tadbirkorlik, muhabbat va vafo, yaxshi so‘z - jami 30 ga yaqin mavzular qayd etilgan. O‘zbek xalq og‘zaki ijodida “Vatan” haqidagi maqollar asosiy o‘rin tutadi.

Quyida “Vatan” haqidagi maqollarning o‘rni va milliy-madaniy konseptual belgilari bir qancha misollar yordamida ko‘rib chiqiladi:

***Bulbul chamanni sevar,
Odam - vatanni.***

Mazkur maqolda inson ruhiy olamida Vatan tushunchasining ahamiyati qayd etilgan. Maqoldagi Vatan so‘zida faqat muayyan hudud, manzil, o‘rin-joy, tabiat aks etgan, desak yanglish bo‘ladi. Bu so‘z ma‘no jihatdan ajdodlar ruhi, ma‘naviy meros obidalari, qadriyatlar, millat birligi, mentalitet xususiyatlari bilan uyg‘unlashadi. Bulbul chamanda qanchalar yayrasa, inson vatanida shunchalar o‘zini erkin his qiladi. Bulbulni bog‘larsiz, gulzorsiz, chamansiz tasavvur etib bo‘lmaganidek, odamni o‘z ona diyorisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bu maqolni aytganimiz zahoti Zokijon Furqatning chet ellardagi azobini ta‘riflab o‘z vatanini sog‘ingani yodga tushadi:

*“G‘amingda kecha - tong otg‘uncha yig‘lar,
Tong otg‘och, dag‘i kun botquncha yig‘lar”.*

Vatan haqidagi maqollarda qiyoslash, taqqos yetakchidir:

***Kishi yurtida shoh bo‘lguncha,
O‘z yurtida gado bo‘l.***

Bundan shu narsa ma‘lum bo‘ladiki, mazkur maqol avvalgi namunadagi mazmuni chuqurlashtiradi. Moddiy ta‘minotdan ko‘ra ma‘naviy ehtiyoj muhimroq ekani ifodalanadi. Tajribasiz odam hayotdagi hamma muammoni iqtisod bilan o‘lchaydi. Uning uchun turmush to‘kinligi har qanday tushunchadan afzaldek tuyiladi. Lekin Boburdek shoh o‘z diyorini eslab azoblanganidan xulosa chiqarsak, maqoldagi fikring qanchalar aniq va ibratli tarzda berilgani ma‘lum bo‘ladi.

Endi boshqa maqollarga ham murojaat qilaylik.

Ona yurti oltin beshiging. Bu yerda Vatan konsepti ham ona, ham oltin beshikka qiyos qilinmoqda. Beshik-bu go‘dak orom olib, tinch, osuda uxlaydigan bexavotir joydir. Demak Vatan ham xuddi ona kabi bizga alla aytib, tinch bo‘lishimiz uchun beshik singari bizni qo‘riqlab turadigan maskandir. Maqolda milliy-madaniy konseptual belgilar sifatida *ona* va *beshik* so‘zlari olingan.

O‘z uying o‘lan to‘shaging. O‘zga yurtida shoh, bo‘lgandan ko‘ra, o‘z yurtini gadosi bo‘l deb bejizga aytishmagan. Bu yerda *to‘shak* o‘ziga xos konseptual belgilaridan biri bo‘lib, uy ma‘nosida ishlatilgan.

O‘z yurti qadri o‘zga yurtida bilinar. Bundan xulosa qilinadiki musofir bo‘lmaguncha Vatan qadrini, unga bo‘lgan sog‘inchni his qilish qiyin. Aslida ham shunday. *Qadr* so‘zi milliy madaniy konseptual belgi funksiyasida ishlatilgan.

Ona yurti omon bo‘lsa, rangi ro‘ying somon bo‘lmas. Eling, yurti tinch bo‘lsa, sen ham sog‘-salomat yurarsan. *Omon* so‘zi o‘ziga xos konseptual belgi sifatida qo‘llanilgan.

Vatani borning baxti bor, mehnati borning taxti bor. Uysiz, joysiz inson hech qachon baxtli bo‘la olmas. Ushbu maqolda *baxt* so‘zi milliy-madaniy konseptual belgi sifatida xizmat qilgan.

Har gulning o‘z isi bor, har elning o‘z tuzi bor. Har bir yurtning o‘ziga yarasha past-balandliklari va issiq-sovug‘i bordir. *Gul* so‘zi o‘ziga xos konseptual belgi sifatida kelgan.

**Ona yurtning omon bo‘lsa,
Rangi-ro‘ying somon bo‘lmas.**

Bu maqolda shaxsning ona yurtida yashashi va istiqomat qilishi undan ma‘lum burchni ham talab qilishi ifodalangan. Bu yurt omon bo‘lsa, ya‘ni tinch bo‘lsa, erkin-ozod bo‘lsa, inson bemalol yashashi mumkin. Yurt tinchligi, erkinligi, ozodligi esa xalqning o‘z yurtiga bo‘lgan iymonli munosabati oqibatida vujudga keladi.

Vatanning tinch- sen tinch maqolida vatandagi tinchlik va osoyishtalikka ishora mavjud, ya‘ni tinch yurtda insonlar hayoti ham yaxshi bo‘ladi. Qaysi joyda tinchlik bo‘lsa, u yerning hamma sohasida rivojlanish bo‘ladi.

Vatansiz inson - kuysiz bulbul. Bilamizki, vatan bizning uyimiz unda barcha narsalar mavjud. O‘z ona yurti bor inson esa dunyoda barcha narsaga ega insondir.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, vatan va unga oid maqollar o‘zida bir qancha konseptual belgilarni namoyon qila oladi. Xalq maqollarining mana shunday o‘ziga xos va milliy-madaniy konseptual belgilari esa ko‘plab misollar tahlili yordamida ko‘rsatib beriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремикология лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1984.
2. Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик лугати. –Т.: Фан, 2006.
3. Садриддинова М. З. Ўзбек мақол ва маталлари лексикаси. -Т, 1984.
4. Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. O‘quv qo‘llanma. – Т., 2014.
5. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли лугати. – Т., 1990.

SHUHRAT MATKARIMNING DIALEKTIZMLARDAN FOYDALANISH MAHORATI

Norbayeva Shukurjon Xayitbayevna,

f.f.d. (PhD), Urganch davlat universiteti O‘zbek tilshunosligi kafedrasida dotsenti

Reyimboyeva Zulayho Odilbek qizi,

Urganch davlat universiteti Lingvistika (o‘zbek tili) mutaxassisligi magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o‘zbek adabiyotining yetuk namoyondalaridan biri Shuhrat Matkarim o‘z asarlarida qo‘llanilgan xalq shevasiga xos bo‘lgan so‘zlardan qay darajada mohirona foydalana olganligi borasida so‘z ketadi. Shuningdek, har bir fikr o‘ziga xos namunalar bilan ochib boriladi. Undan tashqari maqolada asarda qo‘llanilgan ba’zi bir shevaga xos so‘zlarning izohlari ham mavjuddir.

***Kalit so‘zlar:** “Indamas”, “Yilon”, “Otamdan qolgan dalalar”, tiskinish, chullik, xuligan, vaqti xo‘sh.*

Badiiy asarning xalqchilligini ta’minlashda xalq tilining turfa vositalari, xususan, sheva so‘zlari ham alohida o‘rin tutadi. Badiiy asar tilining tasviriyligi, ifodaliligi, qahramonlar nutqining individuallashganligi ko‘p jihatdan o‘rinli va me’yorida qo‘llangan sheva unsurlariga bog‘liq. “Badiiy adabiyot tilini boshqa lug‘aviy qatlamlar singari dialektizmlarsiz ham tasavvur qilib bo‘lmaydi. Dialektizmlar personaj nutqining individualligini ta’minlash jarayonida uslubiy bo‘yoqdorligi jihatidan boshqa nutq vositalaridan sezilarli darajada ajralib turadi”. (Umurqulov B. Badiiy adabiyotda so‘z, 1983.)

Xalqning jonli tili - shevalarni bilish, dialektal leksikadan boxabar bo‘lish yozuvchi va shoirlar asarlari satrlariga singdirilgan ma’noni chuqurroq anglashda, asarda tasvirlanayotgan voqea-hodisalar milliy koloritiga kirib borishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Chunki adib va yozuvchilar, avvalambor, ma’lum bir sheva vakili hisoblanishadi.

Yozuvchi o‘z qahramonlarini o‘zlari yashaydigan hudud va muhitdan ayirmagan holda, hayotdagidek ishonarli va jonli tasvirlash ehtiyojidan kelib chiqib shevaga xos so‘zlarni ishlatadi. Sheva so‘zlari mahalliy kolorit, hududiy mansublikni o‘zida aniq aks ettirish bilan birga badiiy nutqda muayyan estetik funksiyani bajaradi. Biroq dialektizmlarning estetik qimmat kasb etishi ularning badiiy nutqdagi me’yori, qanday ishlatilishi va ayni paytda qanday dialektizmlarning qo‘llanishi bilan bog‘liqdir.

Yozuvchi va shoirlar o'z his-tuyg'ularini ifodalashda, o'z qahramonlari yashagan muhit hamda ular nutqining o'ziga xosligini ko'rsatib berishda shevaga xos so'zlar, ya'ni dialektizmlardan foydalanishini Xorazm adabiy muhitining yetuk vakili Shuhrat Matkarimning "Indamas" va "Yilon" qissalari misolida ko'rishimiz mumkin.

Badiiy adabiyot tili xalq (millat) tili boyligining qayta ishlangan ko'rinishidir. Shu jarayonda badiiy so'z ustalarining voqea yoki qahramon sarguzashtlarini bayon qilish jarayonida muayyan shevaga murojaat qilishlari e'tirof yetib kelinadi. Adabiyotda mahalliy kolorit degan tushuncha bor. Bu yesa adiblarga mahalliy kechinmalarni ifodalashda shevaga xos unsurlardan keng foydalanishga imkoniyat yaratadi.

Badiiy adabiyotda adiblar dialektizmlardan ikki o'rinda foydalanadi, ya'ni:

- 1) dialogik nutqda qahramonning muayyan sheva vakili yekanligini ko'rsatish, mahalliy koloritni berish maqsadida;
- 2) adabiy tilda sinonimi bo'lmagan so'zlarni majburan qo'llaydi.

Hatto butun boshli badiiy asarda mahalliy sharoit, mahalliy mentalitetni, ruhiyatni ifodalashda to'lig'icha sheva xususiyatlaridan foydalangan asarlar mavjud. Bunga J. Sharipovning "Xorazm", Tog'ay Murodning "Otamdan qolgan dalalar" asarlarini ham keltirish mumkin.

Dialektal so'zlarni badiiy adabiyotda qo'llashda yozuvchilar turli usullardan foydalanadilar. Ayrim mualliflar shevaga oid so'zlarni izohsiz ishlatgan bo'lishsa, ayrimlari sahifa tagida uning ma'nosini ham keltirib boradilar. Sh.Matkarimning "Indamas" asarida ularning izohi havola tarzida keltirilgan. Mas, "Ochig'ini aytganda otini eshitgandanoq bolalar yig'idan to'xtab, kattalarning tani - badaniga bir *tiskinish*¹ tushadigan Poqqi mapiyga bu shaharda nafaqat qo'l ko'tarish, balki uning gapini ikki qilishga jur'at etadigan odam bo'lishi mumkinligini o'ylash ham mushkul edi."

Ushbu misolda qo'llanilgan *tiskinish* so'zi ijodkor izoh berganiday, Xorazm shevalarida *qo'rqib titrash* ma'nosini ifodalaydi.

Asardan bunday misollarni ko'plab keltirishimiz mumkin: "Qarang, o'sha mapiyni o'zidan ham zo'rroq bir bandit, *xuligan*, bosqinchi emas, balki bir *ipirisqi*, kechqurun bog'ining to'ridagi hojatxonaga yolg'iz borishga qo'rqadigan, shu paytgacha borligini ota-onasi, oilasi, atrofidagi uch-to'rt kishidan bo'lak hech kim bilmaydigan bir *chullik*² bola o'ldirgan." (1-b)

Mazkur misolda qo'llanilgan Xorazm shevalariga xos *xuligan* so'zi adabiy tilda bezori ma'nosini ifodalasa, *ipirisqi* yaramas, tuban kimsa; *chullik* esa qiltiriq, ozg'in ma'nolarini anglatadi.

¹ tiskinish – qo'rqib titrash

² chullik - qiltiriq

Shuni ta'kidlash lozimki, dialektizmlar adabiy tilning boyishi uchun tabiiy manbalaridan biri bo'lib qoladi. Dialektizmlarning adabiy tilga singib ketish jarayoni dastlab qiyin kechadi, lekin badiiy adabiyotning ta'sirchan kuchi orqali bir asarda qo'llangan dialektizm keyingi asarlarga o'tadi va shu tariqa umumxalq mulkiga aylanadi hamda adabiy tilga o'zlashib ketishi mumkin.

Shuhrat Matkarim asarlarda turli xil o'xshatish xarakteridagi iboralardan ham unumli foydalangan. Masalan: "*Quyoshdan qochgan kalamushday*, issiq va xatarsiz inida – o'z uyida sassizgina, pisir-pisir, misir-misir oshini oshab, yoshini yashab yurgan edi."

"Farhod bir dovdiradi-yu, lekin darrov o'zini qo'lga oldi, bir muddat *suvga cho'kkan toshday* qilt etmay o'ltonda o'tirdi."

"Otasi esa *yomg'irdan qochgan musichaday* egnini qisib, juda o'ng'aysiz bir alpozda mudrardi."

Shuhrat Matkarim ijodida faqat Xorazm hududiga mansub bo'lgan, boshqa shevalarda uchramaydigan iboralar ham qo'llanilganligini kuzatishimiz mumkin. Masalan: "*O'ldirilgan to'ygan to'qliday* dum-dumaloq, kuchi ichiga sig'may, betlaridan qon tepchib turgan bir devday odam bo'lsa. Havvo-o, shunday."

"Ko'plar avvaliga bu gapga, *kes kallam*, ishonmadilar."

"O'n yil o'qib biror marta bo'lsa ham koyish eshitmadi. Ikki, uch olmadi, faqat to'rt va besh oldi. Ko'proq besh. Hamisha maqtov eshitdi. Shunday etib vaqt o'tabardi, otaning ham, onaning ham *vaqti xo'sh¹*, farzandlaridan ko'ngli to'q edi."

"Indamas" qissasida xonadon xo'jasi Sheralining otasi Qilich o'tkir portretini chizishda ham mana shunday o'xshatish va iboralarni o'z o'rnida qo'llay olgan: "Maqtanishni kasb qilgan va gaplari ahmoqona va mantiqsizligi vajidan *uchakdan po'stak tashlanganday²* taassurot qoldirardi. Shuning uchun laqabi po'stak edi. Po'stak bo'lganda ham qurib kuya yegan va hayot nishoni qolmagan po'stak. O'ziga qarasangiz, tan olinmagan buyuk faylasuf va ulug' yozuvchi edi."

"Qilich ota qarasa, bir o'ris o'tiribmish mung'ayib. *Igna yutganmi va yo qo'tir bosgan kuchukday* emish. Shu darajada aftoda emish ko'rinishi."

"O'ris Xorazmda necha kun yursa, boshiga *cho'qmor bilan urilgan laqqaday melong³* yurgan emish, hech o'ziga kelmabdi."

Umuman olganda, Xorazm adabiy muhitining yetuk vakili Shuhrat Matkarim ijodida dialektizmlardan ham unumli foydalanilgan bo'lib, ushbu lisoniy birliklar adabiy tilning boyishida muhim manba bo'la oladi.

¹ vaqti xo'sh -xursand

² uchakdan po'stak tashlanganday – kutilmaganda bemavrid aytilgan mantiqsiz gap

³ Melong – hud-behud

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўз ФАН, 1961.
2. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007.
3. Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Урганч, 1999.
4. Маҳмудов Н. “Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули” // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. №3. – Б.19 -24.
5. Шобдурраҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент: Фан, 1962.

XORAZM SHEVALARIDAGI ERONIY TILLARGA MANSUB AYRIM SO‘ZLAR TAHLILI

Orislanova Hamida Hamidbek qizi

Urganch davlat universiteti Lingvistika (o‘zbek tili) mutaxassisligi magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Xorazm shevasi tarkibidagi eroniy tillarga mansub bo‘lgan so‘zlarning tahlili xususida so‘z boradi. Xorazm shevasiga o‘zlashgan eroniy tillar tarkibiga kiruvchi ayrim so‘zlardan misollar keltirib, o‘z navbati izohlanib ketiladi. Shuningdek so‘zlarning kelib chiqish tarixi ham ochib beriladi.

Kalit so‘zlar: *Eroniy tillar, Palos, dalon, kaj, jig‘a*

O‘zbek adabiy tili va shevalarida eroniy tillarga mansub so‘zlar salmoqli o‘rin tutadi. Eroniy tillar va turkiy tillar genetikasi turlicha bo‘lsa ham, hayotiy zarurat, madaniy-adabiy va ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarning chuqurlashuvi turkiy tillar, jumladan, o‘zbek tilida eroniy o‘zlashmalar miqdorini belgilovchi asosiy omil hisoblanadi¹.

Eroniy tillarga mansub lug‘aviy birliklarning o‘zbek adabiy tili va shevalariga o‘zlashish yo‘llari hamda omillari F.Abdullayev, O.Madrahimov, A.Ishayev kabi olimlar tomonidan ko‘rsatib o‘tilgan². Yuqorida ta’kidlaganimizdek, ikkala tilning bir-biriga ta’siri masalasida hal qiluvchi omil ularning asrlar davomidagi madaniy aloqalar munosabatidagi o‘zaro zarurat hisoblanadi³.

Xorazm shevalari leksik qatlamidagi eroniy tillardan o‘zlashgan so‘zlar arab tilidan o‘zlashgan so‘zlarga qaraganda ertaroq yetib kelgan. Bu qatlam turkiy qatlamdan keyin sezilarli darajada o‘rin egallagan. Xorazm shevalari leksik qatlamining juda ko‘p foizini eroniy tillardan o‘zlashgan so‘zlar egallaydi. Ma’lumki, o‘zbeklar va tojiklar - O‘rta Osiyoning qadimiy mahalliy aholisini tashkil etadi. Quyi Amudaryo vohasida eroniy tilda so‘zlashuvchi xorazmiylar yashaganliklari tarixdan ma’lum.

Xorazm shevalari leksikasida ham anchagina eroniy tillarga mansub so‘zlar bo‘lib, mazkur sheva leksikasida turkiy so‘zlardan keyin miqdor jihatdan ikkinchi

¹ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.109; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985. – Б.103-115.

² Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўз ФАН, 1961. – Б.140-141; Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. –Б. 46; Ишаев А. Из лексикаси узбекских говоров Каракалпакии // Вопросы тюркологии. – Ташкент: Фан, 1965. –С. 111-117.

³ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент: Фан, 1962. – Б.222.

o‘rinda turadi. Hozirgi zamon o‘zbek adabiy tilida, shu jumladan, shevalarda ham mavjud eroniy tillarga mansub so‘zlarning bir qancha leksik-semantik guruhlari mavjud.

Biz quyida Xorazm shevalari leksikasidagi eroniy tillaridan o‘zlashgan so‘zlarning ba‘zilari xususida to‘xtalamiz

Palos. “Navoiy asarlari lug‘ati”da *palos* so‘zining ikki ma‘nosi berilgan: “Palos” بلس forscha so‘z; birinchi ma‘nosi - jundan to‘qilgan jo‘nroq kiyim, arzon kiyim; ikkinchi ma‘nosi - kigiz, namat, sholcha; *Palosi ibdor* – baxtsizlik to‘ni, kambag‘al to‘ni tarzida izohlanib “Navodir ush shabob” dan misol keltiriladi:

Chun yopsa na‘shim uza palosi idborim,

Belin tong‘org‘a palos uzra yaxshi zunnorim.

(499 b).

“O‘zbek klassik adabiyoti qisqacha lug‘ati” da ham palos yuqoridagi lug‘atga o‘xshash izohlangan: “Palos بلس jundan to‘qilgan past kiyim, arzon kiyim; kigiz, namat, sholcha (Shamsiyev, Ibrohimov, 260). “Tojik tilining izohli lug‘ati”da palos 1) farsh, gilem, namadi durushti az pashm boftashuda” (Farhangi, 21). XIV asr Xorazm yozma yodgorliklariga bag‘ishlangan asarda palos so‘zi quyidagicha izohlanadi: Palos (≈pālas) (NF بلس) t. pers. Palas, грубошерстная ткань, *taqi ozi palas ton kāyār erdi* “он насил грубошерстный халат (NF, 104 a, 13); *Suleyman payg‘ambar ozi palas ton kāyār erdi*” “пророк Сулейман сам носил грубошерстное одеяние” (NF, 106a, 14) (Fazilov, II, 204).

Palos so‘zining qadimgi lug‘atlar yozma yodgorliklardagi “jundan to‘qilgan to‘nlik material” yoki “past kiyim”, “arzon kiyim” ma‘nolari hozirgi o‘zbek shevalarida va hozirgi o‘zbek adabiy tilida yo‘qolib ketgan. Uning ayrim shevalardagi hozirgi ma‘nosi quyidagicha izohlanadi: Xivada, shimoliy Xorazm shevalarida palas, Urganch, Xonqa, Xazorasp shevalarida *polas* shaklida ishlatilib, “sholcha” “небольшой домотканий палас” ma‘nosini beradi (O‘Z XShL, 207, Abdullayev, XSh, 76).

“O‘zbek xalq shevalari lug‘ati” va “Xorazm shevalari” lug‘atida *palos* faqat *sholcha* deb izohlanadi. Ammo Xiva gilam to‘quvchilari jun va paxta tolasidan to‘qiladigan *gullik, taqir gilam*, ya‘ni *arabini* ham “palos” deb nomlaydilar. Demak, Xorazmda palos tushunchasi o‘zbek tilidagi palos ma‘nosidan torroq tushunchani anglatadi. Shuning uchun ham tor tushuncha anglatadi deymizki, adabiy tilda palos umuman, polga – yerga to‘shash uchun foydalaniladigan buyumlar (kiyiz, sholcha, gilam kabi) tushunchalarni o‘z ichiga oladi. Shu bilan birga, yuqoridagi lug‘atlarda berilgani kabi Xorazm shevalarida palos tushunchasi sholcha tushunchasi bilangina cheklanmaydi.

Dalon – usti yopiq yo‘lak; dahliz. Darvozadan to hovligacha qurilgan, ikki tomoni devor, usti yopiq keng yo‘lak”¹. Mazkur leksema Xorazmdagi o‘g‘uz va qipchoq shevalarida faol qo‘llaniladigan dialektal birlik hisoblanadi. Ushbu so‘z Xorazm shevalari yuzasidan tadqiqotlar olib borgan F.Abdullayev, O.Madrahimovlar tomonidan atroflicha izohlab berilgan.

Lingvistik tadqiqotlardan ma‘lum bo‘lishicha, Xorazm shevalarida uchraydigan *dalan* so‘zi urdu tilida ham mavjud bo‘lib, aynan yuqoridagi ma‘noda ishlatiladi.

Kaj– egri, qing‘ir. Teskari, chappa. Ushbu so‘zning eroniy tillarga oid lug‘atlarda egri ma‘nosini bildirishi ta‘kidlab o‘tilgan. Shuningdek, kajdast – qo‘li egri, kaj tole – baxtsiz, tolei kulmagan kabi ma‘nolarni ifodalashi ham keltiriladi. Hozirgi Xorazm shevalarida mazkur so‘zning semantikasida muayyan o‘zgarishlar sodir bo‘lgan va shaxsga nisbatan ishlatilganda qaysar, to‘g‘ri yo‘lga yurmaydigan ma‘nolarini ifodalash vazifasiga o‘tgan.

Jig‘a– bosh kiyimiga taqiladigan, qimmatbaho toshlar bilan bezatiladigan ziynat buyumi (asosan qiz to‘yida kuyov bo‘lmishning, xatna to‘yida esa to‘ybolaning bosh kiyimiga taqiladi). Hozirgi kunda iste‘moldan chiqib ketgan:

Boshimdagi tillo *jig‘am* o‘tag‘am,
Hech kimlarga yo‘qdir mening dag‘dag‘am,
Shirin jonim bo‘lsin sanga sadag‘am,
Men aylanay oting bilan o‘zingdan².

Jäväk (javak) ham eroniy tillarga aloqador so‘z bo‘lib, *jav* o‘zagi arpa degan ma‘noni bildiradi, -ak esa kichraytirish affiksidir. Garchi hozirgi paytda *jäväk* deyarli ishlatilmay qo‘yilgan bo‘lsa-da, ayrim hududlarda uning turlicha talaffuz shakllari yoxud ayni ma‘noni ifodalovchi boshqa terminlar ham saqlanib qolgan: *jevak, javak, jav* (Nurotada) va boshqalar.

Umuman olganda, Xorazm shevalari leksik qatlamida eroniy tillardan o‘zlashgan so‘zlar ham anchagina bo‘lib, ularni lisoniy jihatdan tahlil qilish o‘zbek tili tarixini o‘rganishda muhim manba bo‘la oladi.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида – Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. –В.640.

² Гўрўғли. Хоразм дostonлари. Масъул муҳаррир: профессор. С.Р.Рўзимбоев. –Урганч: Хоразм, 2011. – В.180.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўз ФАН, 1961.
2. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1985.
3. Гўрўгли. Хоразм достонлари. Масъул муҳаррир: С.Р.Рўзимбоев. –Урганч: Хоразм, 2011.
4. Ишаев А. Из лексики узбекских говоров Каракалпакии // Вопросы тюркологии. – Ташкент: Фан, 1965.
5. Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. –Урганч, 1999.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Биринчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006.
7. Усмонов С. Ўзбек тилининг лугат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент: Фан, 1968.
8. Шобдурраҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент: Фан, 1962.

ERKIN VOHIDOV SHE'RIYATIDA TOPONIMLAR LINGVOPOETIKASI

Sabirova Gulasal Hikmat qizi

Urganch davlat universiteti Lingvistika (o'zbek tili) mutaxassisligi magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'zbek adabiyotining yetuk namoyondasi Erkin Vohidov she'riyati tarkibidagi toponimlar ya'ni joy nomlarining lingvopoetikasi xususida so'z ketadi. E. Vohidov she'rlari tarkibida qo'llanilgan joy nomlari sanab o'tilib ularning qay tarzda keltirilgani ochib beriladi. Fikrlar o'z namunalari bilan keltiriladi.

Kalit so'zlar: *O'zbekiston, Afg'on, Hind, sitam bul, Donishqishlog'im.*

O'zbek onomastikasi birliklari ham zamonaviy tahlil tamoyillari asosida o'rganilishi lozim. Bunda o'zbek lisoniy ongida saqlanuvchi onomastik birliklarni tadqiq etish nafaqat tilimiz xususiyatlarini, balki xalqning milliy tafakkuri va psixologiyasi, milliy madaniyati, tarixi, urf-odatlarini bilan aloqador jihatlarni ko'rsatib berishga xizmat qiladi. Onomastik birliklar alohida olingan ijodkor asarlari misolida ham tadqiq etilishi mumkin. Bu o'sha ijodkorning umumjahoniy va umummilliy madaniyatdan nechog'lik xabardor ekanligini ko'rsatishi bilan birga uning millatning aqliy salohiyati, badiiy tafakkuri, madaniyatini rivojlantirishga qo'shgan hissasini aniqlash imkonini ham beradi. Biz ushbu maqolamizda E.Vohidov she'riyatidagi toponimlar lingvopoetikasi xususida fikr yuritimiz.

Erkin Vohidovning har bir she'rida davrning yorqin manzarasi, xalqning o'lmas psixologiyasi, millatning monumental qiyofasi to'la aks etadi. Shoir she'riyatida toponimlar ham faol qo'llanilgan bo'lib, ular ijodkorning badiiy niyatini ifodalashga xizmat qilgan.

Erkin Vohidov she'rlarida qo'llangan joy nomlari - toponimlarni tahlil qilish uning asarlari onomastik ko'lami o'zida boy madaniy va tarixiy ma'lumotlarni mujassam etganligini ko'rsatadi.

Shuni ta'kidlash kerakki, ijodkor matnga muayyan toponimni olib kirar ekan, o'sha toponim bilan aloqador faktlar matn mazmuni bilan uyg'unlik hosil qila olgandagina, nom badiiyati to'laqonli yoritiladi. Quyida ana shunday muvaffaqiyatli qo'llangan joy nomini misol qilamiz: E.Vohidovning "O'zbekim" nomli qasidasida qo'llangan Afg'on toponimi Hind (Hindiston) toponimi bilan birga qo'llanib, Zahiriddin Muhammad Boburning taqdir taqozosi bilan avval Afg'oniston, keyin Hindistonda yashashga majbur bo'lganligi haqidagi tarixiy faktga ishora qilib kelgan.

Bunda *Hind* va *Afg'on* poetonimlari hajman kichik shaklda (bir baytda) katta mazmuni berishga xizmat qilib, intertekstual matni yuzaga keltirgan. Shuningdek, baytda onomastik birlik (*Afg'on*)ni o'z apellyativ asosi (*afg'on*) bilan birga qo'llashdan iborat usuldan foydalanilib, tajnis san'ati hosil qilingan. Natijada shakl va mazmunning o'ziga xos tarzda bo'lishi, ularning o'zaro muvofiqligiga erishilgan:

*Yig'ladi furqatda Furqat Ham muqimlikda Muqiyim,
Nolishingdan Hindu Afg'on Qildi afg'on, o'zbekim*

(E.Vohidov. "O'zbekim").

Quyidagi misolda ham *O'zbekiston* nomi murojaat birligi sifatida qo'llanib, nido san'atini hosil qilishda lingvopoetik vosita bo'lgan. Lirik qahramon ona yurtiga o'zining eng yaqin, suyuqli kishisiga so'zlagan kabi *O'zbekistonim* deb murojaat qilishi she'rdagi samimiyatni yuzaga keltirishda, vatanga bo'lgan chuqur muhabbat tuyg'ularini ifodalashda lingvopoetik vosita bo'lib kelgan:

*Bu yerga ko'milgan milliard kitoblar.
Farangu Hindu Chin, Iroq, Ajamga
Taralding Alqonun, Saydona bo'lib.
Buyuklar tan bergan buyuk dostonim – O'zbekistonim.
... Hali olis edi sen kutgan najot.
Erk deya atalgan tabarruk shamga
Intilding bir umr parvona bo'lib.
Parvonadek kuyib o'rtangan jonim – O'zbekistonim.*

(E.Vohidov. "O'zbekiston").

E.Vohidovning *O'zbekiston*ning o'n sakkiz millioninchi fuqarosi dunyoga kelganiga bag'ishlab yozgan "Yurtim bolasi" nomli she'rida *O'zbekiston* chaqalog'ini oppoq yo'rgakka o'rab olgan onaga qiyoslanib, obrazli ifoda hosil qilingan: *O'n sakkiz ming olam sevinch, nolasi,*

*Hayrati, umidi, alami bilan
Sen dunyoga kelding, yurtim bolasi,
O'n sakkizinchi million raqami bilan.
Onang O'zbekiston seni o'radi
Yanvar dalasining oq yo'rgagiga*

(E.Vohidov. "Yurtim bolasi").

Ba'zan ijodkorlar toponimlarni matn tarkibiga olib kirishda uyqash yoki ohangdosh so'zlarni qo'llash usulidan foydalanadi. Bunda toponim o'z shakliga ko'ra matndagi boshqa so'zlar bilan o'zaro aloqaga kirishadi:

*Chaqmoq kabi bir lahza nasib etdi visoli,
Endi menga yor turk go'zali hajrida ham bul.*

*Izlab necha kun shahrida ovora bo'libman,
Istanbul emas, oshiq uchun jonga sitam bul*

(E.Vohidov. "Turk go'zali").

Badiiy matnda qahramonlar nutqini xoslashtirishda, intertekstuallikni hosil qilishda va badiiy matnning makoniy individualligini ta'minlashda toponimlardan keng foydalaniladi.

E.Vohidovning "Donishqishloq latifalari" hajviy asaridagi Matmusaning qishlog'i to'qima *Donishqishloq* nomi bilan yuritiladi:

*Donishqishloq degan joy
Bordir bizning tomonda.
O'sha qishloq ahlidek
Dono xalq yo'q jahonda.*

She'rdan toponim o'zining nominativ ma'nosiga zid qo'llangan. Ya'ni bu joyning odamlari donishmand emas, balki juda sodda, dumbul insonlar sifatida tasvirlanadi va badiiy matnda ham bu izohlanadi.

Shoir "Inglizcha ketish" she'rida ham bu toponimni an'anaviy nom sifatida tilga oladi va qishloq ahlining soddaligiga ishora qiladi. To'qima toponim qiyoslash, intertekstuallikni yuzaga keltirish uchun qo'llangan.

*Xayrlashmay ketar ingliz,
Mezbonini notinch etmaydi.
Donishqishloq ahli, bilsangiz,
Xayrlashadiyu ketmaydi*

(E.Vohidov. "Inglizcha ketish").

Umuman olganda, o'zbek adabiyotida, xususan, Erkin Vohidov ijodida toponimlar ham faol qo'llanilgan. Bunday nomlarni tahlil qilish, o'z navbatida, mashhur ijodkorlar asarlarining lingvopoetik va lingvokulturologik xususiyatlarini aniqlashda muhim omil bo'lib xizmat qiladi

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент, 2013.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
3. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.
4. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2004. – 283 б.
5. Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Наврўз, 2014.
6. Юлдашев М.М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2009. – 316 б.

CROSS – CULTURAL ANALYSIS OF THE CONCEPT “WISH”

Gilyazetdinov E.Z

Senior teacher at Uzbekistan State University of World Languages

Kaipova D.B

Master’s degree student at Uzbekistan State University of World Languages

ABSTRACT

The article deals with the significant role of the category of wish of English and Russian languages. Identifying dictionary or literal meanings of the concept WISH in both English and Russian languages. Semantic similarities and differences of the concept WISH. The concept Wish has its own peculiarities in respect of the communicative phraseological units and stable word groups. There are set phrases used in particular domains.

Keywords: *cross-cultural analysis, nominal meaning, phraseological units, evaluative and emotive features.*

Introduction

A wish is a concept which plays a significant role in Phraseology, Linguistics and sociocultural interaction as well, where it is used to express several meanings such as a strong desire to do something, or a hope for something to happen, or good regards on special occasions, etc. The lexeme WISH contains nominative, communicative and pragmatic functions.

The notional level of analysis indicates that the nominal or dictionary meaning of the word “WISH” has some certain linguistic meanings. For instance, according to **Macmillan dictionary** the concept “WISH” represents the following definitions:

- 1) want something to happen although it is unlikely (*I wish I were on a beach*).
- 2) feel sorry or disappointed about something that you did or did not do (*Now he wished that he had listened more carefully*).
- 3) want something, or to want to do something (*You may have a look around, if you wish*).

According to Cambridge dictionary:

- 1) **wish** *verb* (FEEL SORRY):
 - *I wish you were coming with me, Peter.* (used with the past simple to express that you feel sorry or sad about a state or situation that exists at the moment)

- *I wish I hadn't eaten so much.* (used with the past perfect to express that you feel sorry or sad about a particular action in the past)

2) wish **verb** (WANT) (to want to do something):

- *I wish to make a complaint.* ([+ to infinitive])

- *I wish she'd shut up for a minute and let someone else talk.* (used to express anger at someone's behaviour)

3) wish **verb** (HOPE) (to hope or express hope for another person's success or happiness or pleasure on a particular occasion):

- *We wish you every success in the future.*

4) wish **verb** (MAGIC) (to hope that something you want will be made real because of good luck or magical powers):

5) wish **verb** (GREET) (to welcome someone with particular words or a particular action):

- *He wishes me every morning.*

According to **Mnemonic Dictionary** the notion wish is:

1) a specific feeling or desire (noun: he got his wish),

2) an expression of some desire or inclination that functions as indirect request (noun: I could tell that it was his wish that the guests leave)

3) polite expression of desire for someone's welfare= compliments , regard (noun, usually plural: give him my kind regards; my best wishes)

4) hope for; have a wish (verb: I wish I could go home now)

5) prefer or wish to do something=care , like (verb: Would you like to come along to the movies?)

6) make or express a wish (verb: I wish that Christmas were over)

7) feel or express a desire or hope concerning the future or fortune of=wish well (verb)

8) invoke upon=bid (verb: bid farewell, wish you a nice evening)

At the same time **Collins dictionary** give such definitions as to "want, long for" (*I wish to travel*); "to entertain wishes", favorably or otherwise (*wish someone well; to wish someone ill*); "to bid", as in greeting or leave-taking (*wish someone a good morning*); "to request or charge" (*I wish him to come*); "to make a wish" (*She wished more than she worked. When it serves as a noun it is a request or command (I was never forgiven for disregarding my father's wishes); an expression of a kindly or courteous nature (to send one's best wishes)*)

The **free dictionary** defines it as to "long for" (want); "to feel a desire for" (*I wish them good luck*); "To order, entreat, or request": (*I wish you to go*); "To desire (something bad) to happen to someone": *I would not wish such an illness on anyone.*

The synonyms of wish can be the words as DESIRE, WANT, CRAVE, COVET. To "Wish" is to feel an impulse toward attainment or possession of something; the strength of

the feeling may be of greater or lesser intensity: *I wish I could go home*. DESIRE, a more formal word, suggests a strong intention or aim: *They desire a new villa*. WANT, usually colloquial in use, suggests a feeling of lack or need that imperatively demands fulfillment: *People all over the world want peace*. CRAVE stresses the force of physical appetite or emotional need. He *craves* sweets. COVET implies strong envious desire. *Covets* his rise to fame.

The Russian translation of the word *wish* is “*желание, желать*”. Как пишет Аристотель, к желанию относятся влечение, храбрость и воля. Следует добавить сюда же любовь и надежду. Действительно, как поясняется в трактате «О душе», желание (*стремление*) представляет собой нашу единую движущую силу. Желание – это живущая в каждом из нас движущая сила; наша способность существовать, как говорит Спиноза, чувствовать и действовать.

According to Толковый словарь Ожегова “желать” —это влечение, стремление к осуществлению чего-нибудь., обладанию чем-нибудь: желание учиться, заветное желание, гореть желанием, исполнение желаний, желание успеха, при всём желании (хотя и очень хочется). Он желал, чтоб ветер выл не так уныло. Пушкин, Медный всадник.

According to Толковый словарь Ефремова «желать» —это иметь внутреннее стремление к осуществлению чего-либо или к обладанию чем-либо; хотеть. Чья-либо просьба, воля. Высказывать пожелания (обычно благополучия, успехов и т.п.).

According to Словарь синонимов Абрамова — желать (пожелать) хотеть, жаждать, алкать, вожделеть, стремиться (порываться) к чему, домогаться чего, мечтать (вздыхать) о чем, бредить чем, зариться на что, облизываться; преследовать какую цель. Желая (всей душой, от души, пламенно), имею желание. Желание — воля, хотение, охота, готовность, жажда, алчность, вожделение, похоть, нетерпение, зуд, свербез; стремление, влечение, порыв, позыв, аппетит, погоня, спрос, тенденция. Желание горячее, душевное, жгучее, непреодолимое, неумеренное, пламенное.

The second level of analysis of phraseological units concerning the component “wish” appears to be in many phrases, idioms and proverbs indicating both evaluative and emotive features. The phrases that contain the word wish are:

1. **wishy washy-the phrase has a negative meaning which means *not able to decide, indecisive*: *I like you because you're decisive, because you're not wishy washy*. The phrase is emotive as the phrase attributes speaker's unpleasant feelings.**

2. **death wish-the phrase means *you want to die, inviting death, hence; it covers a negative evaluation and miserable emotions*. *To challenge the Mafia would be a death wish. It would be suicide*.**

3. wishful thinking-**means believing it is true because you wish it was true. Roy says that he is going to marry Dawn, but it is a wishful thinking. The phrase contains neural evaluative meaning as it is only a dream which may come true or not.**

4. **You wish!** (informal) used to say that something is impossible or very unlikely, although *someone* wishes it were possible. Example:

- Mark: I'm gonna marry a rich and beautiful actress one day.
- Spencer: YEAH! **You wish!** (*Spencer thinks Mark's plan is impossible or very unlikely*)

The evaluative meaning of the idiom "You wish" is negative as it creates impossible value. The emotive meaning can contribute to speaker's wishes which he believes may reach.

5. Idiom: wish something off on somebody - **means to pass something off onto someone else- "BURDEN" (Informal.)**

- **I don't want to have to deal with your problems. Don't wish them off on me.**
- **The storekeeper wished off the defective watch on the very next customer who came in.**

6. If wishes were horses, then beggars would ride-**is a Chinese proverb which is specific for this culture, meaning "wishing alone is of no use; you must act as well". Life would be very easy if goals could be achieved only by desiring. The proverb has both positive evaluative and emotive meanings which treats a human being to act or move in order to achieve his wishes or desires. In the proverb the concept "wish" has the meaning of desire or ambitions but unfortunately not all our ambitions/aims could have been achieved.**

7. The wish is father to the thought- **is the synonym to the phrase "wishful thinking". Our opinions or beliefs are often influenced by our desires and hopes. The phrase expresses a figurative meaning as wish is father to the thought means that the thought is born from the wish. Thus, the concept wish forms metaphor. This proverb is based on Shakespeare's *King Henry IV Part*. People sometimes come to believe something that they wish were true. For example: Jane hoped that her boss would resign, and the wish was father to the thought. Soon she had told everyone in the office that she was sure her boss was leaving. The phrase may show both evaluative and emotive meanings which can be either positive or negative depending on the situation.**

8. Wish in one hand and shit in the other and see which (hand) gets full first-**When a person wants the impossible. Here the concept "wish" illustrates the meaning "hope or belief".**

Joe: We need world peace. Can't we just all get along? Tom: Well Joe, Wish in one hand, shit in the other.

The emotive meaning of the proverb renders the speaker's attitude towards the unreality. The evaluative meaning of the proverb could be neutral.

9. Wishes won't wash dishes is an *American proverb* giving the idea of day-dreaming in spite of achieving all possible goals. The proverb gives a negative evaluative meaning.

10. Even the wishes of a small ant reach heaven is a Japanese Proverb where the concept wish gives the meaning of “prayers”. The meaning of the following proverb is God hears all living beings. While the proverb expresses a positive meaning, it transfers a pleasing and optimistic- emotive meaning.

11. Many kiss the hand they wish to cut off-means don't be deceived by mere politeness, as people are often polite to those they intend to harm. The concept wish gives the meaning “eager”. The emotive meaning of the proverb is negative as it illustrates possible cut offs by smiling people who may have dark ambitions towards other people.

12. If you wish good advice, consult an old man-this saying means that old people have more experience than younger ones so you can ask; go to for advice or information. Here, wish gives the meaning of “want”. The saying has positive evaluative meaning.

Below there are the Russian proverbs containing the word “wish”:

- 1) Много желать — ничего не видать.
- 2) Без охоты не споро у работы.
- 3) Желай по силе, тянись по достатку
- 4) Желание народа озеро сдвинет
- 5) было бы желание, а способ найдётся
- 6) Не все сбывается, чего желается
- 7) Дурак мечтает о богатстве, мудрец — о счастье
- 8) Желającego судьба ведет, нежелающего - тащит.
- 9) Легко желается то, что делается охотно.
- 10) На каждое хотение имей терпение.
- 11) И у маленького человека могут быть большие желания.
- 12) Желание грешных погибает.
- 13) Где желание, там и путь.
- 14) Незнание — не порок, нежелание знать — большой порок.
- 15) У сильных людей есть желания, а у слабых — мечты.

Let's analyze five proverbs given above. The proverb “Была бы охота — заладится любая работа”, the word охота gives the meaning of mood, wish, inner aspiration to do something. It presents positive meaning. “Где желание, там и путь” - the concept “желание” gives the meaning of “will” The meaning of proverb coincides the English proverb “Where there's a will, there's a way”. Both evaluative and emotive meanings are positive in this proverb as it concerns a way where there is a will. “У сильных людей есть желания, а у слабых — мечты”- the concept “желание” gives here the meaning of “goals or ambitions”, hence; the evaluative meaning is considered to be positive and emotive meaning strengthens the meaning of proverb and inspires. “Беден

НЕ ТОТ, У КОГО МАЛО ЧТО ЕСТЬ, А ТОТ, КТО МНОГОГО ЖЕЛАЕТ” - **the notion “желает” gives the meaning “to want a lot” which serves to have negative meaning.** “Не все сбывается, чего желается” - **the word “желается” means “want”-the emotive meaning is a bit unsatisfied as the speaker can’t achieve all what he wants or desires in life.**

The third level of text analysis containing the concept wish is dedicated to identify the different meanings of concept WISH in different text extracts. For instance, 1) “The cook, however, thought to himself: ‘If the child has the **power of wishing**, and I am here, he might very easily get me into trouble.’ So he left the palace and went to the boy, who was already big enough to speak, and said to him: ‘Wish for a beautiful palace for yourself with a garden and all else that pertains to it.’ Scarcely were the words out of the boy’s mouth, when everything was there that he had wished for. After a while the cook said to him: ‘It is not well for you to be so alone, **wish for** a pretty girl as a companion. In this text the “**power of wish**” gives the meaning to accomplish any wish or desire no matter what happens. While “**wish for**” stands for “make a wish”.

2) There’s a **wish list** from San Diego Council members of what they’d like to get done with that \$62 million. Councilman Scott Sherman, for instance, said he wants to use it in neighborhoods for beautification of utility boxes or sidewalk repair. Councilwoman Vivian Moreno wants some cash siphoned off for a special climate equity fund to support projects in underserved areas of the city. The phrase **wish list** stands for a list of desired but often realistically unobtainable items.

3) In China, at a time when few girls are taught to read or write, Ruby **dreams** of going to the university with her brothers and male cousins. On New Year’s Day, Ruby put on red velvet shoes and tied red ribbons in her hair. Then she went to **wish everyone a happy new year**.. Each one gave her a red packet full of lucky money. Finally, she bowed before her grandfather. “Good luck and prosperity, Grandfather,” she said. “Good luck, little Ruby,” replied her grandfather, and he handed her a very fat red packet. Ruby could feel the eyes of all her family on her as she opened the lucky red envelope. Can you guess what was in it? It wasn’t money, it was something much better than that. It was a letter from a university, saying that they would be proud to accept Ruby as one of their very first female students. So that’s how Ruby **got her wish**. It’s a true story. And how do I know this? Well, Ruby is my grandmother, and every day she still wears a little red. The phrase “**got her wish**” constitutes that Ruby achieved her goal or her dream came true.

The extracts taken from the Russian texts have the following meanings:

1. Ночью, сидя на дворе, на поленнице дров, я почувствовал настойчивое желание рассказать кому-нибудь о бабушке. М. Горький, Мои университеты. Here, the WISH gives the meaning of great will or a strong desire to do something.

2. Я хочу видеть - понимаешь? хочу видеть и не могу освободиться от этого желания. Короленко, Слепой музыкант. The given expression shows how someone

desires or longs to see someone, and it raises the feeling of inner motivation. 3. Желание его исполнили и похоронили возле церкви, близ могилы Пульхерии Ивановны. Гоголь, Старосветские помещики. The examples given above gives the meaning of request, command or order.

4. Влюбленный граф в потемках бродит, Дорогу ощупью находит. Желаньем пламенным томим, Едва дыханье переводит. Пушкин, Граф Нулин. И слышался голос Тамары: Он весь был желанье и страсть. Лермонтов, Тамара. The meaning of wish coincides with the meaning of the word LOVE, full of love to someone.

Conclusion

Wish is widely used as a polite substitute for *want* with infinitives: *Do you wish to sit at a table on the terrace?* Wish is regret, feeling sorry for something; it is a desire, strong intention and positive regards.

The cross-cultural analysis of the concept WISH/ЖЕЛАНЬЕ in English and Russian languages has shown that the English phraseological units as proverbs for example, are less than in Russian language, but all phraseological units whether they are phrases, idioms or proverbs are educational and useful. The notional meanings, conceptual features, evaluative and emotive components of the concept WISH almost constitute the same meanings in both Russian and English languages.

REFERENCES

1. <https://dictionary.cambridge.org/>
2. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/wish>
3. Kunin A. V. *Course of phraseology of modern English.* Moscow: Vyssh. shk.; Dubna: Feniks, 1996, 381. (In Russ.)
4. Teliya V. N. *Russian phraseology: Semantic, pragmatic and linguacultural aspects.* Moscow: Iazyki rus. kultury, 1996, 284

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Боғибекова Малика Давронбек қизи

Магистрант, Методика преподавания точных и естественных наук(математика)

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящается кредитно-модульному обучению студентов в педагогических вузах. А также рассматриваются виды самостоятельных работ для студентов.

Ключевые слова: Кредитная технология обучения, студент, самостоятельная работа, общедидактические методы, пакет домашних заданий.

Радикальные изменения, происходящие в современном нашем обществе, его высокий динамизм развития, внедрение принципиально новых технологий поставили профессиональное образование перед необходимостью подготовки специалистов, способных компетентно решать назревшие проблемы, быстро ориентироваться в сложной обстановке, обладающих творческим мышлением. Ответом на эти требования явилось введение кредитной технологии обучения в вузах Узбекистана.

Кредитная технология обучения – образовательная технология, которая позволяет повысить уровень самообразования и творческого освоения знаний на основе индивидуализации, выборности образовательной программы в рамках регламентированного учебного процесса и учета объема знаний в виде кредитов. Внедрение данной технологии обучения в вузах требует принципиального пересмотра организации учебно-воспитательного процесса в вузе, изменение самой технологии обучения и их методического обеспечения, а также позволяет сделать акцент на активизацию самостоятельной работы студента. Количество учебного времени, отводимое на самостоятельную работу, составляет две трети от общей трудоемкости изучаемого курса. В связи с этим в условиях внедрения кредитной системы обучения одной из актуальных проблем становится правильная и эффективная организация самостоятельной работы студентов.

Ряд исследований, посвященных изучению самостоятельной работы студента, отмечают, что данная форма организации процесса обучения

способствует формированию сознательного отношения самих студентов к овладению теоретическими и практическими знаниями, прививает им привычку к напряженному интеллектуальному труду. В достижении цели «научить студентов учиться» необходимой предпосылкой выступает эффективная организация самостоятельной работы студента. От этого зависит качество и глубина знаний студентов и успех преподавания в целом.

Самостоятельная работа в рамках кредитной технологии представлена в двух формах: самостоятельная работа под руководством преподавателя (СРСП) и внеаудиторная самостоятельная работа (СРС).

Педагогическая ценность СРСП заключается в обеспечении активной познавательной деятельности каждого студента, ее максимальной индивидуализации с учетом психофизиологических особенностей и академической успеваемости студентов, преследуя при этом цель: максимально содействовать развитию индивидуальности. При организации СРСП возможно использование всех общедидактических методов:

- репродуктивный - для формирования монологического высказывания;
- частично-поисковый - для развития самостоятельности, активности;
- метод проблемного изложения - для развития мышления;
- исследовательский - для формирования творческой деятельности.

Роль преподавателя сводится к тому, чтобы:

- подобрать студентам индивидуальные задания для выбора;
- обеспечить необходимой литературой;
- дать консультацию отдельному студенту или группе студентов, т.е. сочетать индивидуальную и коллективную работу. Консультацию может дать один студент другому под контролем преподавателя.

Рассматривая формы проведения самостоятельной работы студентов под руководством преподавателя, следует отметить, что спецификой данной формы работы является ее базирование на интерактивных методах проведения занятий. Интерактивными методиками проведения занятий являются аквариум, вспышка, групповая мозаика, групповые ралли, текст-инструкция, техника составления структур, групповой турнир. Выбор задания или методики формы обучения должен быть обусловлен целенаправленным развитием у студентов определенных навыков и умений.

При разработке СРСП преподавателем может быть составлена таблица, где будут описаны умения и навыки, которые получит студент при выполнении СРСП.

№	Название методики, задания	Приобретаемые навыки и умения	Форма Организации
1	Ролевая игра (название)	Навыки работы в команде, умение выбора правильного решения	Работа группы студентов по определенным ролям

Самостоятельная работа (СРС) в психолого-педагогическом плане представляет собой упорядоченную динамическую систему приемов чтения, прослушивания, наблюдения, осмысления, обобщения, систематизации, конспектирования, запоминания и воспроизведения учебного материала. По своему характеру все многообразие самостоятельной работы студентов можно условно объединить в три группы:

репродуктивная самостоятельная работа: самостоятельное прочтение, просмотр, конспектирование учебной литературы, прослушивание лекций, магнитофонных записей, заучивание, пересказ, запоминание, составление глоссария, повторение учебного материала;

познавательная поисковая самостоятельная работа : подготовка сообщений, докладов, выступлений на семинарских и практических занятиях, подбор литературы по учебной проблеме, написание курсовой работы, защиту рефератов, деловые игры, решение ситуационных задач;

творческая самостоятельная работа: написание рефератов, индивидуальных групповых проектов, подготовка дипломной работы, выполнение специальных творческих заданий.

Различение самостоятельной работы по характеру познавательной деятельности не означает преимущество одного вида над другим. В подготовке студентов к будущей профессиональной деятельности каждый значения имеет. Так, например, репродуктивная самостоятельная работа способствует увеличению багажа профессиональных знаний, навыков и умений, расширяет эрудицию. Познавательно-поисковая и творческая самостоятельная работа развивает интеллектуальные, профессиональные, творческие способности. На этом основании СРС по каждой теме дисциплины должна включать все виды заданий (репродуктивный, поисковый, творческий).

Через систему самостоятельной формы работы гораздо легче решается проблема дифференциации и индивидуализации обучения. Индивидуализация обучения предполагает организацию учебного процесса с учетом индивидуальных особенностей учащихся. Позволяет создать оптимальные

условия для реализации потенциальных возможностей каждого студента. В свою очередь дифференциация обучения предполагает такую организацию учебной деятельности, которая позволяла бы учитывать склонности, интересы, способности. Следующие рекомендации помогут преподавателям найти индивидуальный подход к студентам с различными характерологическими данными:

- следует предусмотреть разноуровневую систему заданий, которая сможет обеспечить достаточно эффективный результат учебной работы, т.е. выполнение некоторого минимума самостоятельной работы всеми студентами и усложненные задания для учащихся, подготовленных лучше;

- необходим регулярный контроль успешности выполнения СРС и индивидуальные консультации преподавателя. Здесь принципиальное значение имеет личное педагогическое общение преподавателя со студентом, так как это обеспечивает наиболее оптимальную индивидуальную траекторию обучения;

- для успешности СРС необходимы четкие методические указания по ее выполнению;

- пакет домашних заданий к практическим занятиям по любой дисциплине должен содержать: все типы задач, методами решения которых студенты должны овладеть для успешного прохождения контроля; перечень понятий, фактов, законов и методов, знание которых необходимо для овладения планируемыми умениями, с указанием того, что нужно знать наизусть;

- при изучении любой дисциплины желательно проводить «входной контроль», используя различные методы (тесты, интервью, анкета). Такой контроль поможет выявить пробелы в знаниях, которые определяют выбор заданий для СРС в соответствии с уровнем подготовки студента;

Важное место в практике профессионального обучения отводится методу самостоятельной работе на опережающей основе. Опережающая самостоятельная работа может осуществляться на любом курсе обучения практически по всем дисциплинам и применяться в разных формах. Опережающие работы теоретического характера. Студенты самостоятельно изучают отдельные темы, отдельные вопросы, дополнительную литературу до изучения теоретического материала. Например, анализ документальных источников по теме, подготовка сообщений о практическом опыте в изучаемой области, изучение методических разработок и рекомендаций, знакомящих студентов с предстоящей профессиональной деятельностью. При организации опережающей самостоятельной работы нужно учитывать некоторые особенности:

а) студенты первых курсов психологически не готовы к самостоятельной учебной работе, не имеют достаточных общенаучных умений, поэтому не всегда получают желаемый результат. Из этого следует, что важна психологическая поддержка студентов со стороны преподавателя и четко разработанные методические рекомендации по всем темам самостоятельной работы, с указанием особенностей работы и методики (как составить конспект, что такое аннотация, правила работы над рефератом и т.д.). К каждой теме должен быть примерный план работы и список литературы.

б) опережающая самостоятельная работа эффективна тогда, когда студентам доступна литература. Если студенты не могут свободно работать с источниками, это вызывает чувство неудовлетворенности и нежелание выполнять работу.

Таким образом, доминирующая роль самостоятельной работы студента, представленная в условиях кредитной технологии образования, в значительной мере увеличивает ее потенциальные возможности не только как формы учебной деятельности, но и как основной формы организации процесса обучения, позволяет разнообразить ее методики проведения. Такая тенденция способствует выработке значительного багажа знаний, навыков и умений, способности анализировать, осмысливать и оценивать современные события, решать профессиональные задачи на основе единства теории и практики, что гарантирует успешное освоение современной профессии.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Колычов Н.М., Чернявская Н.К, Водолзский С. В.. Болонский процесс - как он воздействует на наши ВУЗы? // «Высшее образование сегодня» 2006г. №5*
2. *Методические рекомендации по организации самостоятельной работы в условиях кредитной системы обучения. / Под ред. О.Н. Кузнецовой, Ж.Т.. Копбасаровой. Алматы., 2004.*

“ТЕЛЕКУРСАТУВ САМАРАДОРЛИГИДА ЖУРНАЛИСТ ЎРНИ: АҚШ МИСОЛИДА”

Д.Р.Эшбоева

Ўзбекистон Журналистика ва Оммавий Коммуникациялар
университетининг 2-босқич магистранти

АННОТАЦИЯ

Дунёда оммавий ахборот воситаларининг таъсири доимий равишда ўсиб бораётганлиги сабабли, бугун журналистга қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Журналист фаолиятининг асосий вазифаси - жамоатчилик фикрини шакллантириш, давлат ва жамият ўртасида ахборот канални яратиш бўлса, мақсади – қизиқарли, оммабон кўрсатувлар тайёрлаб, аудиторияни жалб қилиш.

Ушбу илмий мақолада АҚШ телеканалларида самарали фаолият олиб бораётган журналистларнинг иш жараёни, уларнинг муаллифлик кўрсатувлари, теледастурлар оммалашишида бошловчининг роли хусусида сўз боради.

***Калит сўзлар:** жонли эфир, ток-шоу, шоумен, жанр, профессионал, рейтинг, аудитория.*

Бугун эфир вақтининг асосий қисмини эгалловчи кўнгилочар дастурларга талаб катта. Бунга мисол қилиб, ток-шоуларни келтириш мумкин. Машҳур “юлдузлар”нинг ташрифи, кескин савол-жавобларга йўғрилган суҳбатлар аудитория учун доим қизиқ. Бундай дастурлар томошабинни бироз бўлсада муаммолардан чалғитиб, маданий ҳордиқ чиқаришига сабаб бўлади. Кўнгилочар дастурларнинг айнан мана шу жиҳати аудиторияни ўзига жалб қилиш хусусиятига эга.

Ток-шоу тушунчаси (инглизча talk-show) икки сўздан иборат "гапириш" ва "томоша" деган маъноларни билдириб, бир нечта иштирокчи бошловчи томонидан тақдим этилган мавзу юзасидан ўз фикрларини билдиради¹.

Жанрнинг ватани Америка, асосчиси журналист Фил Донаху. 1960 йилларда америкаликлар биринчи марта ток-шоуларни телевидение орқали кўришга муваффақ бўлишди². Фил Донаху бетоб бўлган ҳамкасбининг ўрнига дастур олиб бориш чоғида истисно тариқасида (дастур концепциясига мувофиқ,

¹ Krysin, L.P. Explanatory dictionary of foreign words / L.P. Krysin. - M.: Russkij jazyk [Russian language], 1998. // URL: http://dic.academic.ru/contents.nsf/dic_fwords/

²Бирбом, М. Хозяин ток-шоу / М. Бирбом. - Спутник-ТВ. 2005 №7. – С. 11-13.

одатда бошловчи меҳмонга ўз саволларини бериши керак) студияда ўтирган иштирокчилардан кўрсатув “меҳмонига” саволлар бериш таклифини беради.

Томошабинлар шу заҳоти “жонланиб”, унга жавобан муносабат билдиради. Баҳс-мунозарали қизгин суҳбат кўрсатувга ўзгача ёндошув бағишлаб, аудиторияда яхши таассурот қолдиради. Шу тариқа, янги жанр – ток-шоу пайдо бўлади.

Фил Донаху туфайли ток-шоулар телевидениенинг энг машҳур жанрларидан бирига айланди. АҚШнинг деярли барча телеканаллари ўзларининг ток-шоуларига эга бўлди. Вақт ўтиши билан ток-шоу узатиш формати бутун дунёга тарқалди. Турли мамлакатларда янги ёки айнан Америка сингари шоулар яратила бошланди. Кўрсатув олиб боришнинг бундай шакли томошабинларда катта қизиқиш уйғотди ва бошқа журналистлар орасида ҳам оммалашди. Бироқ телеканаллар ўртасидаги рақобат ҳамда рейтинг туфайли ток-шоулар жамиятнинг ижтимоий, сиёсий масалаларига эътибор бериш ўрнига, аксинча жанжалли тус ола бошлади³.

Бошловчи – шоунинг юзи. У ток-шоуда асосий рол ўйнайди. Айнан бошловчи кўрсатувнинг самарадорлигини таъминлайди. Бошловчи суҳбатни давом эттириши, уни назорат қилиши, белгиланган мавзудан ташқарига чиқмаслиги, томошабинлар ҳамда меҳмонларни кузатиб бориши, аудиториянинг суҳбатга бўлган қизиқишини уйғота олиши лозим. Ана шундай сифатларга эга, 1980-1990 йилларда ABC телеэкранларида ток-шоу жанрини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган журналист Опра Уинфри эди.

1986 йилда Опранинг муаллифлик дастури ўша машҳур - The Oprah Winfrey Show (Опра Уинфри шоу)си яратилди. Ўша йилнинг 8 сентябрида King World Production телевизион синдикати Опра Уинфри шоусини 138 та шаҳарда ишлайдиган трансляция тармоғига киритди⁴. Дастур Америкада ҳам, хорижда ҳам ақл бовар қилмайдиган, мисли кўрилмаган муваффақиятларга (бундай муваффақиятларда, албатта, бошловчининг роли катта) эришди, кўрсатувнинг аудиторияси кенгайди. Опра ўз шоусига таниқли шахс (машҳур сиёсатчилар - Билл Клинтон, Барак Обама, мусиқачилар – Майкл Жексон, актёрлар – Том Круз)лардан тортиб, оддий америкалик фуқароларини таклиф қилиб, суҳбатдошлари билан жонли, самимий суҳбат кура бошлади. Студияда қулай ва ёқимли муҳит ярата олди.

³Могилевская, Э. В. «Ток-шоу как жанр ТВ: происхождение, разновидности, приемы манипулирования / Э.В.Могилевская – (№15 [137] 17.08.2006) // URL: <http://www.relga.ru/Environ/WebObjects/tguwww.woa/wa-Main?textid=1114>

⁴constructorus.ru > История успеха Опры Уинфри

Мавзулар машхур шахсларнинг таржимаи холидан олинган аниқ фактларга асосланиб, нима?, қачон?, қаерда?, қай тарзда? каби саволларга жавоб топарди.

Опра ўз меҳмонларини тинглашга, уларга ҳамдард бўлишга, улар учун қайғуришга, ўз фикрлари билан ўртоқлашишга тайёр. У дастур қаҳрамонлари билан бирга йиғлашдан ёки кулишдан уялмасди. Опра Уинфри ўзининг муваффақиятининг сирини ўз аудиториясини билишида, улар билан алоқани топиш-ўрнатиш ва томошабинларга мавзунинг моҳиятни тушунарли сўзлар билан етказиш қобилиятида деб билади.

Журналистнинг бир ёки бир нечта одам билан суҳбати журналистикада интервью деб номланади. Интервью (инг. interview; inter – ўзаро таъсир, view – қараш, фикр) – қарашлар, фактлар ва маълумотлар алмашинуви⁵.

Интервьюда журналистнинг асосий вазифаси тузилган саволлар ёрдамида имкон қадар тўлиқ, мантиқий изчил маълумотларни олишдир.

Ларри Кинг – АҚШнинг энг машхур телебошловчиси ва шоумени, “Larry King Live” шоусининг асосчиси.

1978 йилда Кинг WIOD радиостанциясида ишлаб юрган кезларида "Mutual Radio Network" радиостанцияси томонидан намоёни этилган янги тунги "Show Larry King" (Ларри Кинг шоу)сини очди. Дастурда Кингнинг меҳмонлари иштирок этишди. Баҳс-мунозара, савол-жавоблардан иборат шоу тез орада Тед Тёрнер исмли медиа-магнатнинг эътиборини тортди. У Кингга янги ташкил этилган CNN тармоғида ток-шоу бошловчилигини таклиф қилди⁶. Шу тариқа "Larry King Live" биринчи миллий телекўрсатуви яратилди.

Сўнгги ўн йил ичида Кингнинг актёрлар, спортчилар, миллий қаҳрамонлар, дунёнинг турли мамлакатларидаги юқори мартабали шахслар, машхур сиёсатчи (2000 йилнинг 8 сентябрь сонидан) дастур меҳмони Россия президенти Владимир

⁵ Телевизионная журналистика: Учебник. 2-е издание, переработанное и дополненное // Редколлегия: Г. В. Кузнецов, В. Л. Цвик, А. Я. Юровский. – М.: Изд-во МГУ, 1998: - С 183] <https://www.km.ru/referats/D6ACC8905AAF497E873F286E112B5BE7>

⁶ Мэтр жанра интервью Лари Кинг [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://studfiles.net/preview/5427510/page:40/>

Путин) лар, ишбилармон-тадбиркорлар иштирокида 40 мингдан ортиқ интервьюлари миллионлаб томошабинларни телевизор қаршисига “михланишига” сабаб бўлди. Ларри Кингнинг мулоқот услубига эътибор берсак, у “ўзини тақдим этиш” қобилиятига эга. Кинг ҳеч қачон суҳбатга олдиндан тайёргарлик кўрмайди. Унинг таъкидлашича, иштирокчига қийин савол бермаслик, энг муҳими, керакли маълумотларни олиш ва билиш. Ҳолбуки, қийин саволлар муҳбир ва суҳбатдош ўртасида енгиб бўлмайдиган тўсиқни келтириб чиқаради. Суҳбатдошини “имтиҳон” қилмайдиган Ларри Кинг, аксинча кўпроқ тинглашни афзал кўради.

Унинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – суҳбатдоши билан ҳазиллашиши. У буни ўзига хос тарзда ва мутлақо хотиржам юз ифодаси билан амалга оширади. Шоуга келадиган бўлсак, "Larri King Live" лойиҳасининг муваффақияти бу суҳбатдошига студияда ўзини эркин тутиши учун имконият яратиб бериши. “Агар одам ўзини эркин ҳис қилса, табиийки, у энг шов-шувли воқеаларга мамнуният билан жавоб беради”, дея таъкидлайди.

Телебошловчи телевизион компаниянинг имиджини шакллантирадиган асосий шахс. Бугун журналистнинг кўнгилочар дастурлардаги маҳорати долзарб бўлиб қолди ва бу унинг нафақат шахсий фазилатларига, балки умумий тайёргарлигига ҳамда профессионалик даражасига боғлиқ. Юқорида биз машҳур телебошловчи Опра Уинфри ҳамда шоумен Ларри Кинг ижодий фаолиятига тўхталдик. Бу икки ижодкорнинг иш жараёнини кузатар эканмиз, уларда ҳар бир журналист эгаллаши керак бўлган, хушмуомалалик, бадийлик, керакли вазиятни яратиш, томошабин билан самимий муносабатда бўлиш хусусиятларнинг барчаси мужассам. Шунинг учун бўлса керак, улар бошчилигидаги кўрсатувлар рейтингларда энг юқори ўринларни эгаллаган. Бошловчиларнинг ўзига хос бундай сифатлари узоқ йиллар давомида босма ва телевизион оммавий ахборот воситаларининг кўплаб ходимларига намуна бўлса ажабмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бирбом, М. Хозяин ток-шоу / М. Бирбом. - *Спутник-ТВ*. 2005 №7. – С. 11-13.
 2. Могилевская, Э. В. «Ток-шоу как жанр ТВ: происхождение, разновидности, приемы манипулирования / Э.В.Могилевская – (№15 [137] 17.08.2006) // URL: <http://www.relga.ru/Environ/WebObjects/tguwww.woa/wa/Main?textid=1114>
 3. Телевизионная журналистика: Учебник. 2-е издание, переработанное и дополненное // Редколлегия: Г. В. Кузнецов, В. Л. Цвик, А. Я. Юровский. – М.: Изд-во МГУ, 1998:- 288с. <https://www.km.ru/referats/D6ACC8905AAF497E873F286E112B5BE7>
 4. Мэтр жанра интервью Лари Кинг [Электронный ресурс]. <https://studfiles.net/preview/5427510/page:40/>
 5. Krysin, L.P. Explanatory dictionary of foreign words / L.P. Krysin. - М.: Russkij jazyk [Russian language], 1998. // URL: http://dic.academic.ru/contents.nsf/dic_fwords/
- Интернет сайтлари:**
6. constructorus.ru > История успеха Опры Уинфри

**XORAZM SHEVALARIDA QO‘LLANILUVCHI AYRIM
FORS- TOJIK TILIGA MANSUB SO‘ZLAR
(uy-ro‘zg‘or buyumlari misolida)**

Hamida Orislanova

UrDU Magistratura bo‘limi Lingvistika: o‘zbek tili yo‘nalishi
211-guruh magistranti

ANNOTASIYA

Ushbu maqolada Xorazm shevasida qo‘llaniluvchi fors va tojik tillaridan o‘zlashgan ayrim uy-ro‘zg‘or buyumlariga oid leksika tahlil qilingan.

***Kalit so‘zlar:** o‘zlashma qatlam, eron tillari guruhi, fors tili, tojik tili, sheva, uy-ro‘zg‘or buyumlari.*

O‘zbek va fors-tojik tillari o‘rtasidagi aloqa uzoq davrlarga borib taqaladi. Asrlar davomida ikki xalq aholisining yondosh hududda yashashi, bu xalqlarning ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy-siyosiy hamkorliklari ularning tillariga ham sezilarli ta‘sir ko‘rsatgan: ular bir-birlarining tilini o‘rganishgan, bir-birlaridan so‘z qabul qilishgan. O‘zbek tili ham boshqa tillardan farq qilmagan tarzda ma‘daniy-siyosiy aloqalar natijasida boshqa tillardan so‘zlarni qabul qilgan. Shuni ta‘kidlash kerakki, “... hech bir til uning sheva yoki lahjasi yo‘qki, ularning tarkibida boshqa tillardan kirgan so‘zlar bo‘lmasin. Chunki so‘z olish til hayotining zaruriy ehtiyojlaridan biri hisoblanadi¹”.

Xuddi shunday Xorazm shevasi leksikasining asosiy qismini turkiy so‘zlar tashkil etgan holda, sheva fondida arab, fors-tojik va yevropa tillariga oid so‘zlar ham mavjud. Professor O. Madrahimov tadqiqotlariga ko‘ra Xorazm sheva leksikasida eron tillari guruhiga mansub so‘zlar turkiy qatlamdan so‘ng keyingi o‘rinda turishini ta‘kidlaydi. Bu qatlamga mansub so‘zlarni kundalik ijtimoiy-iqtisodiy, maishiy hayotimizda ko‘plab uchratishimiz mumkin. Quyida uy-ro‘zg‘or buyumlariga mansub so‘zlarning ayrimlari xususida so‘z yuritamiz.

Käpkir –“kapgir”². Bu ot tojik tilida “go‘sh t qaynay boshlaganda hosil bo‘ladigan dag‘al ko‘pik” ma‘nosini anglatadigan “kaft”³ otiga “ol-” ma‘nosini anglatadigan “giriftan”⁴ fe‘lining “gir” hozirgi zamon asosini qo‘shib hosil qilingan bo‘lib, tojik

¹ Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шеваларидаги форсча ва тожикча лексик бирликлар. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013, №3. –Б.40. (40-46)

² Мадраҳимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг хива шеvasи.-Урганч:Хоразм,1999.-Б.103

³ Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.:1954.-С.184

⁴ Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.:1954.-С.103

tilida *kafk* oti oxiridagi *k* tovushi aytilmay, “*kafgir*” shaklida ishlatiladi.¹ O‘zbek adabiy tilida bu so‘z *kapgir* shaklida qo‘llanilib, *f-p* fonetik o‘zgarishiga uchragan. Xorazm shevasida esa *kapkir* shaklida bo‘lib *p* jarangsiz tovushi ta‘sirida keyingi tovush jarangsizlashishini *g-k* ko‘rishimiz mumkin.

Pärdä- “deraza, eshik pardasi”². Bu ot tojik tilida “eshik” ma‘nosini anglatadigan *dar* oti bilan “tutuq” ma‘nosini anglatadigan *parda* otidan tuzilgan bo‘lib, dastlab “eshik tutug‘i” ma‘nosini anglatish uchun ishlatilgan.³ Hozirgi o‘zbek adabiy tili va shevalarida “derazaga osiladigan bezak yoki mato-gazlama” ma‘nosini bildiradi.

Chirä- “chiroq”⁴. Bu ot fors tilida *cherag*⁵, tojik tilida *charog*⁶ shakliga ega. O‘zbek tiliga tojikcha shakli birinchi bo‘g‘inidagi *a* tovushini *i* tovushiga, oxiridagi *g*‘ tovushini *q* tovushiga almashtirib olingan. Xorazm shevasida esa *i* tovushining kuchsizlanishi, *o* tovushining *a* tovushiga o‘zgarishi va so‘z oxiridagi *q* tovushining tushib, fonetik hodisaga uchraganini ko‘rishimiz muki.

Dastirxān- “dasturxon”⁷. Bu ot fors tilida *dāstarxon*⁸, tojik tilida *dasturxon*⁹ shaklida uchraydi. O‘zbek tilining izohli lug‘atida *dasturxon* shakli keltirilgan bo‘lib, “ovqat qo‘yiladigan mato” ma‘nosida izohlangan. Xorazm shevasida birinchi bo‘g‘indagi old qator unli *a* tovushi ta‘sirida so‘z o‘rtasidagi orqa qator unli *u* tovushi old qator unli *i* tovushiga o‘zgarib, singormanizm hodisasiga uchrab, *dastirxan* shaklida talaffuz qilinadi.

Kosā- “piyola”¹⁰. Bu ot fors tilida *kās*, ko‘plikda *kāsat* shakllarida, tojik tilida *kosa* shaklida uchraydi. O‘zbek tilida esa tojik tilidagi variantini ko‘rishimiz mumkin. Xorazm shevasida esa *kosā* shaklida uchrab, so‘z oxiridagi *a* unli tovushining *o* unli tovushiga almashganini ko‘ramiz.

Lājān- “xamir qorish yoki qo‘l yuvish uchun ishlatiladigan idish”¹¹. Bu tojikcha ot bosh ma‘nosida “mis toz” ni, ko‘chma ma‘nosida “patnos” ni anglatadi. Xorazm

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати III . – Тошкент: Университет, 2009.-Б-118

² Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари.-Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси , 1961.-Б-110

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати III . – Тошкент: Университет, 2009.-Б-79

⁴ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари.-Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси , 1961.-Б-98

⁵ Персидско-русский словарь.-М.: Русский язык, 1985.-С.162

⁶ Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.:1954.-С.438

⁷ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари.-Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси , 1961.-Б-109

⁸ Персидско-русский словарь.-М.: Русский язык, 1985.-С.218

⁹ Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.:1954.-С.123

¹⁰ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари.-Тошкент: ЎзССР Фанлар Академияси , 1961.-Б-110

¹¹ Мадраҳимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг хива шеvasи.-Урганч: Хоразм, 1999.-Б.121

shevalarida soʻz oʻrtasidagi *g* tovushi *y* tovushiga oʻzgarib, “quyuq ovqat solinadigan katta idish” yoki “kir yuvish uchun ishlatiladigan idish” maʼnoslarini anglatadi.

Kúrt- gugurt. Bu ot fors tilida *gugārd*¹ shaklida, tojik tilida *goʻgird*² shaklida uchrab, oʻzbek tilidagi *gugurt* otining tovush tarkibi bu otning yuqoridagi manbalarda keltirilgan tovush tarkibiga aynan bir xil emas: birinchi boʻgʻinda *oʻ* tovushi emas, *u* tovushi kelishi fors tili bilan bir xil boʻlgan holda, ikkinchi boʻgʻindagi *a, i* emas, *u* tovushining, oxirgi *d* tovushining *t* tovushiga oʻzgarishi har ikki manbadan farqli. Birinchi boʻgʻindagi *u* tovushiga monand ikkinchi boʻgʻinda *i* tovushi emas, *u* tovushining kelishi orqali singormanizm hodisasi yuzaga kelgan boʻlsa, soʻz oxiridagi *d* tovushning *t* tovushga oʻzgarishi oʻzbek tilida mavjud tovush oʻzgarishlari asosida hosil boʻlgan. Xorazm shevasida *kúrt/kúruʻt/kúgúrt/kúyúrt* tarzida turli fonetik oʻzgarishlarga uchragan holda qoʻllaniladi.

Tāvān-tova³. Bu ot tojik tilidagi “qizdir” maʼnosini anglatadigan *toftan*⁴ feʼlining *tob* hozirgi zamon asosiga *-a* qoʻshimchasini qoʻshgan holda yasalgan boʻlib, oʻzbek tilida tarkibidagi *b* tovushi *v* tovushiga alamshtirilgan. Xorazm shevasida birinchi boʻgʻindagi *o* unli tovushi, ikkinchi boʻgʻindagi *a* tovushiga moslashgan holda oʻzgarib, soʻz oxirida “*n*” tovushi orttirilib *tāvān* tarzida talaffuz qilinadi.

Rāpidā-nonni tandirga yopadigan yengcha⁵. Bu ot tojik tilida *rafida* shaklida keltirilgan boʻlib, oʻzbek tiliga *f* tovushini *p* tovushiga alamshtirib olingan. Non shakli berilgan xamirni tandirga yopishtirishda qoʻl kuymasligi uchun ishlatiladigan, orasiga qoʻl tiqiladigan joy qoldirib tikilgan narsa Xorazm shevasida ham *rāpidā* shaklida uchraydi.

Tārāzi- tarozi⁶. Bu ot asli tojik tilida *tarozu* tovush tarkibida uchrab, oʻzbek tiliga soʻz oxiridagi *u* tovushi *i* tovushiga oʻzgartirib olingan. Lekin oʻzbek xalq maqoli: *Har joyni qilma orzu, har joyda bor tosh-tarozu* tarkibida bu otning asl tovush tarkibi saqlangan. Xorazm shevasi leksik fondida bu soʻz *tārāzi* shaklida uchrab, birinchi boʻgʻindagi old qator unli *a* tovushi taʼsirida keyingi boʻgʻindagi orqa qator tovush *o* old qator *a* ga oʻzgarib, singormanizm hodisasiga uchragan holda, *tārāzi* shaklida talaffuz qilinadi.

Yuqorida keltirilgan fors va tojik tillariga xos bunday leksik birliklarni sheva vakillari nutqidan yana koʻplab davom qildirish mumkin. Chunki bu soʻzlar Xorazm shevasi vakillarining kundalik turmush tarzida faol qoʻllanilib kelinmoqda.

¹ Персидско-русский словарь.-М.: Русский язык,1985.-С.430

² Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.:1954.-С.110

³ Мадраҳимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг хива шеваси.-Урганч:Хоразм,1999.-Б.159

⁴ Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.:1954.-С.397

⁵ Мадраҳимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг хива шеваси.-Урганч:Хоразм,1999.-Б.146

⁶ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари.-Тошкент:ЎзССР Фанлар Академияси , 1961.-Б-110

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Абдуллаев Ф. *Ўзбек тилининг Хоразм шевалари.*-Тошкент:ЎзССР Фанлар Академияси , 1961.
2. Раҳматуллаев Ш. *Ўзбек тилининг этимологик лугати III .* – Тошкент: Университет,2009.
3. Мадраҳимов О. *Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг хива шеваси.*- Урганч:Хоразм,1999.
4. *Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. и нац. словарей. М.:1954.*
5. *Персидско-русский словарь.*-М.: Русский язык,1985.

“GO‘RO‘G‘LI” TURKUMI DOSTONLARI TILIDAGI MIKROTOPONIMLARNING QO‘LLANILISHI

Shahzoda Yusupova

UrDU magistranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Xorazm dostonlari matnlarida uchraydigan toponimlar haqida fikrlar yuritiladi. Shuningdek, maqolada dostonlar tilidagi toponimlar makrotoponim va mikrotoponim kabi turlarga ajratilgan holda tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: *toponim, mikrotoponim, makrotoponim, topoformant, topoleksema, topoaffiks.*

ANNOTATION

This article discusses the toponyms found in the texts of Khorezm epics. Also, the article analyzes the toponyms in the epic language, divided into such types as macrotoponyms and microtoponyms.

Key words : *Toponym, microtoponym, macrotoponym, topoformant, topolexema, topoaffix.*

Xorazm dostonlari tilida uchraydigan joy nomlarining hududiy hajmi jihatidan makrotoponim va mikrotoponimlarga ajratishda anglashilayotgan obyektning dunyo xaritasida tutgan o‘rni, egallagan territoriyasiga qarab belgilab olish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Toponimik materiallarni yig‘ish geografik nomlarni tadqiq etishda dastlabki va eng muhim bosqich hisoblanadi. V.Shmelauer fikricha, “...toponimik material yig‘ish uni izohlashdan ko‘ra muhimroqdir. Chunki izohlash – nari borganda faraz yoki taxmin xolos, sidqidildan to‘plangan material esa faktdir. Ba‘zan material yig‘ishning o‘zi kifoya qiladi, xulosalar esa o‘z-o‘zidan kelib chiqadi”¹. Xorazm dostonlari tilida ma‘naviy jihatdan toponim guruhiga kiradigan nomlar orasida nomdan anglashilayotgan topoobyektning hajmiga ko‘ra kichikroq darajani ifodalaydigan birliklar ham ancha foizni tashkil qiladi. Bunday toponimlarni mikrotoponim atamasi qamrab oladi.

Geografik nomlarni o‘rganishda kichik, tor doiradagi kishilarga ma‘lum bo‘lgan mikrotoponimlar ham muhim ahamiyatga ega. Mikrotoponimlar

¹ Хромов А.Л. Таджикская микротопонимия долин верхнего Зерафшана и Ягноба//Ономастика Средней Азии. – М., 1978. –С. 8

tevarak-atrofdagi yashaydigan bir guruh kishilargagina ma'lum bo'lgan quduqlar, qo'rg'ontepalar, tomorqalar, bog'lar, ko'priklar kabi kichik obyektlarning atoqli otlaridir¹. Demak, kichik geografik obyektlar (o'tloq, chakalakzor, dala, jar, yashash joylari va hokazo)ning nomlari mikrotoponimlarni tashkil etadi.

Yirik obyektlarning nomlari (makrotoponimlar)dan farq qilgan holda mikrotoponimlarni ko'p hollarda dala materiallari asosidagina yig'ish, qayd etish mumkin. Bunda ularning jonli dialektal shaklini, dastlabki fonetik holatini aniq ifodalash imkoniyati mavjud.

Xorazm dostonlari tilida uchraydigan mikrotoponimlar miqdor jihatdan uncha katta bo'lmasa ham, ular ichida bog' nomlari, ko'prik, ko'shk va binolarning nomlari, shuningdek, tog'lar va g'orlarning nomlari faol qo'llanilganligini kuzatamiz. Quyida ularning ayrim xususiyatlari haqida mulohaza yuritamiz: Dostonlar tilida qo'llanilgan mikrotoponimlar sifatida qaralishi mumkin bo'lgan onomastik birliklar ichida tog' nomlari – oronimlar yetakchi o'rinni egallaydi. "Oronim yunoncha "orog" – tog' va "onoma" – nom, atoqli ot ma'nolarini anglatib, yer yuzasi relyefidagi bo'rtib, ko'tarilib chiqqan har qanday baland joylar (tog', qir, tepa, cho'qqi, dovon va boshqlar)ning atoqli oti. Toponim turi"².

"O'zbek onomastikasi terminlarining izohli lug'ati"dan olingan yuqoridagi qoidaga ko'ra Xorazm dostonlari leksikasida oronim atamasi ostida birlashadigan o'n beshdan ortiq onomastik birliklar aniqlandi. Bunday mikrotoponimlar toifasiga: *Arg'uvon* ("Go'ro'g'li"-2, "Ahmad sardorning o'limga buyurilishi" dostoni 226-b), *Asqartog'* ("Go'ro'g'li"-2, "Go'ro'g'lining tug'ilishi" dostoni 18-b), *Balotov* ("Go'ro'g'li"-2, "Nuralining yoshligi" dostoni 297-b), *Boli Hisor* ("Oshiqnoma"-3, "Yusuf va Ahmad" dostoni 69-b), *Bolomon* ("Oshiqnoma"-3, "Yusuf va Ahmad" dostoni 41-b), *Besha* ("Oshiqnoma"-3, "Yusuf va Ahmad" dostoni 127-b), *Isfa* ("Oshiqnoma"-3, "Yusuf va Ahmad" dostoni 128-b), *Lubnon* ("Go'ro'g'li"-2, "Go'ro'g'lining o'limi" dostoni 411-b), *Tur* ("Oshiqnoma"-1, "Edigo" dostoni 220-b), *Uch gumbaz* ("Go'ro'g'li"-1, "Go'ro'g'lining tug'ilishi" dostoni 28-b), *O'ja* ("Go'ro'g'li"-1, "Kampir" dostoni 251,248-b), *Yulduz tog'i* ("Go'ro'g'li"-1, "Qirq minglar" dostoni 179-b) kabilarni kiritish mumkin. Shular qatori, "Oshiqnoma" turkumining 3-kitobiga kiritilgan "Yusuf va Ahmad" dostonida (152-b) *Hanqo* deb nomlangan g'or nomi ham keltirilgan.

Ularning ayrimlarini Xorazm dostonlari matnlarida qo'llanilgan o'rinlaridan parchalar keltiramiz:

Go'ro'g'li der: omon-omon, Sog'inchimni aylay bayon,

¹ Қораев С. Географик номлар маъноси биласизми? –Тошкент, 1970. – Б. 193

² Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган: НамДУ нашри, 2006. – Б. 63

Mudomo boshinda dumon, O'ja dog'lar joyindami? (“Go‘ro‘g‘li”-1, “Kampir” dostoni 248-b) yoki:

O'ja dog'larina chiqsam, Telmurib to'rt yona boqsam,

Chekka jabrini man chaksam, Jonim chiqsa ozoridan. (“Go‘ro‘g‘li”-1, “Kampir” dostoni 251-b). Ayrim versiyalarda mazkur tog' nomining *Xo'ja tog'* varianti ham qo'llanilganligini kuzatamiz.

Quyidagi parchada **Bolomon** oronimi qo'llanilishini ko'ramiz:

Bolomon tog'i der odinga saning, Yazidlar bog'ladi qo'limni maning,

Bu borishdan sira qo'rqmagil tanim, Armonim ko'p qoldi do'st-u yoronlar. (“Oshiqnoma”-3, “Yusuf va Ahmad” dostoni 41-b)

Yuqorida tilga olingan oronimlarning leksik-grammatik jihatlariga e'tibor qilinsa, ularning ayrimlari tarkibida *tog'* leksemasi bevosita ishtirok etib, oronimning qanday obyektini nomlashini ko'rsatib turibdi. Jumladan: **Asqartog'**, **Balotov**, **Yulduz tog'i** kabilar; ba'zi *tog'* nomlarida esa mazkur qism ishtirok qilmasdan nomning oronim ekanligini kontekst orqaligina ma'lum bo'lib turishini kuzatamiz. Masalan: **Arg'uvon**, **Boli Hisor**, **Bolomon**, **Besha**, **Isfa**, **Lubnon**, **Tur**, **O'ja** kabilarni shular jumlasiga kiritish mumkin.

Toponimlar avvalo til hodisasidir. Shuning uchun ular til qonuniyatlariga bo'ysunadilar. Bu narsa ularning yasashida ham namoyon bo'ladi. Toponimika bo'yicha nashr etilayotgan ilmiy adabiyotlarda **topoformant** va **topoleksema** atamaları qo'llaniladi¹. Jumladan, toponimlar derivatsiyasi, ya'ni yasashida affikslar, mustaqil so'zlarning birikuvi, ma'no siljishi va boshqa usullarda toponimlar hosil bo'lishi kuzatiladi. Ilmiy adabiyotlarda toponimlar yasashida ishtirok etgan affikslar **topoaffikslar**, **topoformantlar** deb ham yuritiladi. Ular asosga qo'shib toponimlarning qanday obyektini nomlashi, uning qandaydir o'ziga xosliklari haqida ma'lumot beradi.

Xorazm dostonlarida uchraydigan oronimlarning ba'zilarida *tog'* ma'nosini ifodalash faqat matn orqali anglashilishi mumkin bo'lsa, ayrimlarida *tog'* topoleksemasi bevosita ishtirok qiladi va shu orqali *tog'* ma'nosi yuzaga chiqariladi. Xorazm dostonlarida ana shunday nomlarning qo'llanilgan o'rinlariga e'tiborni qaratamiz:

Bandargoh-bandargoh bellardan oshdi,

Har nechuk savdoga ko'nikkan boshdi(r),

Necha mangzil shabgir tortib yo'l yurib,

Asqar tog'ning bag'iriga yetishdi.

(“Go‘ro‘g‘li”-2, “Go‘ro‘g‘lining tug'ilishi” dostoni 18-b)

¹ Бегалиев Н.Б., Туробов А.М. Самарқанд топонимияси. СамДЧТИ нашри, 2015. –Б.7

Ayrim oronimlar tarkibida yuqorida tilga olib o'tgan topoleksema mavjud bo'lmasa-da, nom tarkibida yer relyefidan balandlik ma'nosini ifodalashi sezilib turadi. Masalan: "Alqissa, kofirlar aytdilar: ulug'din kichchisining bo'yni yo'g'un erkan. Bularning ko'zlarini Go'zalshoh o'ysun deb olib yuriy berdilar. Besh oy deganda **Boli Hisor** tog'iga chiqdilar". ("Oshiqnoma"-3, "Yusuf va Ahmad" dostoni 69-b). Mazkur nom tarkibida ishtirok qilayotgan *bol//bolo* formanti baland, yuqori ma'nolarini anglatadi¹. Shu sababdan, oronimning qanday obyektini nomlab kelayotganini anglash uchun kontekstning ahamiyati sezilmaydi.

Shuningdek, *Uch gumbaz* oronimi yuzasidan ham xuddi shunday fikrlarni aytishimiz mumkin. Nom tarkibidagi gumbaz topoleksemasi balandlik ma'nosiga ishora qilib turibdi. Quyidagi parchada ana shu nomning qo'llanishini kuzatamiz: "Shunnan keyin bularning izinda ot-pot go'rinmadi, Ravshanbek otni boshini *Uchgumbaz* dog'ina qarab buravardi". ("Go'ro'g'li"-1, "Go'ro'g'lining tug'ilishi" dostoni 28-b).

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Xorazm dostonlari onomastik tizimini ma'noviy guruhlariga bo'lib tadqiq qilish muhim xulosalar chiqarishga imkon beradi. Tekshirishlar shuni ko'rsatadiki, Xorazm dostonlari onomastik tizimida toponimlar (joy nomlari) o'zining ko'lami, qo'llanish tamoyillari bilan alohida o'rinni egallaydi. Dostonlar leksikasidan o'rin olgan toponimlarning ifodalayotgan obyektiga ko'ra makrotoponim va mikrotoponim turlariga ajratish mumkin. Mikrotoponimlarning o'ziga xos xususiyatlarini, geografik nomlar sistemasida tutgan o'rnini aniqlash, ularni yozib olish, ilmiy tadqiqot obyekti sifatida o'rganish muhim ahamiyatga ega. O'zbek toponimiyasida bu borada anchagina ishlar qilingan bo'lsa-da, bugungi kun talablari va imkoniyatlari darajasida emas. Tadqiq qilingan mikrotoponimlar geografik nomlarning shakllanish jarayoni haqida qimmatli ma'lumotlar berdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI (REFERENCES)

1. Abdusamatov M va boshqalar. *Forscha-o'zbekcha lug'at*. –T. Fan, 2006. –B. 67 2015. –B.7
2. Бегматов Э., Улуқов Н. *Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли лугати*.– Наманган: НамДУ нашри, 2006. – Б. 63
3. Қораев С. *Географик номлар маъноси биласизми?* –Тошкент, 1970. – Б. 193
4. Хромов А.Л. *Таджикская микропонимия долин верхнего Зерафшана и Ягноба//Ономастика Средней Азии*. –М., 1978. –С. 8

¹ Abdusamatov M va boshqalar. *Forscha-o'zbekcha lug'at*. –T. Fan, 2006. –B. 67

EKOLOGIK MAVZULARNING OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA YORITILISHI

Sadoqat Raxmatova

O'zbekiston Jurnalistikasi va Ommaviy
Kommunikatsiyalar Universiteti
2 bosqich magistranti

ANNOTATSIYA

Ilmiy maqolada O'zbekistonda ekologiyaga oid bo'lgan axborotlarni ommaviy axborot vositalarida qanday yoritilayotgani, mintaqada ekologik muammolar dolzarbligi ularni yechimini topishda qilinayotgan say-harakatlar hamda ekologiya sohasidagi kamchiliklar o'z aksini topgan.

Kalit so'zlar: *Ekologiya, gazeta, internet, televideniye, ommaviy axborot vositalari, ekologik partiya, atrof-muhit, eko jurnalist.*

Kirish: Ekologiyaning OAVda yoritilishi haqida so'z yuritishdan oldin ekologik axborot va materiallar qanday yozilishiga ahamiyat qaratish kerak. Bu mavzudagi ma'lumotlarni yig'ish jurnalistga bir muncha qiyinchilik tug'diradi. Qiyinchilik shundaki, ekologik axborotni olish, tushunish, taqdim etish qiyin va xato qilish oson. Bu holatda eng maqbul yo'l jurnalistlar va ekologlar birga hamkorlikda bir-biri bn fikr almashib, haqqoniylik va aniqlilik prinsiplariga asoslangan axborot yaratishdir. So'nggi paytlarda jurnalistlar orasida ekologiya sohasiga qiziqish uyg'ondi. Bu esa ko'p jihatdan mamlakatimizda turli xalqaro loyihalarning amalga oshirilayotganligi va ommaviy axborot vositalari jalb etilib, ekologiyaga bo'lgan ommaviy madaniyatni rivojlanishiga intilayotganligi bilan ahamiyatli. Jamiyat axborot vositalaridan xabardor bo'lishining muhim shartlaridan biri jurnalist kadrlar tayyorlashdir. Jurnalistlar mamlakatimizdagi qator oliy o'quv yurtlarida tayyorlanadi. O'quv yurtlarda ekologiyani o'z ichiga olgan "Ekologik jurnalistika", "Ixtisoslashgan jurnalistika", "Zamonaviy jurnalistikada global muammolar" kabi fanlar o'qitiladi. Oliy ta'lim o'quv yurtlarida ekologik jurnalistika fakultetlari yo'q, ochilsa talabalar qiziqishi yanada ortib, ekologlar ko'payib bu sohada keng ko'lamli ishlar amalga oshiriladi.

Asosiy qism: Oxirgi o'n yilliklarni sarhisob qiladigan bo'lsak respublikamiz gazeta, jurnal, televideniye, radio va internet nashrlarida O'zbekiston hamda butun Markaziy Osiyo hududidagi ekologik vaziyatlar to'g'risida bong urilmoqda. "1990 yillarga nazar tashlasak, bu davrda ekologiya mavzusi matbuot sahifalaridan deyarli tushib qolgan edi. Jurnalistlarning butun diqqat e'tibori mamlakatda kechayotgan

siyosiy jarayonlarga qaratilgandi. Undan oldinroq esa sobiq tuzum davri talablari va taqiqlari ekologiya muammolarini matbuot orqali keng muhokama qilishga imkon bermasdi"¹. Hozirgi kundagi ekologik vaziyatning anchayin yomonlashuvi sababli ommaviy axborot vositalarida mazkur mavzudagi materiallarni ko'p uchratamiz. Mustaqillikdan oldingi davrlarda ekologiya, atrof-muhitdagi o'zgarishlar hozirgi kundagidek dolzarb bo'lmagan.

Ommaviy axborot vositalaridan avvalo bosma nashrlarga to'xtaladigan bo'lsak, ekologiya masalalari "Pravda Vostoka" gazetasi sahifalarida eng izchil yoritiladi. Biologik xilma-xillikni saqlash, cho'llanishga qarshi kurashish, O'zbekiston tomonidan tegishli konvensiyalarni amalga oshirish - bularning barchasi gazeta sahifalarida jurnalistlar va ekologlarning alohida nashrlari ko'rinishida ko'zga tashlanadi. Gazetaning "Habitat" va "Inson va biosfera" sahifalarida ekologik yangiliklar, muammolar yoritib boriladi. Bundan tashqari "Qishloq xabari" gazetasi haqida gapiradigan bo'lsak, ta'sischi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi hisoblanib, gazetada qishloq mehnatkashlari hayoti, suv va yer masalalari qisqa qilib aytganda agrar sohadagi islohotlar yoritib boriladi. Respublikamizdagi ekologik gazeta sifatida yaqinda ish boshlagan "Oila va tabiat" gazetasi O'zbekiston Ekologik partiyasi g'oyalarini jamoatchilikka yetkazib beruvchi nashri hisoblanadi. "Oila va tabiat gazetasi 2022 yil 8 avgustda qayta ro'yhatdan o'tkazilgan bo'lib, A-3 formatda, adadi 1402 nusxani tashkil etadi"². Gazetada ekologiyaga oid tanqidiy-tahliliy materiallar, xalqimizning tabiatga bo'lgan munosabatini o'zgartirish, atrof-muhitni asrab-avaylash ko'nikmalarini shakillantirishga qaratilgan publisistik maqolalar berib boradi. O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi tomonidan yagona ekologik jurnal - "O'zbekiston ekologik axborotnomasi" nashr etiladi. Bu jurnal har ikki oyda bir marta nashrdan chiqadi. "Yangi kun" gazetasi maxsus ekologik nashr bo'lmasada, uning ta'sischilaridan biri Orolni qutqarish xalqaro jamg'armasidir. Gazetaning har bir sonida atrof-muhitga oid materiallar chop etiladi. Bepul tarqatiladigan gazeta hisoblanadi.

Ommaviy axborot vositalaridan internet nashrlariga to'xtaladigan bo'lsak, mamlakat aholisini xabardor qilishning kuchli manbasiga aylanib ulgurdi. Professional jurnalistlar va ekologlar tomonidan tayyorlangan veb-saytlar manfaatdor auditoriyaga ishonchli ma'lumotlardan foydalanish imkoniyatini beradi. "Hozirgi kunda yurtimizda ekologiya bo'yicha faoliyat olib borayotgan saytlar ekolog.uz, ekobarqaror.uz, sreda.uz, eko.uz, uznature.uz, ecosan.uz, obod.uz kabilardir"³. Bular o'quvchilarni

¹ Nargis.uz Ўзбекистонда экология йўналишидаги онлайн журналистиканинг ривожланиши: муammo ва ечимлар. 2020

² <<Oila va tabiat>> gazetasi. <https://online.anyflip.com>

³ Экологик журналистика Ўзбекистон сиёсатида: ривожланиш тенденциялари ва ўзаро хамкорликни амалга ошириш усуллари: монография/ Наргиз Қосимова. – Тошкент: Та'лим-медиа, 2020. В.43

nafaqat respublikamiz balki dunyo ekologiyasi haqida ham xabardor qilib borish, ekologik madaniyatni yanada oshirish, atrof-muhitda keskinlashib borayotgan eko muammolarni yechimini topishga yaqindan yordam beradi.

Televideniye to'xtaladigan bo'lsak "Dunyo bo'ylab", "Yoshlar", "O'zbekiston 24", "UzReport", "Mahalla", "Bolajon" kabi telekanallarda ekologiyaga bag'ishlangan ko'rsatuvlarni ko'rish mumkin. O'zbekiston teleradiokanalida jurnalist Saodat O'rmonova tomonidan "Mo'jizalar makoni" ko'rsatuvi berib boriladi. Bu ko'rsatuv haftada 1marta efirga uzatilib, ahamiyatli tomoni qiziqarli va noyob joylar, ziyoratgohlar, biz bilmagan va eshitmagan yurtimizning mo'jizakor maskanlari haqida hikoya qiladi. Bundan tashqari "Dehqonchilik taqvimi", "Agroolam" ko'rsatuvlarida, kelayotgan haftada nimalar yuz berishi ob-havodagi o'zgarishlar to'g'risida dehqonlarga tavsiyalar berib boriladi. Agroolamda esa pillachilik, chorvachilik, parrandachilikdagi yutuq va kamchiliklar tahlil qilinadi. Bolajon telekanalida "Tabiat shifoxonasi", "Zavqli o'rmoncha", "Bog'bon bolajon", "Uyimdagi tabiat", "Yurtim bo'ylab sayohat" kabi ekologiya va tabiatga oid ko'rsatuvlar efirga uzatiladi. Sevimli kanalida esa "Mahallada duv-duv gap" tok-shousida ba'zi-ba'zida ekologik mavzu ko'tariladi. Zo'r tvda "Bu kun", UzReportda "Yangiliklar", My5 "Markaziy studio" information dasturlarida qisqa xabar tarzda berib boriladi. Bundan ko'rishimiz mumkinki asosiy ko'rsatuvlar davlat telekanallarida, xususiylarda esa deyarli ekologiya mavzusi yoritilmaydi.

Tarixga nazar tashlasak, o'tgan asrning 70-yillaridan boshlab ijtimoiy ekologiya shakllana boshlagan. O'sha vaqtda mavjud bo'lgan muammolar bir qator ijtimoiy-siyosiy harakatlarning paydo bo'lishiga olib keldi. Ulardan biri yashillar partiyasidir. "Yashil harakat ("yashil") - bu atrof-muhitning buzilishiga qarshi kurashda ishtirok etuvchi, inson va tabiat o'rtasidagi munosabatlarda yanada ilg'orlayotgan guruhlar, harakatlar, nodavlat va siyosiy tashkilotlarning umumiy nomi"¹. Harakat a'zolari tomonidan umumiy timsol sifatida foydalanilgan yashil rang - tabiat, umid va yangilanish ramzi bo'lib xizmat qiladi. Bu harakatning uch xil yo'nalishi mavjud: tabiatni an'anaviy muhofaza qilish ("qo'riqlash"), atrof-muhitni pragmatik muhofaza qilish ("ekologik"), siyosiy va ijtimoiy ekologiya. "1971 yilda Greenpeace (GREENPEACE) tashkilotiga asos solingan"². Tashkilotning asosiy maqsadi atom va kimyoviy ifloslanish, genetik xilma-xillikni saqlash, iqlim muammolari, dengiz va o'rmonlardagi o'zgarishlarni bartaraf etishdan iborat. "2019 yil 8 yanvarda mamlakatimiz siyosiy-ijtimoiy hayotida muhim voqea sodir bo'ldi. Shu kuni O'zbekiston tarixida birinchi marta ekologik barqarorlikni taminlash yo'lida yangi

¹ Зеленое движение. Электронный ресурс. URL:<http://www.krugosvet.ru/enk/istoriya/ZELENIIE.html?page=0%2C0>

²Greenpeace nima o'zi? <https://option.news>.

siyosiy kuch, O‘zbekiston Ekologik partiyasi ta’sis etildi”¹. Partiyalar vazifasi atrof muhitni tozaligini saqlash, kelajak avlod uchun tabiiy resurslarni yetqazib berish va shu kabi ko‘plab ekologik muammolarni bartaraf etish choralari o‘z ichiga oladi. Odatda "yashillar" nomi bilan ataluvchi bu partiyalar parlament orqali ekologiya sohasidagi davlat siyosati g‘oyalari ilgari suradi.

Xulosa: Aytish joizki eko partiya ish boshlagandan so‘ng ommaviy axborot vositalarida ekologiya mavzusi yana bir pog‘onaga o‘sdi. Ekologik mavzular ko‘p muhokama va munozara qilinadigan bo‘ldi, e’tibor va talab kuchaydi. Ekologik muammolarning yechimini ommaviy axborot vositalari ishtirokisiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Shunday ekan, jurnalistika ekologik muammolarni hal etish vositalaridan biridir. Filmda bo‘lgani kabi, ijodkor-rejissorning o‘zi ham keng auditoriyaga so‘zlamochi bo‘lgan mavjud muammoni to‘liq anglashi muhim. Faktlarga beparvo munosabat, materialni taqdim etishda haddan tashqari sensatsiyaga intilish nafaqat o‘quvchini chalg‘itishi, vahima qo‘zg‘ashi, balki jurnalistning malakasizligidan ham dalolatdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. *Экологик журналистика Ўзбекистон сиёсатида: ривожланиш тенденциялари ва ўзаро хамкорликни амалга ошириш усуллари: монография/ Наргиз Қосимова. – Тошкент: Та’лим-медиа, 2020. В.224*
2. *Greenpeace нима о‘зи?* <https://option.news>
3. *Nargis.uz Ўзбекистонда экология йўналишидаги онлайн журналистиканинг ривожланиши: муаммо ва ечимлар. 2020.*
4. *<<Oila va tabiat>> gazetasi.* <https://online.anyflip.com>
5. *Экологик партия - Ўзбекистонга нима учун керак?* <http://uza.uz> 21.01.2019.
6. *Зеленое движение. Электронный Ресурс*
<http://www.krugosvet.ru/enk/istoriya/ZELENIIE.html?page=0%2C0>

¹ Экологик партия - Ўзбекистонга нима учун керак? <http://uza.uz>. 21.01.2019.

O‘ZBEKISTONDA KO‘MIR SANOATIGA KIRITILAYOTGAN INVESTITSIYA LOYHALARI TADBIQI

Rajabov Shahboz Xolmamat o‘g‘li

Termiz muhandislik-texnologiya instituti assistent

E-mail: shaxbozrajabov515@gmail.com

Meyliyev To‘lqin Meyli o‘g‘li

Termiz muhandislik-texnologiya instituti talabasi

E-mail: tolqinmeyliyev729@gmail.com

Narziboboyev Anvar Abduxoliq o‘g‘li

Termiz muhandislik-texnologiya instituti talabasi

E-mail: narziboboyevanvar@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada O‘zbekistonni rivojlantirish bo‘yicha iqtisodiy rivojlanish va xorijiy davlatlardan kirib kelayotgan investitsiyalarga ta‘sir etuvchi omillar o‘rganib chiqildi. Ishlab chiqarish korxonalarida samaradorlik oshishiga va bu boradagi imkoniyatlarni kengaytirish masalalari ko‘rib chiqildi.

Kalit so‘zlar: *Investitsiya, investitsiyaviy muhit, YaIM, xorijiy investorlar, yangi texnologiyalarni modernizatsiyalash, ishlab chiqarish unumdorligini oshirish, moliya, pul resurslari, mikroiqtisodiyot, makroiqtisodiyot.*

Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda qulay investitsiyaviy muhit shakllantirildi, xorijiy investorlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha qonun yo‘li bilan keng ko‘lamdagi imtiyozlar, afzalliklar va kafolatlar tizimi belgilandi. Makroiqtisodiyotda investitsiyalar ishlab chiqarishda yangi vositalarga, turar-joylarga investitsiyalar va moddiy zaxiralarining o‘shishiga qilinadigan xarajatlardan tashkil topadigan yalpi xarajatlarning bir qismi hisoblanadi. Investitsiyalar – joriy davrda iste‘mol qilinmagan va iqtisodiyotda kapital o‘shishini ta‘minlovchi YaIM ning bir qismidir. Oxirgi yillar davomida bozor islohotlarining keskin o‘shishi natijasida “investitsiyalar” atamasi keng qo‘llaniladigan tushunchalardan biri bo‘lib qoldi. Har taraflama asoslangan, puxta o‘ylangan investitsiya qarorlari investitsiyalarni moliyalashtirishning ishonchli manbalari bilan chambarchas bog‘liqlikda qabul qilish zarurligini va chet el kapitalini jalb qilishning kengayib borayotganligini hisobga oladigan bo‘lsak, hozirgi zamon moliya nazariyasi nuqtai nazaridan investitsiyalarning

iqtisodiy mazmuni va mohiyatini ochib berish, ularning eng muhim sifat tafsiflarini aniqlash g'oyat dolzarb masala hisoblanadi. Bozor munosabatlari sharoitida pul resurslarini uzluksiz shakllantirish va ularni daromad keltiruvchi ob'ektlarga samarali investitsiyalash moliya bozori yordamida ta'minlanadi.

Investitsiya resurslari iqtisodiyot tapmoqlarini rivojlanishini boshqarishning iqtisodiy omili vazifasini bajaradi. Investitsiya mablag'lari ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish jarayonlarida hamda aholining foydalanilmayotgan mablag'larini nuqtai nazaridan investitsiya manbalari ular o'z mablag'lari (foyda, amoptizatsiya, boshqa pul jamg'apmalari); qapzga olingan mablag'lar (bank krediti va boshqa to'planishi natijasida, ularni boshqa jarayonlarda ishlatilishini ta'minlaydi. Korxonalar tashkilotlarning omonatlari); boshqa jalb qilingan mablag'lar (aksiya va boshqa qiimmatbaho qog'ozlarni sotishdan kelgan daromadlar); byudjet va byudjetdan tashqi mablag'lar tashkil qiladi. Investitsiya tarkibida uning manbalari o'z aksini topadi. Investitsiya manbalarini uning tarkibidan kelib chiqib moliyaviy va moddiy resurslarga ajratish mumkin.

Moliyaviy manbalarga naqd pul:

to'lov pullari:

xalqaro chet el valyutasi:

xalqaroto'lov pullari: aksiyalar: zayomlar: korxonalar mablag'lari: amoptizatsiya fondi kiradi.

Moddiy resurslarga - xom-ashyo resurslari: ko'chmas mulk: jamoa-shirkat xo'jalik mulki: fermerlar mulki: dehqon xo'jalik mulki: tadbirkorlar mulklari kiradi.

Investitsiya manbalari shakllantirishda moliya bozori va uning infratuzilmasi muhim ahamiyatga egadir.

Investitsiyalarni ob'ektlarga qo'yish sohalariga qarab quyidagilarga ajratish mumkin.

-kam qo'llaniladigan investitsion mablag'lar, ya'ni, qo'riq (bo'sh yotgan) yerlarni o'zlashtirish, mehnat resurslaridan vaqtincha foydalanish (mutaxassislar va rahbarlardan) va h.k.; ma'lum hajmda talab qilinadigan investitsiya mablag'lari; - rejalashtirilgan investitsiyadan olinadigan daromadga ta'sir etuvchi boshqa investitsion sharoitlar, ya'ni rejalashtirilgan asosiy investitsiya mablag'lariga qo'shimcha investitsiya mablag'larini jalb etish yo'li bilan investitsiyadan keladigan foydani oshirish:

- faoliyatga qo'yilgan shakliga qarab, investitsiya o'z harakatida daromadlarni oshirish yoki kamaytirish, xav-fxatarni kamaytirish, mehnat jamoasini manfaatdorligini oshirish, ish sharoitini yaxshilash, ijtimoiy iqtisodiy munosabatlarni muvofiqlashtirishga yo'naltirilishini ta'minlash zarur: - qo'shimcha investitsiyalar xarajatlarini kamaytirish, samaradorlikni oshirish,

mahsulot ishlab chiqishni va sotishni oshirish, qo‘shimcha daromad olishni ta‘minlashga yo‘naltirilishi kerak:

- ma‘lum ishlab chiqarishga yo‘naltirilgan investitsiyalar tarkibi ishlab chiqarishni ixtisoslashuviga qarab taqsimlanishi darkor;
- investitsiyalar resurslarni tejash, yangi mahsulot ishlab chiqish, korxonalar imdajini oshirish, tabiatni muhofaza qilish va hokazolarni ta‘milashi ham zarur.

Investitsion loyihalarni baholash

Investitsion loyiha bu investitsiyani texnik-iqtisodiy asoslash bo‘lib, u investitsion faoliyat ishtirokchilarini (mulkdor, tadbirkor, bankir, davlat va xalqaro tashkilotlar ka bilar) iqtisodiy axborotnomasi, ular o‘zaro aloqalarini bog‘laydi hamda tushintiradi. Qisqa qilib aytganda investitsiya loyihasi investitsiyadan foydalanish rejasini anglatadi. Investitsiya loyihasini samaradorligini hisoblash-bu investitsiyadan keladigan samara ko‘rsatkichlarini aniqlashni anglatadi.

Investitsiya loyihasining asosi bu kapital qo‘yilmalarga bo‘lgan ehtiyojni aniqlashdan iborat. Shu sababli investitsiya loyihasi samaradorligi kapital qo‘yilmalar samaradorligi orqali aniqlanadi. Birgina O‘zbekistonda investitsiya muhitini “Sharg‘un ko‘mir koni” misolida ko‘rishimiz mumkin. Sharg‘un ko‘miri sifatining yuqoriligi, zaxirasi ko‘pligi bilan boshqalardan ajralib turadi. Bugungi kunda bu yerda 2017-2020 yillarga mo‘ljallangan 105,5 million dollarlik loyiha amalga oshirilyapti. Xitoy bilan hamkorlikdagi ushbu loyiha natijasida 2021 yildan boshlab bir yilda 900 ming tonna toshko‘mir qazib olinadi. 600 ta ish o‘rni yaratiladi. “O‘zbekenergo” aksiyadorlik jamiyatining Angren va Yangi-Angren issiqlik elektr stansiyalari, sement zavodlari, aholi va boshqa iste‘molchilarga toshko‘mir yetkazib berish ko‘payadi. Ayni paytda konning asosiy zaxirasi tomon tunnel qazib borilmoqda. Hozirgacha 2 kilometrdan ziyod shunday yo‘l qurildi. Yana 1,5 kilometrdan so‘ng, 33 million tonnalik asosiy ko‘mir zaxirasiga yetib boriladi. Davlat rahbariga Surxondaryo viloyatida toshko‘mir qazib chiqarishni rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari haqida ma‘lumot berildi. Bunday sifatli ko‘mir hech qayerda yo‘q. “Aql, ilm bilan undan samarali foydalanib, xalqimiz manfaati uchun ishlatishimiz kerak”, dedi davlat rahbari. Shu yerning o‘zida “Sharg‘un ko‘mir” aksiyadorlik jamiyatini moderizatsiya qilish, Boysun va Sherobod tumanlaridagi konlarda ko‘mir qazib chiqarishni tashkil etish, Sariosiyo tumani va Sharg‘un shaharchasini 2019-2020 yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish loyihalari taqdimoti ham o‘tkazildi. Shavkat Mirziyoyev konchilikni yanada rivojlantirish, buning uchun sohaga oid zamonaviy texnologiyalarni yaxshi biladigan mutaxassislar tayyorlash zarurligini ta‘kidladi. Sharg‘un shaharchasini yangidan qurish, tadbirkorlik va chorvachilikni rivojlantirish bo‘yicha topshiriqlar berdi.



O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 13 yanvardagi PQ-2727 – sonli qaroriga asosan “O‘zbekiston temir yo‘llari” AJ tomonidan “Sharg‘unko‘mir” AJ ni yiliga 900 ming tonna ko‘mir qazib olish quvvatiga yetkazish maqsadida “Modernizatsiya qilish” loyihasi amalga oshirilmoqda. Loyihaning texnik-iqtisodiy asoslari O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 13.01.2017 yildagi PQ-2727 sonli qarori bilan tasdiqlangan. Loyihaning umumiy qiymati - 105,5 mln. dollar (korxonaning o‘z mablag‘i -15,7 mln. dollar, Xitoy Eksimbanki zayomi - 89,8 mln. dollar), quvvati - yiliga 900 ming tonna toshko‘mir qazib olish. Xitoy Eksim Banki kredit mablag‘lari hisobiga amalga oshirilayotgan ushbu investitsion loyiha doirasida 2016 yil 1 noyabrda “Shargunko‘mir” AJ hamda Xitoyning “China Railway Tunnel Group Co.,Ltd.” (CRTG konsorsium yetakchisi) va “China Coal Technology & Engineering Group Corp.” (CCTEG) kompaniyalari konsorsiumi o‘rtasida 94,5 mln. AQSh dollariga teng shartnoma imzolangan. 2018 yil 26 aprelda AO “O‘zbekiston temir yo‘llari” Xitoyning Eksimbank kredit mablag‘lari hisobidan 25% miqdoridagi (23,625 mln.doll.) avans to‘lovining tegishli qismini to‘laganidan so‘ng shartnoma kuchga kirdi. Yuqoridagi shartnomaning 21 bo‘limiga asosan, bosh buyurtmachining 100 nafar xodimlarini bosh pudratchi tomonidan yangi texnologiyani qo‘llab kombayn orqali toshko‘mir mahsulotlarini qazib olishni o‘rgatish maqsadida o‘qitib berish ko‘rsatilgan. Bugungi kunda “Sharg‘unko‘mir” AJning modernizatsiya qilish loyihasini amalga oshirish bo‘yicha ishlar shartnomada belgilangan talablarga va

shartlarga muvofiq amalga oshirilmoqda. Bundan tashqari yangi texnologiyani o'qitib o'rgatish jarayonini ham amalga oshirmoqdalar. Shu jumladan Xitoy kompaniyalarining "China Railway Tunnel Group Co., Ltd" (konsorsium yetakchisi) va "China Coal Technology & Engineering Group Corp." konsorsiumi bilan «tayyor holda topshirish»ga tuzilgan shartnoma doirasida qurilish maydonchasida 100 nafar buyurtmachining mutaxassislarini o'qitib berish ko'rsatilgan bo'lib, shundan 1-2 etapda 65 nafar buyurtmachining mutaxassislarini nazariy o'qitdi, shu jumladan 3-etap 35 nafar mutaxassislarini o'qitib berishi ko'zda tutilgan.



Yangi texnologiyani o'qitib, o'rgatishni jadallashtirish maqsadida Xitoy va O'zbekistondagi pandemiya vaziyati (koronavirus pandemiyasi) davrida Xitoy korxonalarida vaqtincha ishlab chiqarish to'xtaganligiga qaramasdan, Buyurtmachi talabiga asosan, Pudratchi tomonidan yangi texnologiyani o'rnatishni jadallashtirish hamda 3 – etapda buyurtmachining 35 nafar mutaxassislarini nazariy o'qitish amalga oshirildi. Shunga asosan, 2022 yilning dekabr oyi oxiriga qadar ko'mirni sinov (sanoat) tarzida qazib chiqarishni tashkillashtirish rejalashtirilgan. Shu bilan bir qatorda bugungi kunda jahonda va O'rta Osiyo mamlakatlariga yangi bo'lgan texnologiyani boshqarishni o'rganish hamda undan oqilona foydalanish maqsadida buyurtmachining mutaxassislarini Xitoy Xalq Respublikasining parametrlari "Sharg'un ko'mir" AJ korxonasida qo'llanilayotgan yangi texnologiyalarni boshqarishni o'rganish uchun chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

XULOSA

Hozirgi kunda konchilik korxonalarining jadal sur'atlarda ishlashini va ishlab chiqariladigan mahsulotlarni dunyo bozorida raqobatlasha olishini ta'minlash maqsadida texnologik usullarning samaradorligi, jihozlarning ishonchliligi va ularning aniqligini oshirish hamda keng ko'lamda avtomatlashtirish muhim ahamiyatga ega. Innovation g'oyalari va texnologiyalarni takomillashtirish hamda yaratish bugungi kunning asosiy vazifalaridan hisoblanadi. Hozirgi kunda fan-texnika, balki butun jamiyat taraqqiyotini avtomatlashtirishsiz tasavvur qilish qiyin, chunki avtomatlashtirilgan texnologiyalar qo'llanilmaydigan biror-bir sohani topish juda qiyin. Biz kelajakda O'zbekistondagi konlar miqyosida investitsiya loyihalarini tadbir qilsak yuqori unumdorlikdagi sifatli foydali qazilmalarni va ishlab chiqarish quvvatini oshiramiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Y. Xodiyev, Sh.Sh. Shodmonov – “Iqtisodiyot Nazariyasi” – 2017
2. Zoyirov L., Asamxodjaeva Sh., Yunusova S. Investitsiya. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2019.
3. Mamatov B.S., Xo'jamkulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: Iqtisod-moliya, 2014.
4. Mustafakulov Sh. Investitsion muhit jozibadorligi. Ilmiy-amaliy qo'llanma. T. – 2017.
5. Sabirova L.Sh., Nosirov E.I. Иностранные инвестиции: Учебное пособие. - T.: Iqtisod-moliya, 2016.
6. Sabirova L.Sh., Xujamkulov D.Yu. Investitsiya. Учебное пособие. - T.: Iqtisod-moliya, 2019.
7. Sagatov N.X. Kon ishlari asoslari. Toshkent. 2007.
8. Panin I.M. Zadachnik po podzemnoy razrabotke rudnykh mestorojdeniy. M. Nedra. 1987.
9. Егоров П.В. и др. Основы горного дела. Издательство Московского государственного горного института, 2006. – 383 с.
10. www.gorniyak.ru, www.gornaya-kniga.ru.
11. <http://www.rusmet.ru/minjournal/>

ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДОВ РЕФЛЕКСОТЕРАПИИ ПРИ ПОВРЕЖДЕНИЯХ СУСТАВОВ ПОСЛЕ СПОРТИВНЫХ ТРАВМ

Ботиров Ф.К

Научно-исследовательский институт реабилитологии и спортивной медицины при Самаркандском Государственном медицинском университете

Эрназаров А.Ж

Научно-исследовательский институт реабилитологии и спортивной медицины при Самаркандском Государственном медицинском университете

Равшанова М.З

Самаркандский Государственный медицинский университет

АННОТАЦИЯ

Цель. Оценка эффективности метода иглорефлексотерапии (ИРТ) при повреждениях коленного и голеностопного суставов у спортсменов в результате получения травм.

